

82  
A 98

Г. ТАҲМЕДОВА,  
В.А. КАРИМЖОНОВА

# ЎЗБЕК ТИЛИ

(ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИ, КОЛЛЕЖ ВА  
ЛИЦЕЙЛАРИНИНГ РУС ГУРУХЛАРИ УЧУН)

“IJOD DUNYOSI”  
ТОШКЕНТ-2001

Г.Т. АҲМЕДОВА,  
В.А. КАРИМЖНОВА

# ЎЗБЕК ТИЛИ

(олий укув юртлари, колледж ва  
лицейларнинг  
рус гурухлари учун)

«IJOD DUNYOSI» НАШРИЁТ УЙИ  
ТОШКЕНТ - 2001

**Филология фанлари доктори, профессор М. Миртохиев  
таҳрири остида**

**Тақризчилар:** М. Улуғбек номидаги Тошкент Миллий университети Ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси,

Низомий номли ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети Умумий тилшунослик кафедраси,

**Ў. Шарипова, филология фанлари номзоди,**

**А. Ҳусанов, филология фанлари номзоди.**

Республика мувофиқлаштириш комиссияси мажлисининг қарорига (07-11-47 10 банди) биноан ўқув қўлланма чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг рус гуруҳларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Бошқа дарсликлардан фарқи шундаки, айрим ўринларда ўзбек тилини рус тили грамматикаси билан чоғиширилган ва давр талабидан қелиб чиқиб, талабаларни лотин алифбосига асосланган ўзбек тили имлоси билан ҳам таништиришга эътибор қаратилган.

**Аҳмедова Г., Каримжонова В.**

**A 98**

**Ўзбек тили: (Олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларининг рус гуруҳлари учун) - Т.: «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2000. 144 б.**

**1. Автордош.**

**ББК 81. 2**

**2001**

**A 4602000000-05**

**2001**

**© Аҳмедова Г., Каримжонова В.  
© «Ижод дунёси» нашриёт уйи**

## СЎЗ БОШИ

Кейинги йилларда давлат тили - ўзбек тилини ўқиши, ўрганиш, ўқитиш ишлари қизғин тус олди. Шу муносабат билан ўрта мактабларда ҳам, маҳсус ўкув юртларида ҳам, олий ўкув юртларида ҳам рус гурӯҳларига ўзбек тили ўқитиш-дастурлари ишлаб чиқилди, қўлланма ва дарсликлар ёзилди.

Қўлингиздаги қўлланма эса йиллар давомида кузатилган, ўрганилган, қўлланилган тажрибалар асосида қоғозга туширилди.

Талабаларнинг ўзбек тилини ўзлаштиришлари осон бўлиши учун айрим ўринларда ўзбек тилини рус тили грамматикиси билан чоғиширишга ҳаракат қилинди.

Ўзбек ва рус тилининг морфологик тизимида айрим грамматик ҳодисалар ҳар икки тилда ҳам мавжуд. Лекин бу ҳодисалар ифодаланиши, маъноси ва бошқа хусусиятлари билан ўзига хосликларга эга. Ишда бундай ҳолатларни қайд этишга, сабабларини ёритишга ҳаракат қилдик. Масалан, ҳар икки тилдаги сон категорияси бунга мисол бўла олади.

Ишда, шунингдек, ўзбек тилида бор, лекин грамматик категория сифатида йўқ бўлган ҳолатларни ёритишга ва бу ўзига хосликнинг сабабини очишга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Масалан, ўзбек тилидаги эгалик категориясининг рус тилида йўқлиги, бу тилда ифодалаш йўллари ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бундан ташқари ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, талабаларни қисман лотин алифбоси билан таништириш ҳам эътиборда тутилди. Шундан келиб чиқиб, китобдаги маълум сўз ва матнларнинг лотин алифбосидаги шакли бериб борилди.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ

Лотин ёзувига асосланган  
ўзбек алифбосини жорий  
этиш тўғрисида

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн-учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган

ЗАКОН  
РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН

О введении узбекского алфавита  
основанного на латинской  
графике

Принят 2 сентября 1993  
года на тринацдатой сессии  
Верховного Совета Республики Узбекистана двенадца-  
того созыва

**Топшириқ:** 1. Рус тилига таржима қилинг.

Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1996 йил 24 август XII чақириғида 339-сон қарори билан тасдиқланган.

2. Ўзингиз ҳақингизда ўзбек тилида сўзлаб беринг.

**АЛФАВИТ**

Ўзбек тилида 35 та ҳарф бор.  
Улардан 33 таси товуш белгилайди, 2 таси (ъ, ь) эса товуш белгиламайди.

Ўзбек алфавитида: ў, қ, ғ, ҳ  
ҳарфлари ҳам мавжуд.

Ўзбек алфавитида 6 та унли а,  
и, ў, э, у, о бор. Ёзувдаги е, ё,  
ю, я ҳарфларининг ҳар бирни  
бир-ундош ва бир унлини ифодалайди.

Рус тилида ҳам 31 та ҳарф,  
2 та белги (ъ, ь) бор.

Рус тилида эса: щ, ы бор.

Рус тилида ҳам 6 та унли а,  
и, у, э, о, ы ва 4 дифтонг;  
я, е, ё, ю бор.

Лотин ёзувида эса, 29 та ҳарф ва 1 та тутуқ (‘) белгиси бор.  
Улардан 6 таси унли, 23 таси ундош, ч (ch), ш (sh), нг(ng) –  
ҳарф бирикмаси ҳисобланади:

## **ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

### **ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИДАН**

**Формирование современного узбекского языка имеет длинную историю.**

Наши предки - тюрки в IV-VIII вв. пользовались руническим и уйгурским письменами. В VII в. арабы, завоевав Среднюю Азию, объявили арабский язык официальным государственным языком. На арабском языке писались все деловые, религиозные документы, научные и поэтические трактаты. С XI в. до 20-х годов XX в. арабская графика была приспособлена и применялась в узбекском языке. Поэтому все ученые - Аль Хорезми, Фороби, Абу Али ибн Сино, Беруни и другие писали свои произведения как на арабском, так и на узбекском языках.

В 1929 г. узбекский язык перешел на латинскую графику.

В 1940 г. узбекский язык был переведен на кириллицу - то есть в ее основе лежит русский алфавит с некоторыми дополнительными знаками.

Узбекский язык входит в состав тюркских языков также, как азербайджанский, казахский, киргизский, уйгурский, татарский, башкирский, чувашский, якутский, тувинский, хакасский и другие.

Навои был основоположником староузбекского языка.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ  
ҚОНУНИ**

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган

**ЗАКОН  
О ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЯЗЫКЕ УЗБЕКСКОЙ  
РЕСПУБЛИКИ**

Принят одиннадцатой сессией Верховного Совета Узбекистана одиннадцатого созыва 21 октября 1989 года

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ**

Лотин ёзувига асосланган  
ўзбек алифбосини жорий  
етиш тўғрисида

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн-учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган

**ЗАКОН  
РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

О введении узбекского алфавита  
основанного на латинской  
графике

Принят 2 сентября 1993  
года на тринацдатой сессии  
Верховного Совета Республики Узбекистана двенадца-  
того созыва

**Топшириқ:** 1. Рус тилига таржима қилинг.

Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1996 йил 24 август XII чақириғида 339-сон қарори билан тасдиқланган.

2. Ўзингиз ҳақингизда ўзбек тилида сўзлаб беринг.

**АЛФАВИТ**

Ўзбек тилида 35 та ҳарф бор.  
Улардан 33 таси товуш белгилайди, 2 таси (ъ, ѿ) эса товуш белгиламайди.

Ўзбек алфавитида: ў, қ, ғ, ҳ  
ҳарфлари ҳам мавжуд.

Ўзбек алфавитида 6 та унли *a*,  
*i*, *Ӯ*, *ӵ*, *у*, *Ӧ* бор. Ёзувдаги *е*, *Ӷ*,  
*ю*, *Ҷ* ҳарфларининг ҳар бири бирундош ва бир унлини ифодалайди.

Рус тилида ҳам 31 та ҳарф,  
2 та белги (ъ, ѿ) бор.

Рус тилида эса: щ, ы бор.

Рус тилида ҳам 6 та унли  
*а*, *и*, *Ӯ*, *ӵ*, *о*, *Ӧ* ва 4 дифтонг;  
*я*, *е*, *Ӷ*, *ю* бор.

Лотин ёзувида эса, 29 та ҳарф ва 1 та тутук (‘) белгиси бор.  
Улардан 6 таси унли, 23 таси ундош, ч (ch), ш (sh), нг/ng) -  
ҳарф бирикмаси ҳисобланади:

Aa - а	Hh - ҳ	Nn - н	Tt - т	Ch ch - ч
Bb - б	Ii - и	Oo - о	Uu - у	G'g' - ғ
Dd - д	Jj - ж	Pp - п	Vv - в	Ng ng - нг
Ee - э	Kk - к	Qq - қ	Xx - х	O'o' - ў
Ff - ф	Ll - л	Rr - р	Yy - й	Sh sh - ш
Gg - г	Mm - м	Ss - с	Zz - з	(') - апостроф

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТОВУШ ТИЗИМИ

Гласный «А» - произносится как русский «А»:

ўзбек тилида:

сана (sana) - дата  
мана (shana) - вот  
халқ (xalq) - народ

рус тилида:

сани - чана (chana).  
мало - оз (oz)  
халат - аёллар.кыйими  
(ayollar kiyimi)

Гласный звук «И» - в узбекском языке произносится очень кратко, еле заметно. Так как произношение этого звука очень краткое, оно не успевает сформироваться. Например:

бир (б:p) bir - один	биз (б:з) biz - мы
анжир (анж:p) anjir - инжир	сиз (с:з) siz - вы

В русском языке «и» произносится более долго, чем в узбекском:

зина (zina) - лестница	Зина - исм (ism)
нима? (nimma?) - что?	нитка - ип (ip)

В заимствованных из русского языка словах также произносится более долго

кино (kino)	киоск (kiosk)
кис-кис (kis-kis)	килограмм (kilogramm)

и в узбекских словах, где встречается дважды или в паре с «й»:

Навоий (Navoiy) - Навай	кийим (kiyim) - одежда
қийма (qiyma) - фарш	қийнок (qiyonq) - мучение

также слышится как долгий звук «и».

Гласный звук «Ү» - произносится как русский звук «о»:

құл (qo'l)	- рука	корень - илдиз (ildiz)
күл (ko'l)	- озеро	корыто - тогора (tog'ora)
үқи (o'qi)	- читай	кошка - мушук (mushuk)
үғил (o'g'il)	- мальчик	горн - чолғу асбоби (cholg'u asbobı)

Некоторые слова на русский передаются как:

үзбек	(o'zbek)	-	узбек
Күшкүпир	(Qo'shko'pir)	-	Кушкупир
ўртоқ	(o'rtoq)	-	уртак

Гласный звук «Э» в начале узбекских слов произносится несколько дольше, чем русский «Э»:

элак (elak)	- сито	электрон	- электрон (elektron)
эрта (erta)	- завтра, рано	этаж	- қават (qavat)
эркин (erkin)	- свободно	эстафета	- эстафета (estafeta)
эллик (ellik)	- пятьдесят		

В заимствованных словах гласный звук Э может находиться в середине слова:

поэма	- поэма (греч.)	дуэль	- duel (франц.)
поэзия	- poeziya (греч.)	дует	- duet (итальян.)

**Топшириқ:** Тез айтишларни ёд олинг.

1. Оқ чойнакка оқ қопқоқ, күк чойнакка күк қопқоқ.  
(Oq choynakka oq qorqaq, ko'k choynakka ko'k qorqaq).

2. Собир совуқ сувда сузарди.  
(Sobir sovuq suvda suzardi).

3. Салим сариқ сабзини саватга санаб солди.  
(Salim sariq sabzini savatga sanab soldi).

Гласный звук «Ү» - произносится более кратко, чем русский «Ү».

## Ўзбек тилида:

**супа** (*supa*) - глиняная кровать  
**тут** (*tut*) - тутовник  
**гул** (*gul*) - цветок

**сүт** (*sut*) - молоко  
**ула** (*ula*) - соединяй  
**туз** (*tuz*) - соль

## рус тилида:

суп - шурва (*sho'rva*)  
 тут - шу ерда (*shu erda*)  
 гул - момақалдироқ  
 (*momaqaldiroq*)

суд - суд (*sud*)  
 Уля - исм (*ism*)  
 утро - тонг (*tong*)

## Топшириқ: Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг:

Болалик кунларимда,  
 Уйкусиз тунларимда  
 Кўп эртак эшитгандим,  
 Сўйлаб берарди бувим...

Bolalik kunlarimda,  
 Uyqusiz tunlarimda.  
 Ko'p ertak eshitgandim,  
 So'ylab berardi buvim...

Бувимнинг ҳар қиссаси,  
 Ҳар бир қилган ҳиссаси.  
 Фикримни тортар эди,  
 Ҳавасим ортар эди.

## Ҳамид Олимжон

Buvimning har qissasi,  
 Har bir qilgan hissasi.  
 Fikrimni tortar edi,  
 Havasim ortar edi.

## Гласный звук «О» - звучит широко и заднеязычно:

**Олим** (*Olim*) - имя собственное  
**олча** (*olcha*) - вишня  
**ош** (*osh*) - плов

**омбор** (*ombor*) - склад  
**бор** (*bor*) - есть  
**оқ** (*oq*) - белый

Этот звук нельзя менять ни в сторону А и ни в сторону русского  
то **О**.

Топшириқ: Куйидаги ёзилиши бир хил, айтилиши ҳар хил  
бўлган сўзларга аҳамият беринг ва ёд олинг, улар иштирокида  
гап тузинг.

## Ўзбек тилида

**от** (*ot*) - лошадь, конь  
**ток** (*tok*) - виноградник  
**она** (*ona*) - мать

## Рус тилида

от - предлог  
 ток - электричество  
 она - личное местоимение

**Топшириқ:** Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

### **Саломлашиш одоби**

Саломлашиш одобин,  
Эсингда тут ҳар доим.  
Эрталабки саломни,  
Бажо қилгин мулойим.  
Эрталабки саломдан,  
Янги кун бошланажак.  
Қабул қилган каломдан,  
Ғуборлар ташланажак.



### **Salomlashish odobi**

Salomlashish odobin,  
Esingda tut har doim.  
Ertalabki salomni,  
Bajo qilgin muloyim.  
Ertalabki salomdan,  
Yangi kun boshlanajak.  
Qabul qilgan kalomdan,  
G'uborlar tashlanajak.

## **ЙОЛАШГАН ҲАРФЛАР**

### **(Йотированные буквы)**

Унли ва ундошларнинг йифиндисидан ташкил топган ҳарфлар:

й + э = е      й + о = ё      й + а = я      й + у = ю  
Ye, ye - e      Yo, yo - ё      Ya, ya - я      Yu, yu - ю

В узбекском языке имеются буквы **е, ё, ю, я**, которые обозначают сочетания согласного «й» и соответствующего гласного э, о, у, а.

е - кушай (ye)	ёмон - плохой (yomon)	юз - лицо (yuz)	янги - новый (yangi)
елка-плечи (yelka)	ёнғоқ - орех (yong'oq)	юлдуз- звезда (yulduz)	яёв - пешком (yayov)
енг-рукава (yeng)	ёғ - масло (yog')	юрг - страна (yurt)	яҳши - хорошо (yaxshi)
етти- семья (yetti)	ёмғир - дождь (yomg'ir)	юқори- верхний (uqorigi)	яна - еще (uada)

Ўзбек тилининг ундош товушлари рус тилининг ундош товушларидан фарқ қиласди.

Ўзбек тилида 23 та ундош ва 2 та белги (ъ, ь), рус тилида эса 20 та ундош, 2 та (ъ, ь) белги бор.

Ўзбек тилидаги ў, қ, ғ, ҳ ундошларига рус тилида муқобил товушлар йўқ.

Согласный звук «Қ» - глубокозаднеязычный (чуқур тил орқа), близкий к русскому «К».

қалам (qalam) - карандаш

қора (qora) - черный

қаттиқ (qattiq) - твердый, крепкий

қадам (qadam) - шаг

қум (qum) - песок

қизил (qizil) - красный

**Топшириқ:** Тез айтишларнинг ўқилишига аҳамият беринг ва ёд олинг:

1. Қамар қаламни Қаҳрамонга қолдирди.

(Qamar qalamni Qahramonga qoldirdi).

2. Қарға қақимчи экан, чумчук чақимчи экан.

(Qarg'a qaqimchi ekan, chumchuq chaqimchi ekan).

3. Балиқ-балиқ бақалоқ,

Акулага чақалоқ.

Қани энди зўр бўлсанг,

Аквариумдан чиқиб боқ.

Baliq, baliq baqaloq,

Akulaga chaqaloq

Qani endi zo'r bo'lsang,

Akvariumdan chiqib boq.

### Топишмoқлар:

Қават- қават қати бор,

Ҳаммага бўлади ёр.

Ҳар қандайин саволга

Жавоб беришга тайёр.

Күш эмас, қаноти бор,

Жуда зўр гайрати бор.

Лочин унга етолмайди,

Толмас зўр қаноти бор.

(Kitob)

(Samolёт)

### Topishm oqlar:

Qavat-qavat qati bor,

Hammaga bo'ladi yor.

Har qandayin savolga-

Javob berishga tayyor.

(Kitob)

Qush emas, qanoti bor,

Juda zo'r g'ayrati bor.

Lochin unga yetolmaydi,

Tolmas zo'r qanoti bor.

(Samolyot)

Согласный звук «Ғ» - более глубокий, чем русский «Г». «Ғ» скользит между основанием языка и нёба:

ғунча (g'uncha) - бутон  
ғалла (g'alla) - зерно  
ғазал (g'azal) - газель

ғор (g'or) - пещера  
ғам (g'am) - горе  
ғоя (g'oya) - идея

Согласный звук «Ҳ» - мягко скользящий.

ҳаёт (hayot) - жизнь  
ҳаво (havo) - воздух  
ҳосил (hosil) - урожай

ҳақиқат (haqiqat) - правда  
ҳайкал (haykal) - монумент  
баҳо (bahо) - оценка

В узбекском языке есть один носовой звук (бурун товуши), который в орфографии передается стечением звук букв - «нг».

онг (ong) - разум  
бонг (bong) - колокол  
тонг (tong) - рассвет

минг (ming) - тысяча  
тeng (teng) - равный  
кенг (keng) - широкий

Согласный звук «Ж» - орфоэпия этого звука мягче чем в русском языке:

жаҳон (jahon) - мир  
жон (jon) - душа

Жаҳонгир (Jahongir) - имя собств.  
жонажон (jonajon) - родной

Произношение звука «Ж» в заимствованных словах не изменяется:

абажур (abajur) - абажур  
жаргон (jargon) - жаргон

журнал (jurnal) - журнал  
инженер (injener) - инженер

**Топшириқ:** 1. Тез айтишларни ўқинг ва ёд олинг.

1. Жамила жийдани жойига жойлади.  
(Jamila jiydani joyiga joyladi).

2. Жўжа гўжани чўқиди.  
(Jo 'ja go 'jani cho 'qidi).

3. Анжир тагида занжир, занжир ёнида анжир.  
(Anjir tagida zanjir, zanjir yonida anjir).

2. Ифодали ўқиб, мазмунини рус тилида сўзланг.

Ҳаётни ўтказса ўрганиб сабоқ,  
Устоз ҳам, шогирд ҳам бўлмас нўноқ.

Тўқиши-йигириш ҳам билим бирладир,  
Дунёни топиш ҳам билим бирладир.

*Абдушукур Балхий*

В узбекском языке звук «Щ» произносится как «шч» или «ч»:

Щедрин - Шчедрин	борщ - боршч
щит - шцит	мещан - мешчан
щетка - чётка	

В узбекской орфографии (на письме) и орфоэпии (на слух.) русский гласный «ы» произносится через «И»:

выставка - виставка	мышьяк - мишьяк
сыр - сир	румын - румин

Согласный звук «Ц» произносится твёрдо, употребляется заимствованных словах. В латинской орфографии русская буква ц передается в разных словах по-разному:

цирк - sirk	цемент - cement
центр - sentner	милиция - militsiya

**Топшириқ:** Қариндош-уруғчиликка доир сўзлар лугатини дафтaringизга ёзинг ва ёд олинг.

## БҮГИН

(Слог)

Бир нафас тўлқинида айтиладиган бир ёки бир неча товуш бўгин дейилади.

Сўзнинг бўгинларга ажralиши унинг таркибидағи унлиларнинг миқдорига қараб белгиланади.

Сўзлардаги ундош-унли шакли бўгинга ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам бир хил ажратилади:

узбек тилида:

да-да (dada) - отец  
эс-ки (eski) - старый

рус тилида:

жа-ра - иссиқ (issiq)  
ко-за - эчки (echki)

Сўзда қатор ундош келса, бири биринчи бўғинга, иккинчиси кейинги бўғинга кўшилади:

хуж-жат (*hujjat*) - документ

пус-тяк - арзимаган

(*arzimagan*)

пид-жак (*pidjak*) - (устки кийим) тон-на - (*tonna*)

Нутқ жараёнида ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сўз охирида келган баъзи ундошлар жарангизланади (оглушается).

ўзбек тилида:

мактаб (*maktab*) - мактаб

авлод (*avlod*) - авлот

барг (*barg*) - барк

рус тилида:

клуб - клуб

сад - сат

глаз - глас

**Топшириқ:** Матнни ўқинг. Ўзингиз ёқтирган спорт ҳақида сўзланг.

## УШУ

Ушу, уни чет элда кунфу деб аталади. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган гимнастика ҳисобланади. Ушу машқларидаги ҳимоя ва хужум усуллари: йўлбарс, айик, маймун, кийик, турна, ит, каламуш, илон ва бошқа ҳайвонларнинг ҳимоялананиш ва хужум қилиш усуллари мукаммал ўрганилган ҳолда тадбиқ этилиб юзага келган.

-Ушунинг асосий мақсади жуда ҳам оддий. У соғлом ва яхши инсон бўлишни, кучсизларга ёрдам беришни, ёмон иш қиласликтини, олижаноблик ва инсонийликни тарғиб қиласади ва тарбиялайди.

## USHU

Ushu, uni chet elda kunfu deb ataladi. Ikki ming yillik tarixga ega bo‘lgan gimnastika hisoblanadi. Ushu mashqlaridagi himoya va hujum usullari: yo‘lbars, ayiq, maymun, kiyik, tyrna, it, kalamush, ilon va boshqa hayvonlarning himoyalanish va hujum qilish usullari mukammal o‘rganilgan holda tadbiq etilib yuzaga kelgan.

Ushuning asosiy maqsadi juda ham oddiy. U sog‘лом ва yaxshi insон bo‘lishni, kuchsizlarga yordam berishni, yomon ish qilmaslikni, olijanoblik va insoniylikni targ‘ib qiladi va tarbiyalaydi.

**Топшириқ:** Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

## НАВРҮЗ

Баҳор чоги сувлар оққанда,  
Гул лолалар кулиб боққанда,  
Шўх қизчалар чечак таққанда,  
Наврӯз, сени қутлайди халқим!

Элим бунда шодон кулади,  
Борлик гүё нурга тўлади.  
Бу байрамни ҳамма севади,  
Наврӯз, сени қутлайди халқим!

*H. Аҳмедова*

## NAVRO'Z

Bahor chog'i suvlar oqqanda,  
Gul lolalar kulib boqqanda,  
Sho'x qizchalar chechak taqqanda,  
Navro'z, seni qutlaydi xalqim!

Elim bunda shodon kuladi,  
Borlik go'yo nurga to'ladi.  
Bu bayramni hamma sevadi,  
Navro'z, seni qutlaydi xalqim!

*N. Ahmedova*

## УРҒУ

(Ударение)

Бўғин ёки сўзнинг бирор фонетик восита орқали ажратилиб айтилиши ургу дейилади. (Произношение одного из слогов слова сильнее другого называется ударением).

Ургу икки хил бўлади: сўз ургуси (словесное ударение) ва мантиқ ургуси.

С ўз ургуси сўзнинг бирор бўғинидаги унлига тушса, мантиқ ургусида эса гапдаги бирор бўлакка тушади. (Словесное ударение падает на какой-нибудь слог в слове, а логическое ударение на какой-либо член предложения).

Ўзбек тилида ургу унлиларга деярли таъсир қилмайди, чўзиқ талаффуз этилади. Рус тилида эса унли ургули бўғинда аниқ талаффуз қилинади, ургусиз бўғинларда кучсиз ва ноаниқ талаффуз қилинади, яъни редукциялашади.

**Мисол:** море, нога, дома// дома

Ўзбек тилида сўз ургуси кўпроқ отларда охирги бўғинга тушади:

тинчлик (tinchlik) - мир,

кўклам (ko'klam) - весна

Шу сўзларга маълум аффикслар қўшилса, ургу кейинга кўчиб бораверади:

ўроқ - ўроқчи - ўроқчилик - ўроқчиликлар каби.  
о'тоқ - о'тоқчи - о'тоқчилик - о'тоқчиликлар

Доим (равиш-наречие), ҳамма, барча (олмош-местоимение), лекин (боғловчи-союз) сўзларида ургу биринчи бўғинга тушади.

Рус тилида эса ургу сўзниң турли бўғинида бўлиши мумкин:

Родина (ватан), студент, голова (бош) ва шунга қараб унинг грамматик маъноси фарқланади: рука (кўл-ко'l) - руки (кўллар-ко'llar) каби.

Рус тилида ургу баъзан сўз ясаш функциясини ҳам бажаради. Ургу ўзгариши билан маъно ҳам ўзгаради:

Замок (қулф-qulf)	-	замок (қалъа-qal'a)
мука (ун-ш)	-	мука (азоб-азоб)
воды (нет чего?-род.п.)	-	воды (мн.число, имен.п.)

Ўзбек тилидаги ўзлашган сўзларнинг ургуси ўзгариши билан янги маънолар келиб чиқади:

Мен астрономияга (от) қизиқаман.

У астрономик соат (сифат) бўйича иш қилади.

Отам академик (от). Академик луғат (сифат).

Жамол физик (от). Физик хосса (сифат) нима?

Камол техникани (от) тушунади. Комил техник асбобларни (сифат) жомажонга жойлади.

Ўзбек тилида мантиқ ургуси гапдаги сўзни мазмун жиҳатдан ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. (Логическое ударение в узбекском языке употребляется для подчеркивания значения какого-либо слова в предложении. Слово, на которое падает логическое ударение, ставится перед сказуемым):

Биз эртага концертта борамиз (на концерт).  
(Biz ertaga konsertga boramiz.)

Биз концертта эртага борамиз (завтра).  
(Biz konserfga ertaga boramiz.)

Концертта эртага биз борамиз (именно мы).  
(Konserfga ertaga biz boramiz.)

**Топшириқ:** 1. Ўқинг ва ёд олинг.

## БОҒИМИЗ БОҒДАЙ БҮЛДИ

Тол экдик, терак экдик,  
Ҳаммаси керак, экдик,  
Олча, гилос, олхўри,  
Олмазор - боғнинг тўри.  
Нок, нашвати бир томон -

- Кўклам: экмаслик ёмон!  
Шафтоли, шотут, жийда  
Ўз жойин топди жуда.  
Боғимиз боғдай бўлди,  
- Кўнглимиш тоғдай бўлди.

*T. Йўлдош*

## BOG'IMIZ BOG'DAY BO'LDI

Tol ekdik, terak ekdik,  
Hammasi kerak, ekdik,  
Olcha, gilos, olxo'ri,  
Olmazor - bog'ning to'ri.  
Nok, nashvati bir tomon -

- Ko'klam: ekmaslik yomon!  
Shaftoli, shotut, jiyya  
O'z joyin topdi juda.  
Bog'imiz bog'day bo'ldi,  
- Ko'nglimiz tog'day bo'ldi.

*T.Yo'ldosh*

2. Ҳандаларни ўқиб, рус тилига таржима қилинг.

\*\*\*

- Ўғлингиз яхши ўқийдими? - деб сўради бир аёл қўшинисидан.
- Ҳа,- экавоб берди қўшиниси. - У ҳамма фанларни янада чуқур ўрганиш учун бир синфда 2 йилдан ўқияпти.
- О'g'lingiz yaxshi o'qiydimi? - deb so'radi bir ayol qo'shnisidan.
- Ha,- javob berdi qo'shnisi. - U hamma fanlarni yanada chuqur o'tganish uchun bir sinfda 2 yildan o'qiyapti.

\*\*\*

Ўқитувчи: - Жимми, ўқувчилар мактабда кўпинча айтадиган сўзлари қайси?

Жимми: - Мен билмайман.

Ўқитувчи: - Баракалла, жуда тўғри топдинг.

О'qituvchi: - Jimmi, o'quvchilar muktabda ko'pincha aytadigan so'zlari qaysi?

Jimmi: - Men bilmayman.

O'qituvchi: - Barakalla, juda to'g'ri topding.

## СҮЗ ТУРКУМЛАРИ

### (Части речи)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сўзлар маъноси, морфологик ва синтактик белгиларига қараб гуруҳларга бўлинади. Сўзларнинг бундай бўлиниши сўз туркumlари дейилади. Сўзлар аввало икки катта гурухга бўлинади:

**МУСТАҚИЛ СҮЗЛАР** лексик (лувавий) маънога эга бўлиб, номинатив вазифа бажаради, яъни бирор нарсани атайди, номлайди, гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела олади.

**М а с а л а и:** От туркуми (существительное) - предмет маъносини билдиради: *кўча, бино, шаҳар, талаба, олма, сув ...*

*От гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, кесим вазифасида келади.*

**Феъл туркуми** (глагол) - ҳаракат-холат билдирувчи (действие, положение) сўзлар: *ўқи, ёз, ўтирип, тур, айт, сўра...*

*Феъл гапда кесим, унинг функционал шакллари эса аниқловчи, ҳол, тўлдирувчи вазифасида келади.*

**Сифат туркуми** (прилагательное) - белги (признак) билдирувчи сўзлар: *катта, ёргуф, чиройли, ширин, қизил...*

*Сифат гапда аниқловчи ва кесим, отлашганда эга, тўлдирувчи вазифасини бажаради.*

**Сон туркуми** (числительное) - сон-саноқ, миқдорни билдирувчи сўзлар: *бир, беш, етти, ўн, йигирма...*

*Сон гапда аниқловчи, айрим ҳолларда кесим, эга вазифасида келади.*


**Олмош** (местоимение) - от, сифат, сон каби сўзлар ўрнида кўлланувчи, предмет, белги, миқдор ҳақида сўроқни билдирувчи сўзлар: *мен, шу, қандай, қачон, қанча...*

*Олмош гапда қайси сўз туркуми ўрнида кўлланса, ўша туркум бажарган синтактические вазифаларда келади.*

**Равиш** (наречие действия) - ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлар: *тез, бугун, тинч...*

*Равиш гапда асосан ҳол вазифасида қўлланади.*

**МУСТАҚИЛ БЎЛМАГАН СҮЗЛАР:** 1) ёрдамчи сўзлар, 2) ундовлар, 3) тақлид сўзлар, 4) модал сўзлардан иборат.



Ёрдамчи сўзлар лугавий (лексик) маънога эга бўлмайди, гапнинг мустақил бўлаги вазифасида қўлланмайди, нутқда турли ёрдамчи маъно ва вазифаларда қўлланади. Улар: 1) кўмакчи, 2) богловчи, 3) юклама.

Ундовлар турли ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб кабиларни билдиради: *баракалла, афсус, эҳ, балли*.

Тақлид сўзлар турли товуш ёки тасвирларга тақлидни билдиради: *тақ-тақ, лов-лов, лип-лип*.

Модал сўзлар сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрича турлі муносабатларини билдиради: *албатта, балки, чамамда*.

## О Т (Имя существительное)

От - предметликни билдирувчи сўзлар туркуми. Предметлик грамматикада кенг тушунча бўлиб, киши (шахс), нарса, ҳодиса кабиларни ўз ичига олади: *одам (odam), тош (tosh), шовқин (shovqin)* каби. Демак, от туркумига оид сўзлар шахс, нарса-предмет, воқеа, ҳодиса ва шу кабиларни номлайди, уларни атайди.

Маъно хусусиятига кўра отлар: атоқли от ва турдош от, конкрет от ва мавхум от каби турларга бўлинади.

Атоқли отлар муайян шахс ёки нарсанинг номини *Сарвар (Sarvar), Гавҳар-(Gavhar), Дилафуз-(Dilafruz), Шоҳруҳ (Shohruh), Мадина-(Madina), Элбек-(Elbek), Шаҳзод-(Shahzod), Тўрткўз-(To‘rtko‘z)* ит номи, *Тошкент-(Toshkent)* жой номини билдиради:

Атоқли отлар фақат бирлик формада қўлланади.

«Гавҳарлар келди» каби қўлланса, Гавҳар ва унинг яқинлари, қариндошлари келишди, маъносини билдиради.

Турдош отлар бир турдаги барча нарсаларнинг атовчиси, номи ҳисобланади: *одам (odam-умуман шахс), дарахт (daraxt), олма (olma), ўрик (o‘rik), тош (tosh), тоғ (tog’), йўл (yo‘l)* каби.

Шахс ёки бошқа нарсани билдиришга кўра отлар икки катта гуруҳга бўлинади: 1) шахс отлари, 2) нарса-предмет билдирувчи отлар.

Шахс отлари шахснинг лавозиҳи, касб-кори ва бошқа жиҳатини билдиради: *олим (olim), табиб (tabib), муаллим (muallim), ўқитувчи (o‘qituvchi), ишчи (ishchi)* каби.

Шахс билдиримайдиган отлардан бошқа отларнинг ҳаммаси нарса билдирувчи отлар ҳисобланади: *дала* (dala), *шаҳар* (shahar), *үй* (шу), *гул* (gul), *гулзор* (gulzor), *ўроқ* (o‘roq), *пичоқ* (pichoq), *сув* (suv), *ҳаво* (havo) ва бошқалар.

Отлар тузилишига кўра қўйидагиларга бўлинади:

1. Содда отлар *туб* ёки *ясама* бўлиши мумкин.

Туб отлар таркибий қисмларга бўлинмайди:

*ноп* (nop), *олма* (olma), *китоб* (kitob), *қум* (qum), *кўча* (ko‘cha) каби.

Ясама отлар сўз ясалишига асос бўлган қисм ва сўз ясовчидан тузилган бўлади:

*ишчи* (ish+chi)-*ishchi*, *синфдош* (синф+дош)-*sinfdosh*, *ақли* (aql+li)-*aqli*, *камҳосил* (кам+ҳосил)-*kamhosil* каби.

2. Кўшма отлар ҳозирги ўзбек тилида мустақил қўлланадиган бирдан ортиқ сўздан (асосан, икки сўздан) тузилган бўлади:

*атиргул* (atirgul), *токқайчи* (tokqauchchi), *отқулоқ* (otquloq), *корақурт* (qoraqurt) каби.

3. Жуфт отлар мустақил маъноли ёки бир компоненти (ёки ҳар иккиси) мустақил маъноли бўлмаган сўзлардан тузилиб, умумлаштирилган жамлик каби маъноларни билдиради:

*бахт-саодат* (baxt-saodat), *кўрпа-тўшак* (ko‘gra-to‘shak), *қариндош-уруг* (qarindosh-urug‘), *боғ-бўстон* (bog‘-bo‘ston), *боғ-роғ* (bog‘-rog‘), *атак-чечак* (atak-chechak).

4. Такрор сўзлар айни сўзнинг такроридан тузилиб кўплик маъносини билдиради:

*қатор-қатор* (qator-qator), *хол-хол* (xol-xol).

Бирикма отлар бирдан ортиқ сўздан тузилади:

*Вазирлар Маҳкамаси* (Vazirlar Mahkaması), *олий ўқув юрти* (oliy o‘quv yurti) каби.

**Топшириқ:** 1. Кўйидаги сўзларни таржима қилинг ва улар иштирокида 10 та гап тузинг.

<i>ёнт</i> - ёд	<i>роль</i> - руль	<i>табиат</i> - тиббиёт
<i>ўй</i> - ўй	<i>рол</i> - rul	<i>табият</i> - tibbiyot
<i>су</i> - о‘у	<i>ўқув</i> - уқув	<i>таржима</i> - тажриба
	<i>o‘quv</i> - uquv	<i>tarjima</i> - tajriba

## 2. Ўзбекистон гимнини ифодали ўқинг ва ёд олинг.

### ЎЗБЕКИСТОН ГИМНИ

*Абдулла Орипов сўзи,  
Мутал Бурхонов мусиқаси.*

Серкүёш, хур ўлкам, элга баҳт, најот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

*Haқ ора т:*

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Багри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқтол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

*Haқ ора т:*

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

### O'ZBEKISTON GIMNI

*Abdulla Oripov so'zi,  
Mutal Burxonov musiqasi.*

Serquyosh, hur o'lkam, elga baxt, najot,  
Sen o'zing do'stlarga yo'ldosh, mehribon!  
Yashnagay to abad ilmu fan, ijod,  
Shuhrating porlasin toki bor jahon!

### *N a q o r a t:*

Oltin bu vodiylar - jon O'zbekiston,  
 Ajdodlar mardona ruhi senga yor!  
 Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamон,  
 Olamni mahliyo aylagan diyor!

Bag'ri keng o'zbekning o'chmas iymoni,  
 Erkin, yosh avlodlar senga zo'r qanot!  
 Istiqlol mash'ali, tinchlik posboni,  
 Haqsevar ona yurt, mangu bo'l obod!

### *N a q o r a t:*

Oltin bu vodiylar - jon O'zbekiston,  
 Ajdodlar mardona ruhi senga yor!  
 Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamон,  
 Olamni mahliyo aylagan diyor!

## ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

(Образование имён существительных)

Ўзбек тилида сўз ясалишининг асосий усули аффиксация усули бўлганидан ясама отлар ҳам асосан ана шу усул билан ҳосил қилинади. Максус сўз ясовчи кўшимчалар ёрдамида отнинг лексик-семантик турларига мансуб ясама отлар ҳосил қилинади. Масалан: Шахс отлари.

-чи аффикси. Бу аффикс бир неча хил маънодаги отларни ясаш учун хизмат қиласди. Масалан, унинг ёрдамида ясалган қуйидаги шахс отларининг маъноларига эътибор беринг:

ўзбек тилида:

ўқитув+чи	(o'qituvchi)
денгиз+чи	(dengizchi)
балиқ+чи	(baliqchi)
трактор+чи	(traktorchi)
буфет+чи	(bufetchi)
кабел+чи	(kabelchi)
спорт+чи	(sportchi)
йўйин+чи	(o'yinchi)

рус тилида:

учи+тель
мор+як
рыб+ак
трактор+ист
буфетница
кабельщик
спортсмен
игрок, танцовщица

бетон+чи	(betonchi)	-	бетонщик
печка+чи	(pechkachi)	-	печник
иктисод+чи	(iqtisodchi)	-	экономист
ихтиро+чи	(ixtirochi)	-	изобретатель
адабиёт+чи	(adabiyotchi)	-	литаратор
лугат+чи	(lug'atchi)	-	составитель словаря
ёрдам+чи	(yordamchi)	-	помощник
химоя+чи	(himoyachi)	-	защитник

**- шунос аффикси.** Бу аффикс сўз ясалиш асосидан англашилган нарса билан шуғулланувчи мутахассис, олим маъносидаги шакл отлари ясайди:

адабиёт+шунос	(adabiyotshunos)	-	литературовед
тил+шунос	(tilshunos)	-	языковед
тарих+шунос	(tarixshunos)	-	историк
хукуқ+шунос	(huquqshunos)	-	юрист

Ўзбек тилида яна кўп аффикслар турли маънодаги шахс отлари ясаш учун хизмат қиласди:

**-кор:**

ижод+кор	(ijodkor)	-	творец
фалла+кор	(g'allakor)	-	хлебороб

**-хон:**

китоб+хон	(kitobxon)	-	книголюб
газет+хон	(gazetxon)	-	читатель газеты

**-соз:**

соат+соз	(soatsoz)	-	часовщик
асбоб+соз	(asbobsoz)	-	приборостроитель

**-паз:**

ош+паз	(oshpaz)	-	повар
сомса+паз	(somsapaz)	-	пицченик

**-фуруш:**

чой+фуруш	(choyfurush)	-	чаеторговец
латта+фуруш	(lattafurush)	-	тряпочник

**-боз:**

ваъда+боз	(va'daboz)	-	посулы, пустозвон
гуруҳ+боз	(guruhbuz)	-	атаман, главарь

**-дор:**

мансаб+дор	(mansabdor)	-	должностное лицо
байроқ+дор	(bayroqdar)	-	знаменосец

**-дош:**

ватан+дош	(vatandosh)	-	соотечественник
синф+дош	(sinfdosh)	-	одноклассник

**Топшириқ:** Юқоридаги сўзларни ёд олинг, улар иштирокида 10 та гап тузинг.

**Жой, макон билдирувчи от ясовчилар:**

**-зор:**

лола+зор	(lolazor)	- луг, усеянный тюльпанами
гул+зор	(gulzor)	- цветник

**-лоқ:**

қиши+лоқ	(qishloq)	- деревня, село
тош+лоқ	(toshloq)	- каменистое место

**-истон:**

гул+истон	(guliston)	- цветущий край
қабр+истон	(qabriston)	- кладбище

**-хона:**

қабул+хона	(qabulxona)	- приёмная
дарс+хона	(darsxona)	- аудитория

**Асбоб-қурол номини билдирувчи қўшимчалар:**

**-гич (-кич) :**

ўлча+гич	(o'lhagich)	- измеритель
ўчир+гич	(o'chirgich)	- резина, (огнетушитель)
пурка+гич	(purkagich)	- опрыскиватель
эрит+кич	(eritkich)	- растворитель

Ўзбек тилида турли нарсаларнинг номини билдирувчи, шунингдек мавхум нарсаларни билдирувчи от ясовчилар ҳам бор:

супур+ги	(supurgi)	- веник
тўпла+м	(to'plam)	- сборник
яхши+лик	(yaxshilik)	- доброта
коронғу+лик	(qorong'ulik)	- темнота
тирик+чилик	(tirikchilik)	- жизнедеятельность
деҳқон+чилик	(dehqonchilik)	- земледельчество
хурсанд+чилик	(xursandchilik)	- веселье
суз+ма	(suzma)	- сузьма
чўз+ма	(cho'zma)	- чузма

**Топшириқ:** Күйидаги сұзларни таржима қилинг ва гап тузинг:

аср - *asır*

ориқ - *ariq*

зирак - *ziyrap*

мой - *mай*

орден - *orden*

бетон - *beton*

*toyu* - *tauy*

*order*

*beton* - *bidon*

## ОТНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

Шуни унутмаслик керакки, рус тилида жонли (одушевленные) ва жонсиз (неодушевленные) отларга ажратиласы.

**Жонли предметлар** (*человек, Оля, отец, студент, собака, орёл, курица, муравей, друг...*) **кто?** сүроғига жавоб бўлади.

**Жонсиз предметлар** (*город, река, земля, камень, стол, машина, дом...*) **что?** сүроғига жавоб бўлади.

Ўзбек тилида эса жонлилик ва жонсизлик категорияси йўқ.

Ўзбек тилида **ким?** сўроғи факат кишиларга нисбатан ишлатилса (*Салима, Гулзода, бола, аёл, ота, ука, сингил...*), (*Salima, Gulzoda, bola, ayl, ota, uka, singil...*) **німа?** сўроғи бошқа ҳамма предметларга, ҳайвонларга, ҳашаротларга ва ҳоказоларга берилади.

Ўзбек тилида отнинг уч хил грамматик категорияси бор: сон категорияси, эгалик категорияси, келишик категорияси.

## СОН КАТЕГОРИЯСИ

Сон категорияси предметнинг бирлик ва кўпликка бўлган муносабатини билдиради. Бирлик сон шакли махсус грамматик кўрсаткичга эга эмас. Кўплик шакли эса -лар кўшимчаси билан ясалади:

### Бирлик

китеб - *kitob*  
талаба - *talaba*  
шахар - *shahar*

### кўплик

китоблар - *kitoblar*  
талаabalар - *talabalar*  
шахарлар - *shaharlar*

Ўзбек тилида отнинг баъзи турлари кўплик шаклида қўлланмайди. Шу жумладан:

ўзбек тилида:

рус тилида:

а) мавҳум (абстракт) отлар:

болалик	(bolalik)	-	детство
ёшлик	(yoshlik)	-	молодость
қахрамонлик	(qaҳramonlik)	-	героизм
деҳқончилик	(dehqonchilik)	-	земледельчество
талабалик	(talabalik)	-	студенчество

б) доналаб саналмайдиган:

тӯз	(tuz)	- соль	ун	(un)	- мука
мой	(moy)	- масло	сүт	(sut)	- молоко
шакар	(shakar)	- сахар	ёғ	(yog')	- масло

Айрим отлар ўзбек тилида фақат бирлиқда, рус тилида эса фақат кўплиқда ишлатилади:

қайчи	(qaychi)	-	ножницы
кепак	(kerak)	-	отруби

Отнинг -лар қўшимчаси, кўплик шакли аниқ миқдордаги кўпликтин эмас, балки мавҳум, миқдори аниқ бўлмаган кўпликини, яъни бирдан ортиқ миқдордаги кўпликтин билдиради:

**бинолар** (binolar), **боғлар** (bog'lar), **дарёлар** (daryolar), **гуллар** (gullar).

Миқдор (соннинг) аниқ кўплиги, миқдор билдирувчи сўзлар - сонлар билан ифодаланади.

Қиёсланг: **машиналар** (mashinalar) - мавҳум, ноаниқ кўплик  
**20 та машина** (20 ta mashina) - аниқ миқдордаги кўплик.

Отнинг баъзи турлари -лар қўшимчаси билан қўлланганда кўпликтан бошқа маъно ифодаланади. Масалан:

а) киши отлари якка ўзини ифода этади, -лар қўшилгандага эса кишилар гуруҳи, оиласи (коллектив, семья)ни билдиради:

Сарварлар жўнаб кетди - Sarvarlar jo'nab ketdi.

б) географик жой номлари -лар билан қўлланганда, шу от билдирган жойнинг каттароқ, кенгроқ қисмини билдиради:

Самарқандларга бордик - Samarqandlarga bordik.

Бухороларни томоша қилдик - Buxorolarni tomosha qildik.

в) маъно кучайтириш учун ишлатилади:

- |                      |                           |
|----------------------|---------------------------|
| Уйкуларим ўчиб кетди | - Uyqularim o'chib ketdi. |
| Тилларим осилди      | - Tillarim osildi.        |
| Бошларимни оғритдинг | - Boshlarimni og'ritding. |

г) хурмат маъносига ишлатилади:

- |                         |                         |
|-------------------------|-------------------------|
| Акаларим (братья) келди | - Akamlar (брат) келди. |
| Akalarim keldi          | - Akamlar keldi.        |

-лар кўплик аффикси кўшилмайдиган ҳоллар ҳам бор:

1) баъзи отлар бирлик формада бўлиб, айрим предметларнинг тўдасини билдиради.

- |                              |                                   |
|------------------------------|-----------------------------------|
| Майдонга ҳалқ тўпланиб бўлди | - Maydonga xalq to'planib bo'ldi. |
| Армия сафланди               | - Armiya saflandi.                |
| У тўдага яқинлашма           | - U to'daga yaqinlashma.          |

2) атоқли отлардан планета ва юлдуз номлари:

Күёш чараклаб турарди - Quyosh charaqlab turardi.  
Марсни тасаввур қилолмайман - Marsni tasavvur qilolmayman.  
Энг ёруғ юлдузлар Ҳулкар ва Зухродир. - Eng yorug' yulduzlar Hulkar va Zhukrodir.

Предметнинг микдорий кўплиги махсус сўзлар ёрдамида ҳам ифодаланади:

**М а с а л а н:**

а) кўп сўзи билан:

Элбек кўп қабутар боқади.  
(Elbek ko'p kabutar boqadi).

б) сонлар билан:

Рейтинг йигиндиси элликка етди.  
(Reyting yig'indisi ellikka yetdi).

в) такрор сўзлар билан:

Дўконга қоп-қоп ун тушди.  
(Do'konga qop-qop un tushdi).

**Бозорга машина-машина қовун туширишиди.**  
(Bozorga mashina-mashina qovun tushirishdi).

Ўзбек тилида бирлик сон шакли, яъни отнинг -лар кўшимчасини олмаган шакли аниқ бирликни билдирумайди - бир дона маъносини қатъий қайд этмайди. Масалан, **китоб** шакли ҳаммавақт «бир китоб» («бир дона китоб») маъносини билдиравермайди. Шунинг учун ҳам -лар кўшимчасини олмаган (бирлик шакл деб қаралувчи) шакл, сон-миқдорнинг кўплигини билдирувчи сўзлар билан ҳам кўлланаверади.

### **М а с а л а н :**

*Кўп китоб олдим. - (Ко‘р kitob oldim.)*

*Ўн талаба барча имтиҳонларни аъло баҳоларга топширди:-  
(O‘n talaba barcha imtihonlarni a’lo baholarga topshirdi.)*

Рус тилида эса бундай эмас, бундай ҳолларда от албаттa, қўплик шаклида қўлланади.

### **М и с о л :**

*Книга мой друг. - Я купила много книг.*

*Одна книга (ед.ч.) - Десять книг (мн.ч.) - Хорошие книги (мн.ч.)*

**Топшириқ:** Таржимаи ҳолингизни ўзбек тилида ёзинг.

## **ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ**

**(Категория принадлежности)**

Предметнинг уч шахсдан (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан) бирига тегишли эканлигини билдирувчи от шакллари ва уларга хос маънолар бирлиги эгалик категорияси дейилади. Эгалик категориясининг сонга кўра икки тури: бирлик ва кўплик; шахсга кўра уч тури: биринчи шахс, иккинчи шахс ва учинчи шахс тури ва ҳар бирининг ўз шакли бор.

шахс	б и р л и к	к ў п л и к
I <b>она+м</b> <b>(onam)</b> моя мама	<b>уй+им</b> <b>(uyim)</b> мой дом	<b>она+миз</b> <b>(onamiz)</b> наша мама
II <b>она+нг</b> <b>(onang)</b> твоя мама	<b>уй+инг</b> <b>(uying)</b> твой дом	<b>она+нгиз</b> <b>(onangiz)</b> ваша мама
III <b>она+си</b> <b>(onasi)</b> его мама (ee)	<b>уй+и</b> <b>(ui)</b> его дом (ee)	<b>она+си</b> <b>(onasi)</b> их мама

Рус тилида отларнинг, ўзбек тилидаги каби эгалик, қарашлилик маъносини билдирувчи шакллари ва бундай шаклларни ясовчи аффикслар йўқ. Демакки, отларнинг бундай (эгалик) категорияси ҳам йўқ. Ўзбек тилидаги эгалик шаклларига хос маънолар рус тилида махсус сўзлар, уларнинг шакллари билан ифодаланади. Бу сўзлар боғланиб келган от эса шакл жиҳатидан ўзгартади.

шахс	бирлик	кўплик
I <b>акам</b> <b>(akam)</b> мой брат	<b>қаламим</b> <b>(qalamim)</b> мой карандаш	<b>акамиз</b> <b>(akamiz)</b> наш брат
II <b>аканг</b> <b>(akang)</b> твой брат	<b>қаламинг</b> <b>(qalaming)</b> твой карандаш	<b>акангиз</b> <b>(akangiz)</b> ваши брат
III <b>акаси</b> <b>(akasi)</b> его брат	<b>қалами</b> <b>(qalami)</b> его карандаш	<b>акалари</b> <b>(akalari)</b> их братья

Ўзбек тилида қарашлилик маъноси сўзнинг -ники кўшимчаси шакли билан ҳам ифодаланади: **китоб уқамники** (*kitob uqamniki*) каби. Лекин уни отнинг эгалик категорияси шакллари қаторига қўшиш мумкин эмас. Чунки бу шакл эгалик шакллари каби шахс ва сон маъносига эга эмас (бундай маънони билдиришади).

майди. Шунинг учун ҳам отнинг эгалик шаклларига ҳам қўшила-  
веради:

шахс	бирлик	кўпллик
I	<i>дўстимники</i> (do'stimniki)	<i>дўстимизники</i> (do'stimizniki)
II	<i>дўстингники</i> (do'stingniki)	<i>дўстингизники</i> (do'stingizniki)
III	<i>дўстиники</i> (do'stiniki)	<i>дўстлариники</i> (do'slariniki)

Қолаверса, -ники аффиксли сўз, эгалик шаклларидан фарқ-  
ли ҳолда, кесим вазифасида қўлланади:

Бу китоб сизники (Bu kitob sizniki) - Эта книга ваша  
 Ана у кўйлак меники (Ana u ko'yak meniki) - Вон то платье мое.  
 Ўша ҳовли Диляники (O'sha hovli Dilyaniki) - Тот двор Дили

**Топшириқ:** Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг. Эгалик  
 қўшимчалари қўшилган сўзларни топиб, тушунтиринг.

Ҳамза, Навоий эли,  
 Халқларнинг жон-дили.  
 Зафар тўла ой, йили  
 Фаровон хур диёrim.

Ўғил-қизинг мард, полвон,  
 Тоғ кўтарган қаҳрамон,  
 Доим бўлгин соғ, омон,  
 Мехрибон хур диёrim.

\*\*\*

Hamza, Havoiy eli,  
 Xalqlarning jon-dili.  
 Zafar to'la oy, yili  
 Farovon hur diyorim.

O'g'il-qizing mard, polvon,  
 Tog' ko'targan qahramon,  
 Doim bo'lgin sog', omon,  
 Mehribon har diyorim.

**Топшириқ:** Ўзбек миллий таомларининг номларини ёзинг.  
 Бирор миллий таомнинг тайёрланишини гапириб беринг.

# КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

## (Категория падежа)

Отнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маъноларни ифодаловчи формалар системаси келишик категорияси дейилади.

Ўзбек тилида олтига келишик мавжуд: 1) бош келишик, 2) қаратқич келишиги, 3) тушум келишиги, 4) чиқиш келишиги, 5) жўналиш келишиги, 6) ўрин пайт келишиги.

Бош келишик ўзбек тилида маҳсус морфологик кўрсаткичга эга эмас.

### 1. БОШ КЕЛИШИК

Сарвар	(Sarvar)	-	
ўқувчи	(o‘quvchi)	-	ким?
ишли	(ishchi)	-	
китоб	(kitob)	-	
куёш	(quyosh)	-	нима?
Тошкент	(Toshkent)	-	
аудитория	(auditoriya)	-	қаер?

Бош келишик ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам маҳсус морфологик кўрсаткичга эга эмас.

Бош келишикда келган сўз гапда ҳар икки тилда ҳам қўйидаги вазифаларда келади:

а) гапда эга (подлежащее) вазифасида келади:

Депутат (*ким?*) - халқ вакили.  
(Députat (*kim?*) - xalq vakili).

- Депутат (*кто?*) - представитель народа.

Шоҳруҳ (*ким?*) болалар ичидаги энг кичиги эди.  
(Shohruh (*kim?*) bolalar ichida eng kichigi edi).

- Шахрух (*кто?*) был самым маленьким среди ребят.

б) гапда кесим (сказуемое) бўлиб келади:

Навоий - буюк шоир (ким?)  
(Navoiy - buyuk shoir) (kim?)

- Навои - великий поэт  
(кто?)

Биз сиз билан эски дўстмиз  
(ким?)  
(Biz siz bilan eski do'stmiz (kim?)

- Мы с вами старые друзья  
(кто?)

в) гапда ундалма (обращение) бўлади:

Раъно, кеча нима учун кон-  
цертга келмадинг?  
(Ra'no, kecha nima uchun  
konsertga kelmading?)

- Раъно, почему не пришла  
вчера на концерт?

Тарихдан беш олдим, дўстим.  
(Tarixdan besh oldim, do'stim).

- Друг, я получил по истории  
пятёрку

г) изоҳловчи (приложение) бўлади:

Илгари аёл-шифокорлар жуда  
кам эди.  
(Ilgari ayol-shifokorlar juda kam edi).

- Женщин-врачей раньше было  
очень мало.

Бош келишикдаги от кўмакчи сўзлар билан келиб, гапда ҳол,  
тўлдирувчи вазифасида келади:

1. Қани шундай баҳор бўлса,  
Оlam узра ёйса гул..

(Qani shunday bahor bo'lsa,  
Olam uzra yoysa gul).

Э. Воҳидов

E. Vohidov

2. Вазира билан саёҳатга бордим, (Vazira bilan sayohatga bordim.)

**Топшириқ:** Матнни рус тилига таржима қилинг, мазмунини  
ўзбек тилида сўзланг.

**Сандик.** Ўзбек тилидаги бу сўз грекча сундуксон сўзининг  
ўзгарган формасидир. У, савдо муносабатлари натижасида тили-  
мизга XIII-XIV асрларда кириб келган. Сандик дастлаб «ёғочдан  
ясалган, қулфланувчи, савдо моллари сақланадиган идиш» маъ-  
носида ишлатилган. Савдогарлар ўз молларини шундай идишда  
олиб юрганлар.

Рус тилшуноси Н.М.Шанскийнинг кўрсатишича, бу грекча сўз XV асрда туркий тилларидаги маъноси билан рус тилига ўзлашган. Маълумки, туркий халқлар Россия билан қадимдан савдо муносабатларида бўлганлар. Бошқа бир қанча сўзлар қатори саидик сўзи ҳам («сундук» формасида) шу муносабат воситасида рус тилида ўзлашган.

**Sandiq.** O'zbek tilidagi bu so'z grekcha sundukson so'zining o'zgargan formasidir. U, savdo munosabatlari natijasida tilimizga XIII-XIV asrlarda kirib kelgan. Sandiq dastlab «yog'ochdan yasalgan, qilflanuvchi, savdo mollar ni saqlanadigan idish» ma'nosida ishlatilgan. Savdogarlar o'z mollarini shunday idishda olib yurganlar.

Rus tilshunosi N.M.Shanskiyning ko'rsatishicha, bu grekcha so'z XV asrda turkiy tillaridagi ma'nesi bilan rus tiliga o'zlashgan. Ma'lumki, turkiy xalqlar Rossiya bilan qadimdan savdo munosabatlarida bo'lganlar. Boshqa bir qancha so'zlar qatori sandiq so'zi ham («sunduk» formasida) shu munosabat vositasida rus tilida o'zlashgan.

**Олмос.** Грекча адамас сўзининг ўзгарган шаклидир. У ўзбек тилига грек тилидан тўппа-тўғри эмас, араб тили орқали олмас шаклида XII-XIII асрларда ўтди ва «мустаҳкам», «қаттиқ жисм» маъносида ишлатилади. Олмос сўзи бошқа туркий тиллар таркибидаги ҳам учрайди. Бу сўз туркий тиллар орқали XIV асрда рус тилига (алмаз) ўтди.

**Olimos.** Grekcha adamas so'zining o'zgargan shaklidir. U o'zbek tiliga grek tilidan to'ppa-to'g'ri emas, arab tili orqali olmas shaklida XII-XIII asrlarda o'tdi va «mustahkam», «qattiq jism» ma'nosida ishlatiladi. Olimos so'zi boshqa turkiy tillar tarkibida ham uchraydi. Bu so'z turkiy tillar orqali XIV asrda rus tiliga o'tdi.

## 2. ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ

Ўзбек тилида қаратқич келишигидаги сўз -нинг аффиксини олиб, кимнинг? ниманинг? қаернинг? сўрокларига жавоб булади.

Рус тилида эса тартиб бўйича иккинчи падеж родительный-дир. Лекин қаратқич келишиги дегани эмас, чунки родительный сўзининг таржимаси сўзма-сўз «ота-она» деган маънога тўғри келади. Бундай номдаги келишик ўзбек тилида йўқ.

Родительный падеж кого?, чего? сўроқларига жавоб бўлади.

1. Книга Сарвара (м.р., р.п. (чья?)
  2. Дядя Гулзоды (м.р., р.п. (чей?)
  3. Содержание постановления (с.р., р.п. (чего?)
  4. Предложение декана (с.р., р.п. чьё?)
  5. Бабушкины сказки (чье? ж.р.мн.ч)
  6. Рыбий жир (чей? м.р.р.п.)
- *Сарварнинг китоби*  
*(Sarvarning kitobi)*
- *Гулзоданинг тօғаси*  
*(Gulzodanining tog‘asi)*
- *Қарорнинг мазмуни*  
*(Qarorning mazmuni)*
- *Деканинг тақлифи*  
*(Dekanning taklifi)*
- *Бувимнинг эртаклари*  
*(Buvimning ertaklari)*
- *Балиқ мойи*  
*(Baliq moyi)*

Ўзбек тилидаги қаратқич келишиги ва рус тилидаги родительный падежи предмет ва унга хос белги муносабатини англатади:

- қоғознинг ранги*  
*(qoғozning rangi)* - цвет бумаги
- мақоланинг сарлавҳаси*  
*(maqolanining sarlavhasi)* - заголовок статьи
- денизнинг суви*  
*(dengizning suvi)* - морская вода

Ўзбек тилида қаратқич келишиги белгили (оформленный) ва белгисиз (неоформленный) қўлланади.

Белгили қаратқич келишигидаги сўз бир предметнинг аниқ иқкянчи предметга тегишли эканини англатади ва *-нинг* аффикси билан ёзилади.

У қўйидаги ҳолларда қўлланади:

а) реал, аниқ, яъни предметнинг конкрет бир шахсга қарашлилигини ифодалаганда;

Шоҳруҳнинг оёғи (*Shohruhnning oyog‘i*) - Ноги Шахруха  
Гулзоданинг юзи (*Gulzodanining yuzi*) - Лицо Гулзоды  
Сарварнинг қулоғи (*Sarvarning qulog‘i*) - Уши Сарвара

б) қаратқич келишигидаги сўз манбани ифодалаганда (если слова употребляются в значении источника чего-то):

*Ўқитувчининг фикри*  
*(O‘qituvchining fikri)* мысли преподавателя

**Талабанинг маъruzаси  
(Talabaning ma’ruzasi)**

- доклад студента

в) қаратқич келишиgidаги сўз -лар аффиксини олганда:

**тengdoishlarimning ҳаёти  
(tengdoshlarimning hayoti)**

- жизнь ровесников

**uzumlarning тури  
(uzumlarning turi)**

- сорта винограда

г) бутуннинг қисмини англатганда (часть целого):

**uyning бурчаги  
(uyning burchagi)**

- уголок дома

**kunlarning бирода  
(kunlarning birida)**

- в один из дней

д) қаратқич келишиgidаги сўз эгалик аффикси олганда:

**кафедрамизнинг мудири  
(kafedramizning mudiri)**

-заведующий нашей кафедрой

е) қаратқич келишиgidаги сўз билан қаралмиш ўртасида бошқа сўзлар қўлланганда:

**Ўзбекистоннинг машҳур кишилари  
(O’zbekistonning mashhur kishilari)**

-Знатные люди Узбекистана

**Давлатимизнинг ҳар бир фуқаро  
си билим олиш ҳуқуқига эга.  
(Davlatimizning har bir fuqarosi  
bilim olish huquqiga ega.)**

-Каждый гражданин государства имеет право на учёбу.

**Белгисиз қаратқич келишиgidаги сўз эса бир предметнинг иккинчи бир предметга умуман тегишлилигини англатади ва -нига аффиксисиз ишлатилади. У қўйидаги ҳолларда қўлланади:**

а) қаратқич келишиgidаги от абстракт отлардан бўлганда:

**виждан амри (vijdon amri)  
ақл кучи (aql kuchi)**

- веление сердца  
- сила ума

*жакиқат йўли* (*haqiqat yo‘li*) - путь истины  
б) қаратқич келишигидаги от атрибутив бирикма ҳолида келганда:

*йўл азоби* (*yo‘l azobi*) - дорожные муки  
*ватан ишқи* (*vatan ishqisi*) - любовь к Родине

в) қаратқич келишигига келган сўз ой, кун, пайт, фасл номларини билдирганда:

*шанба куни* (*shanba kuni*) - в субботу  
*баҳор ҳавоси* (*bahor havosi*) - весенняя погода  
*саҳар чоги* (*sahar chog‘i*) - на рассвете

г) предметларнинг бир-бирига бўлган муносабатини билдирганда:

*университет ректори* (*universitet rektori*) - ректор университета  
*шаҳар ҳокими* (*shahar hokimi*) - мэр города  
*дарё қирғози* (*daryo qirg‘og‘i*) - берег реки

д) қаратқич келишигидаги сўз тур (сорт, вид, род) маъноси ни ифодалаганда:

*чўл қовунлари* (*cho‘l qovunlari*) - дыни пустыни  
*колхоз касалхонаси* (*kolxoz kasalxonasi*) - колхозная больница

е) қаратқич келишигидаги сўзлар бир-бирига тобе ҳолда бирин-кетин келганда энг сўнгисидан олдингилари белгисиз бўлади:


*Тошкент Давлат университети тарих факультети I-курсингиз талабалари мусобақада голиб чиқди.*

(*Toshkent Davlat universiteti tarix fakulteti 1-kursining talabalari musobaqada g‘olib chiqdi.*)

- Студенты первого курса исторического факультета ТашГУ победили на соревновании.

Қаратқич келишигидаги сўз кўмакчилар билан ҳам муносабатга киришади. Бунда қаратқич келишигидаги сўз белгили ёки белгисиз ҳолатда бўлиб кўмакчи сўз билан аналитик форма ҳосил қиласи ва гапда битта синтактик вазифа бажаради:

**ҳафта ўртасида** (hafta o'rtasida) - середина недели  
**адир тагида** (adir tagida) - под холмом  
**кинотеатр олдида** (kinoteatr oldida) - около (возле) кинотеатра



<b>стол усти</b>	(stol ust'i)	- верх стола
<b>стол олди</b>	(stol oldi)	- перед стола
<b>стол ичи</b>	(stol ichi)	- нутро стола
<b>стол орқасида</b>	(stol orqasida)	- за столом
<b>стол ўртаси</b>	(stol o'rtasi)	- середина стола
<b>стол ёни</b>	(stol yoni)	- сторона стола
<b>стол(лар) ораси</b>	(stollar orasi)	- между столами

**Топшириқ:** Матнни рус тилига таржима қилинг:

**Товар.** Бу сўз жонли ва жонсиз мол маъносида ўзбек ва бошқа туркий тилларда қадимдан ишлатилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит-турк» (XI) асарида хабар берилишича товар фақат ўғуз лаҗжасида ишлатилган ва товар формасида бўлган.

Турк ва озарбайжон тилларида довар шаклида юритилувчи бу товар сўзи рус тилига XII-XIII асрларда ўзлашганди.

**Tovar.** Bu so‘z jonli va jonsiz mol ma’nosida o‘zbek va boshqa turkiy tillarda qadimdan ishlatiladi. Mahmud Qoshg‘ariyning «Dêvonu lug‘atit-turk» (XI) asarida xabar berilishicha tovar faqat o‘g‘uz lajhjasida ishlatilgan va tovar formasida bo‘lgan.

Турк ва ozarbayjon tillarida dovar shaklida yuritiluvchi bu tovar so‘zi rus tiliga XII-XIII asrlarda o‘zlashgahdi.

**Товариш.** Рус тилидаги бу сўз асли туркий «товар» («мол-мулк», «бойлик» ва «иш»; туркийча «ўртоқ», «яқин», «ҳамкор») сўзларидан ташкил топган ва дастлаб савдо қилувчи ўртоқ, савдодаги ҳамкор маъноларини билдирган. У XIV асрдан ишлатила бошланди, кейинчалик маъносини кенгайтирди. Товариш сўзи ҳамкор, ҳамдам маъноларида ҳам ишлатила бошланди.

**Toyarish.** Rus tilidagi bu so‘z asli turkiy tovar («mol-mulk», «boylik»), «ish»; turkiycha «o‘rtoq», «yaqin», «hamkor») so‘zlaridan tashkil topgan

va dastlab savdo qiluvchi o'rtoq, savdodagi hamkor ma'nolarini bildirgan. U XIV asrdan ishlatala boshlandi, keyinchalik ma'nosini kengaytirdi. Tovarish so'zi hamkor, hamdam ma'nolarida ham ishlatala boshlandi.

### 3. ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Ўзбек тилидаги тушум келишиги ва рус тилидаги винительный падеж вазифаси жиҳатдан бир-бирига ўхшаш.

Тушум келишигидаги сўз гапда, албатта, феъл биян бири-киб, -ни аффиксини олади ва *кимни?*, *нимани?*, *қаерни?* сўроқларига жавоб бўлади.

... *Кўлинини (нимани?) кўксига қўйиб, Xонзода бегимга қуллуқ қилди.* (...Qo'lini (nimani?) ko'ksiga qo'yib, Xonzoda begimga qulluq qildi) - Положив руки на грудь, поклонился Ханзаде бегим.

*Томошибинлар артистларни қизғин табрикладилар.* (Tomoshabinlar artistlarni qizg'in tabrikladilar) - Зрители тепло приветствовали артистов (кого?).

*Тушум келишииги белгисиз бўлади.*

1. Тушум келишигидаги сўз атоқли от бўлса белгили бўлади:

*Қаландаровни шу муносабат билан табриклиди.*  
(Qalandarovni shu munosabat bilan tabrikliadi).

2. Гапда тушум келишигидаги сўз, өситасиз тўлдирувчи бўлиб келса, белгили бўлади:

*Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар.* (мақол).  
(Achchiq o'yin shirin turmushni buzar).

*Дилафруз матнни таржима қилди.* (Dilafruz matnni tarjima qildi).

3. Тушум келишигидаги сўз отлашганда (субстантированный) белгили бўлади:

*Яхшини мақтаган ярашур, ёмонни мақтаган адашур.* (мақол).  
(Yaxshini maqtagan yarashur, yomonni maqtagan adashur).

*У билганини айтаб берсин.* (U bilganini aytib bersin).

4. Тушум келишигидаги ёз эгалик аффиксини олганда, белгили бўлади:

*Бобур әртага ким билан байрам қилишини ўйлаб олди. (П.К.)*  
*(Bobur ertaga kim bilan bayram qilishini o'ylab oldi).*

5. Тушум келишигидаги сўз ҳаракат номи бўлса, белгили бўлади:

*Акам ўқишини битирди. (Akam o'qishni bitirdi).*

*Яхшиси, бу учрашувни тезлаштириш керак.*

*(Yaxshisi, bu uchrashuvni tezlashtirish kerak).*

Тушум келишиги белгисиз ҳам ишлатилиб, бир турдаги предметни ифодалайди:

*Бир киши ариқ (нимани?) қазийди, минг киши сув (нимани?) ичади. (Ж.А.) - (Bir kishi ariq qaziydi, ming kishi suv ichadi).*

*Машина гув этиб автомат (нимани?) ушлаган навкарлар ёнидан ўтди. (М.) - (Mashina g'uv etib avtomat ushlagan navkarlar yonidan o'tdi).*

Тушум келишигидаги сўз поэзияда баъзан -и шаклида ишлатилади. Бу вақтда сўз эгалик аффиксини олади:

*Ҳар фасл ўз ишин билсин,  
Қишвой қишлигин қилсин.* (Har fasl o'z ishin bilsin,  
Qishvoy qishligin qilsin).

Жонли тилда, шеваларда -ни аффикси -ди, -ти шаклида ҳам кўлланади:

*Китобни бер. (Kitobni ber)* - Китопти бер.

**Т о п и р и қ :** Ўқинг, мазмунини рус тилига таржима килинг.

*Ўқитувчи: - Шу тангани кислотага ташласам эрийдими, йўқми?*

*Ўқувчи: - Йўқ.*

*Ўқитувчи: - Тўғри, қаёқдан билдинг?*

*Ўқувчи: - Эриса ташламас эдингиз-да.*

\*\*\*

*O'qituvchi - Shu tangani kislotaga tashlasam eriydimi, yo'qmi?*

*O'quvchi - Yo'q.*

*O'qituvchi - To'g'ri, qayoqdan bilding?*

*O'quvchi - Erisa tashlamas edingiz-da.*

\*\*\*

*Ota:* - Рустамжон, бугун нима қилдинг?

*Үғил:* - Наполеоннинг қилганини қилдим.

*Ota:* - Бу нима деганинг?

*Үғил:* - Тарихдан маглубиятга учрадим.

\*\*\*

*Ota* - Rustamjon, bugun nima qilding?

*O'g'il* - Napoleonning qilganini qildim.

*Ota* - Bu nima degan?

*O'g'il* - Tarixdan mag'lubiyatga uchradim.

## 4. ЖҮНАЛИШ КЕЛИШИГИ

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам жўналиш келишиги ҳаракат йўналган шахс ёки предметни ифодалайди. (Слова, оформленные дательным падежом, являются объектом места, времени или причины, на который направлен предмет).

Ўзбек тилида жўналиш келишиги *кимга?*, *нимага?*, *қаерга?* сўроқларига жавоб бўлиб, сўз охиридаги товушга қараб -га, -ка, -қа аффикслари қўшилади.

боғча+ <i>га</i>	(bog'chaga)	директор+ <i>га</i>	(direktorga)
китоб+ <i>га</i> ,	(kitobga)	университет+ <i>га</i>	(universitetga)
боғ+қа-боққа	(boqqa)	музқаймоқ+қа	(muzqaymoqqa)
эшик+ка	(eshikka)	беланчак+ка	(belanchakka)
яшик+ка	(yashikka)	жарлик+ка	(jarlikka)

Рус тилида эса дательный падеж -у, -ю, -е бирлик сон тугалланмасини, кўпликда эса -м олиб, кому?, чему? сўроқларига жавоб бўлади:

*показал преподавателю (кому?)*

- ўқитувчига кўрсатдим  
(o'qituvchiga ko'rsatdim)

*цветы маме (кому?)*

- гуллар онамга  
(gullar onamga)

*внимание спорту (чему?)*

- спортга эътибор  
(sportga e'tibor)

Жўналиш келишигидаги сўзлар гапда қўйидаги синтактик ва-зифаларни бажаради:

1) гапда воситали тўлдирувчи бўлиб, *кимга?*, *нимага?* сўроғига жавоб бўлади:

**Талабаларга ёрдам бериш керак.** (Talabalarga yordam berish kerak).  
**Меҳнатроҳатга етказар.** (Mehnat rohatga etkazar).

2) гапда ўрин ҳоли бўлиб, қаёрга? сўроғига жавоб бўлади:

**Машина шаҳарга чиқиб кетди.** (Mashina shaharga chiqib ketdi).  
**Ховлига полиция бостириб кирди.** (Hovliga politsiya bostirib kirdi).

3) вақт маъносидаги сўзлар жўналиш келишигида келиб, гапда пайт ҳоли вазифасида келади ва қачон? (когда?), қачонгача? (до каких пор?) сўроқларига жавоб бўлади:

**Илмий конференция мартга кўчирилди.**

(Ilmiy konferensiya martga ko‘chirildi).

**Спорт мусобақалари баҳорга қолдирилди.**

(Sport musobaqaları bahorga qoldirildi).

4) гапда мақсад ҳоли бўлиб, нимага? нима мақсадда? сўроқларига жавоб бўлади:

**Наим ва Найма шаҳар айланishiغا чиқиб кетишиди.**

(Naim va Naima shahar aylanishiga chiqib ketishdi).

5) гапда сабаб ҳоли бўлиб, нимага?, нима сабабли? сўроғига жавоб бўлади:

**Элбекнинг имтиҳонда юқори балл олганига хурсанд бўлдим.**

(Elbek imtihonda yuqori ball olganiga xursand bo‘ldim).

6) гапда миқдор-даражаси ҳоли бўлиб, қанчага? саволига жавоб бўлади:

**100 сўмга ўқув қуроллари сотиб олдик.**

(100 so‘mga o‘quv qurollari sotib oldik).

**Хуллас, ер арzonга кетди.** (Xullas, er arzonga ketdi).

**Топшириқ:** Расмга қараб матн ёзинг.



## 5. ЎРИН КЕЛИШИГИ

Ўрин келишиги шакли -да кўшимчаси ёрдамида ясалади ва иш-ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш ўрнини билдиради: уқамда, далада, қаламда, кўчада...

Бу келишикдаги сўз вақт (пайт) маъноли сўзлардан бўлганида иш-ҳаракатнинг вақт (пайт) нуқтаи назаридан ўрни, унинг баъжарилиш вақти (пайти) ифодаланади:

*Кишида совуқ бўлади.* (Qisda sovuq bo‘ladi). *Бу қовун кузда пишади...* ( Ви qovun kuzda pishadi).

Ана шу кўрилган хусусиятларига кўра ўрин келишигидаги сўз кимда?, нимада?, қаерда?, қачон? каби сўроқларга жавоб бўлиб, -да аффиксини олади.

*Ёшлиарда (кимда?) Рок-шоуга қизиқини кучли.*  
(Yoshlarda Rok-shouga qiziqish kuchli).

*Ҳадисда (нимада?) жуда кўп тарбиявий гаплар битилган.*  
(Hadisda juda ko‘p tarbiyaviy gaplar bitilgan).

*Университетда (қаерда?) билим чуқур берилади.*  
(Universitetda bilim chuqur beriladi).

*Мадина пешинда (қачон?) келди.* (Madina peshinda keldi).

*Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда қуйидаги вазифада келиши мумкин:*

- воситали тўлдирувчи (косвенного дополнения) бўлиб, кимда?, нимада? сўроқларига жавоб бўлади:

*Талабаларда (кимда?) ўзбек тилига қизиқини катта.*  
(Talabalarda o‘zbek tiliga qiziqish katta).

*Унинг юрагида (нимада?) ҳам ҳаяжон түғён урарди.*  
(Uning yuragida ham hayajon tug‘yon urardi).

- гапда ўрин холи (обстоятельство места) бўлиб келади, қаерда? сўроғига жавоб бўлади:

*Истамбул портининг қирғозида (қаерда?) кузатиб қолған акаси келди.* - (Istanbul portining qirg‘og‘ida kuzatib qolgan akasi keldi).

- гапда пайт ҳоли бўлиб, қачон? сўроғига жавоб бўлади:

*Ҳојсимурод ишга кетадиган пайт (қачон?) эшиги олдида кутуб турарди.* - (Нојимурод ishga ketadigan payt eshigi oldida kutib turardi).

- гапда кесим вазифасида келиб, кимда(дир)?, нимада(дир)?, қаерда(дир)?, нечада(дир)? сўроқларидан бирига жавоб бўлади ва предмет ёки ҳодисанинг (действия) бўлиш ўрнини (место), ҳолатини (состояние), ёшини (возраст) билдиради.

*Талабалар аудиторияда (қаерда?)* - Студенты в аудитории.  
(Talabalar auditoriyada).

*Қизим йигирма тўрт ёйда (нечада?)* - Дочери двадцать четыре года.  
(Qizim yigirma to‘rt yoshda).

*Кексалар иззатда, кичиклар* - Пожилые в почёте, младшие  
хурматда (қандай?) в уважении.  
(Keksalar izzatda, kichiklar huimatda).

*Бешсерка қишилоги маст уйқуда (нимада?)*  
(Beshserka qishlog‘i mast uyquda).

*Ҳамма гап қизларда (кимда?)* - (Hamma gap qizlarda).

*Рус тилида ўзбек тилидаги ўрин келишигига мос келишик йўқ.*

**Топшириқ:** Рус тилига таржима қилинг.

\*\*\*

Ўқитувчи: - Франк, одамхўрлар қандай бўлади?

Франк: - Мен билмайман, сэр.

Ўқитувчи: - Айтайлик, агар сен ота-онангни еб қўйсанг, ким бўласан?

Франк: - Yetim, ser.

\*\*\*

О‘qituvchi: - Frank, odamxo‘rlar qanday bo‘ladi?

Frank: - Men bilmayman, ser.

О‘qituvchi: - Aytaylik, agar sen ota-onangni eb qo‘ysang, kim bo‘lasan?

Frank: - Yetim, ser.

Үрин келишигидаги сўз рус тилига таржима қилинганда турли келишиклар ва грамматик воситалар билан берилади:

1. Агар, ўрин-пайт келишигидаги сўз иш-ҳаракат ёки предмет ўрнини билдириб келса, рус тилида «в» ёки «на» предлоги ҳамда предложный падеж келишигидаги от билан берилади:

Китобларингиз столда,  
костюмингиз шкафда.

(Kitoblariningiz stolda, kostyumingiz shkafda).

Ваши книги на столе, а  
костюм в шкафу.

2. Агар ўрин келишигидаги сўз иш-ҳаракат вақтини (время действия) билдириб келса, рус тилида пайт равиши (наречие времени) ёки предлог ҳамда винительный, творительный, предложный падежларидағи сўз орқали берилади:

Пахтани кузда (қачон?) теришади. - Хлопок собирают осенью.  
(Paxtani kuzda terishadi).

Мажлис соат бешда (нечада?) - Собрание начнется в пять часов.  
бошланади.

(Majlis soat beshda boshlanadi).

Бу китобни бир ҳафтада ўқиб - Эту книгу прочитал за  
чиқдим.

(Bu kitobni bir haftada o'qib chiqdim).

3. Айрим ҳолларда ўрин-пайт келишигидаги сўз рус тилида у предлоги ҳамда родительный падеждаги от билан ва бошқа грамматик воситалар билан берилади:

Шоҳруҳда китоб бор.  
(Shohruhda kitob bor).

- У Шахруха есть книга.

Кимда бугунги газета бор?  
(Kimda bugungi gazeta bor?).

- У кого есть сегодняшняя газета?

Имтиҳонларни ўз вақтида  
топширамиз.  
(Imtihonlarni o'z vaqtida topshiramiz).

- Экзамены сдадим своевременно.

**Топшириқ:** Матнның рус тилиге таржима қилинг, отларнинг қайси келишикда эканини айтинг.

## И Б Р А Т

Бир ота ўсмир ўғлини уйидан олиб чиқиб, күчанинг ўртасида аямасдан савалаётган эмиш. Бу сирни ким қандай тушунади, деган маънода ана шу усулни танлаган экан. Шу пайт қўшни дарвозадан бир қиз чиқиб қолибди. Қараса, туппа-тузук йигитчани отаси ураётганмиш. Қиз бунга чидай олмай сўрабди:

- Амаки, бу кимингиз бўлади?
- Ўғлим бўлади, - дебди отаси.
- Ўғлингиз нима гуноҳ қилдики, кўчага чиқиб урасиз.
- Гуноҳи шуки, - деди ота, - айтганимни қиласди.

Қиз ҳайрон қолибди. Қанақа ота бу, ўғли айтганини қиласа, раҳмат эшитиш ўрнига калтак еса. Қизнинг кўз ёш қилаётган болага раҳми келибди. «Муштумзўр» отадан тоза хафа бўлибди. Ота қизнинг ҳолатини кўриб, ичиди дебди: «Ҳой қизим, сендан яхши келин чиқмайди. Сен сирнинг нималигига тушунмадинг...»

Қиз йўлига кетибди. Ота ён-верига қараса, узоқдан кўхликкина бир қиз келаётганмиш. Қиз яқинлашиши билан ота яна ўғлини дўппослай бошлабди.

Қиз тўхтаб отадан сўрабди:

- Амаки жон, ўғлингиз нима гуноҳ қилдики, уйда эмас, кўчага чиқариб уряпсиз?
- Нима дессан айтганимни қиласди, қизим. Шунинг учун адабини беряпман, - дебди ота.
- Қаттиқроқ уринг, ақли кирсин, ана ўшанда ўз ақли билан иш қиласдиган бўлади, - деб қизча йўлида давом этибди.

Буни кўрган ота «Э, фаросатингга балли-ей, она қизим», деб изидан термулиб қолибди. Албатта, бир куни сени келин қиласман», деб кўнглига туғибди.

## IBRAT

Bir ota o'smir o'g'lini uyidan olib chiqib, ko'chaning o'rtasida ayamasdan savalayotgan emish. Bu sirlni kim qanday tushunadi, degan ma'noda ana shu usulni tanlagan ekan. Shu payt qo'shni darvozadan bir qiz chiqib qolibdi. Qarasa, tappa-tuzuk yigitchani otasi urayotganmish. Qiz bunga chiday olmay so'rabdi:

- Amaki, bu kimiñgiz bo'ladi?
- O'g'lim bo'ladi, - debdi otasi.
- O'g'lingiz nima gunoh qildiki, ko'chaga chiqib urasiz.
- Gunohi shuki, - dedi ota, - aytganimni qiladi.

Qiz hayron qolibdi. Qanaqa ota bu, o'g'li aytganini qilsayu, rahmat eshitish o'rniga kaltak esa. Qizning ko'z yosh qilayotgan bolaga rahmi kelibdi. «Mushtumzo'r» otadan toza hasa bo'libdi. Ota qizning holatini ko'rib, ichida debdi: «Hoy qizim, sendan yaxshi kelin chiqmaydi. Sen sirning nimaligiga tushunmading...»

Qiz yo'liga ketibdi. Ota yon-veriga qarasa, uzoqdan ko'hlikkina bir qiz kelayotgan mish. Qiz yaqinlashishi bilan ota yana o'g'lini do'pposlay boshlabdi.

Qiz to'xtab otadan so'rabdi:

- Amakijon, o'g'lingiz nima gunoh qildiki, uyda emas, ko'chaga chiqarib uryapsiz?

- Nima desam aytganimni qiladi, qizim. Shuning uchun adabini beryapman, - debdi ota.

- Qattiqroq uring, aqli kirsin, ana o'shanda o'z aqli bilan ish qiladigan bo'ladi, - deb qizcha yo'lida davom etibdi.

Buni ko'rgan ota «E, farosatingga balli-ey, ona qizim», deb izidan termulib qolibdi. Albatta, bir kuni seni kelin qilaman», deb ko'ngliga tugibdi.

## 6. ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ

Ўзбек тилида чиқиш келишигидаги сўзлар шахс ва предметнинг чиқиши ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг ўрнини, вақтини, сабаби каби грамматик маъноларни ифодалайди.

Чиқиш келишиги -дан аффикси билан берилади.

Чиқиш келишиги кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан?, қанчадан? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Рус тилида эса бундай келишик йўқ. Рус тилидаги олтинчи келишик «Предложный падеж»dir. У о ком?, о чем? откуда?, где? сўроқларига жавоб бўлади.

Ўзбек тилида эса предложный падежга муқобили йўқ.

Предложный падежи ўзбек тилига таржима қилинганда ҳақида, тўйрисида, олдида, вақтида, қошида, ҳузурида, кейин, билан каби сўз ва кўмакчилар ҳамда белгисиз қаратқич келишиги, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари билан берилади:

О творчестве Навои

- Навоий ижоди ҳақида  
(Navoiy ijodi haqida).

Работают в колхозе

- Колхозда ишайдилар  
(Kolxozda ishlaydilar).

Сказали при товарищах

- Ўртоқлари олдида айтди  
(O'rtoqlar oldida aytdi).

*При заводе есть библиотека - Завод қошида кутубхона бор  
(Zavod qoshida kutubxona bor).*

*После окончания школы буду работать.  
(Maktabni bitirganimdan keyin (bitirib) ishlayman).*

*Чиқиш келишигининг маънолари рус тилига, турли падеж ва бошқа грамматик воситалар билан берилади:*

1. Чиқиш келишигидаги сўз ҳаракат бошланиш ўрнини, вақтини, манбайни билдирса, рус тилида «из», «с», «от» предлогари ҳамда родительный падежида берилади.

*Сутдан (нимадан?) қаймоқ олинади. - (Sutdan qaymoq olinadi).*

*Япониядан (қаердан?) саёҳатчилар келди.*

*(Yaponiyadan sayohatchilar keldi).*

*Талабалар педагогик практикадан қайтдилар.*

*(Talabalar pedagogik amaliyotdan qaytdilar).*

*Эрталабдан (қачондан?) ёмғир ёғяпти. -*

*(Ertalabdan yomg'ir yog'yapti).*

*Ўғлимдан (кимдан?) хат олдим:*

*(O'g'limdan xat oldim).*

2. Чиқиш келишигидаги сўз, предметнинг манбасини, яъни нимадан ишланганини билдирса, рус тилига таржима қилинганда «из» предлоги ҳамда родительный падежи орқали берилади:

*Набирамга атласдан кўйлак тикдим. -*

*(Nabiramga atlasdan ko'ylik tikdim).*

3. Чиқиш келишигидаги сўз, ҳаракат шахс ва предметга қисман ўтганини, бутуннинг бўйагини билдириб келса, рус тилида бирор келишикдаги от сўз билан берилади:

*Талабалардан бири ўша йигилишида маъруза қилди.*

*(Talabalardan biri o'sha yig'ilishda ma'ruba qildi).*

4. Чиқиш келишигидаги сўз чоғиширилганда (при сопоставлении) шахс ёки предметни билдириб келса, рус тилига таржима

қилинганды родительный ёки именительный падеждаги сўз «чем» билан бирга берилади:

*Самарқанд Тошкентдан кичик.* - (Samarqand Toshkentdan kichik).  
*Мадина Шоҳруҳдан кичик.* - (Madina Shohruhdan kichik).

5. Чиқиш келишигидаги сўз восита, сабаб маъноларини билдириб келса, рус тилига «по» предлоги ҳамда дательный падежи билан берилади:

*Талабалар катта йўлдан борардилар.* - Студенты или по большой дороге.  
(Talabalar katta yo‘ldan borardilar).

6. Чиқиш келишигидаги сўзниң маънолари рус тилига турли грамматик воситалар билан берилади:

*Мен сиздан хурсандман.* (Men sizdan xursandman). - Я доволен вами (творит.падеж).

*Димадан хафаман.* (Dimadan xafaman). - Я обижен на Диму (род.пад).

*Болаларга биттадан музқаймоқ, иккитадан сақич беришди.*  
(Bolalarga bittadan muzqaumoq, ikkitadan saqich berishdi) - Детям дали по одному мороженому (датель. падеж), по две жвачки (вин. +падеж).

Ўзбек тилидаги чиқиш келишиги қаратқич келишигига синонимdir.

Масалан:

*Талабалардан бири гапирди.* - (Talabalardan biri gapirdi).  
*Талабаларнинг бири гапирди.* - (Talabalarning biri gapirdi).  
Говорил один из студентов.

Чиқиш келишигидаги сўз гапда қўйидаги вазифаларда келиши мумкин:

- *тўлдирувчи* (дополнение): Улар директордан (кимдан?) жавоб сўрадилар. (Ular direktordan javob so‘radilar);  
- *ўрин ҳоли* (обстоятельство места): Болалар кинодан (қаердан?) қайтдилар. (Bolalar kinodan qaytdilar);

- *пайт ҳоли* (обстоятельство времени): *У болаликдан* (қачондан?) *китоб ўқишини яхши кўрарди.* (*U bolalikdan kitob o'qishni yaxshii ko'rardi*);
- *сабаб ҳоли* (обстоятельство причины): *Севинганидан* (нума сабабдан?) *ҳамма гапни айтиб берди.* (*Sevinganidan hamma gapni aytib berdi*).

**Топшириқ:** І. Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг ва гапларни рус тилига таржима қилинг:

1. Ромитан мустаҳкам-бир қишлоқ бўлиб; Бухоро... қадимиyo-роқдир. 2. Орқа... ҳужум бўлиши... кутмаган душман саросима.. тушди. 3. Оғзи... бол томадиган, одобли қизларимиз бисёр. 4. Абдулла Қодирий севган Кумушдану, аламзада Зайнаб... ҳам кўп нарса ўрганса бўлади. 5. Адол хола болалар... ҳам Ола говмиш... ортиқ кўради. 6. Бу гап... Рисолат хола ҳайрон. 7. Кайковус, ҳар қандай бойлик... ақл устун туриши... таъкидлайди. 8. Япония, Америка олимлари кибернетика илми... биз... бобомиз ал-Хоразмийдан ўргангани... биласизми?

2. *Ўйлаб кўринг-чи, фаришталар нима деб жавоб бедилар?*

Бир замонлар оқил ва одил бир одамниң сулув қизи бўлган экан. Унга икки фариштанинг ишқи тушиб, қўлини сўрашибди. Қиз эса уларга шундай дебди: «Мен юрт фарзанди бўладиган ўғилга она бўлишни истайман. Уни қандай тарбиялашга қодирликларингни билишим керак. Ана ўнга қараб сизларга қароримни айтаман».

3. Ўзбек тилига таржима қилинг.

### *M o l c a n i e*

Один сказал:

- Молчание - золото.

Второй сказал:

- Молчание - знак согласия.

А третий спросил:

- А как мы характеризуем умолчание?

### *Разные точки зрения*

Один сказал: - Увы, друзья бывают фальшивые.

Другой сказал: - Увы, враги бывают только настоящие.

# Ф Е Ъ Л

(Г л а г о л)

Феъл ҳаракат билдирувчи сўзлар туркумидир.

Ҳаракат тушунчаси - *югурмоқ* (бегать), *сакрамоқ* (прыгать), *кўттармоқ* (поднимать), *ёзмоқ* (писать), *учмоқ* (летать) каби сўзлар англатган ҳаракатни, *мудрамоқ* (дремать), *турмоқ* (стоять), *ўйламоқ* (думать) каби сўзлар англатадиган ҳолатларни, *ғулламоқ* (цвести), *қовжиралимоқ* (высыхать), *ўсмоқ* (расти) каби сўзлар англатадиган биологик процессларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичитга олади.

Феъл *нима қилмоқ?* (что делать?) сўроғига жавоб бўлади.

Ўзбек тилидаги лугатларда феълнинг ноаниқ формаси *-моқ* аффикси билан берилади. Рус тилида эса феълнинг ноаниқ формаси *-ть*, *-ти*, *-чь* тугалланма орқали берилади.

Ўзбек тилида феълнинг ноаниқ формасидаги *-моқ* аффикси тушириб қолдирилса, феълнинг ўзаги (негизи, асоси) қолади ва унга *майл* (наклонение), *замон* (время глагола), *шахс-сон* (лицо и число) аффикслари қўшилади:

ўқи(моқ)	(o'qimoq)	-	читать
ўқи + са	(o'qisa)	-	если будет читать
ўқи + ди + м	(o'qidim)	-	прочитал
ўқи + ма + ди + м	(o'qimaqidim)	-	не читал

Рус тилида эса феълнинг ноаниқ формасидаги (глагол неопределенной формы) *-ть*, *-ти*, *-чь* тугалланмаси тушиб қолса, феъл асосига (основа) замон аффиксларини қўшиш мумкин:

писа + ть - ( <i>ёзмоқ-уозмоқ</i> )	писа + л - ( <i>ёзди-уозди</i> )
помо + чь - ( <i>ёрдам бермоқ</i> ( <i>yordam bergmoq</i> )	помо + г - ( <i>ёрдам берди</i> ( <i>yordam berdi</i> )
най + ти - ( <i>топмоқ-тормоқ</i> )	най+ду - ( <i>топаман-тораман</i> )

Маъносига нисбатан феъл икки турга бўлинади:

а) ҳаракат ва холатни мустақил ифодалайдиган феъллар:  
*ўқиди*, *ёзди*;

б) ёрдамчи феъллар. Ёрдамчи феъллар маъно ва вазифасига кўра икки асосий турга бўлинади: *бўй ва қил* феъли: *хурсанд бўлмоқ*, *қабул қилмоқ*;

2) феълларга қўшилиб феълнинг турли тасвирий (аналитик) шаклини ҳосил қилувчи кўмакчи феъллар: *гапириб бермоқ*, *ўқиб чиқмоқ*, *сўраб кўрмоқ*, *ёза бошламоқ*.

## Феълларнинг ясалиши

Ўзбек тилида феъллар икки хил йўл билан ясалади: 1) сўз (феъл) ясовчи қўшимчалар (аффикслар) ёрдамида; 2) бўл ва қил ёрдамчи феъллари билан.

Ўзбек тилида феъл ясовчи фаол аффикслар у қадар кўп эмас. Улар қуидагилар: *-ла*, *-лан*, *-лаш*.

**-ла:** Бу аффикс феъл ясовчилар ичida энг сермаҳсули ҳисобланади. Унинг ёрдамида от, сифат ва равиш, ундов ва тақлид сўзлардан турли маъноли феъллар ясалади:

- *ўғитла*, *бетонла* (от+ла): Ер қайта экин экиш учун ўғитланди. (Yer qayta ekin ekish uchun o'g'itlandi). Катта автомобиль йўлларини бетонлаш ишлари давом этмоқда. (Katta avtomobil yo'llarini betonlash ishlari davom etmoqda).

- *тозала*, *яхшила* (сифат+ла): Ҳашарчилар далани тозалаш ишларida катта ёрдам бердилар. (Hasharchilar dalani tozalash ishlarida katta yordam berdilar). Давоматингни яхшила! (Davomatingni yaxshila!).

- *секиіла*, *тезла* (равиш+ла): Ҳайдовчи машина тезлигини гоҳ секинлатар, гоҳ тезлатар эди. (Haydovchi mashina tezligini goh cekinlatar, goh tezlatar edi).

- *вой-войлагмоқ*, *додламоқ* (ундов+ла): У вой-войлаганча бошини чанглаб қўшни эшик томон югурди. (U voy-voylagancha boshini changallab qo'shni eshik tomon yugurdi). Қанча додламасин шўрлик чўпоннинг овозини ҳеч ким эшитмади. (Qancha dodlamasin sho'tlik cho'ponning ovozini hech kim eshitmadi).

- *гумбурламоқ*, *лапанглагмоқ* (тақлид сўз+ла): Бирдан чақмоқ чақиб, осмонда қаттиқ гумбурлаган овоз янгради. (Birdan chaqmoq chaqib, osmonda qattiq gumburlagan ovoz yangradi). Ҳожар хола лапанглаганича ёнидаги аёлга нималарнидир тушунтириб борарди. (Hojar xola lapanglaganicha yonidagi ayolga nimalarnidir tushuntirib borardi).

**-лан:** *шодланмоқ*, *лаззатланмоқ*: Байрам кунлари уларнинг қувончи чексиз, ўзларининг баҳтили онларидан шодланардилар. (Bayram kunlari ularning qubonchi cheksiz, o'zlarining baxtli onlaridan shodlanardilar). Дастурхондаги ширин таомлардан тотиниб, лаззатланниб ўтиринг. (Dasturxondag'i shirin taomlardan totinib, lazzatlanib o'tiring).

**-лаш:** *равшанлашмоқ*, *баҳслашмоқ*: Шифокорнинг муолажасидан сўнг беморнинг кўзи равшанлашди. (Shifokorning muolajasidan

so'ng bemorning ko'zi ravshanlashdi). Мавзу қизиқ бўлгани учун та-  
лабалар узоқ баҳслашдилар. (Mavzu qiziq bo'lgani uchun talabalar uzoq  
bahslashdilar).

Юқоридагилардан ташқари:

-илла: чирқилламоқ, мўлтилламоқ: Чумчук чирқиллаб бола-  
сини инидан чиқишга ундарди. (Chumchuq chirqillab bolasini inidan  
chiqishga undardi). Бемор мўлтиллаб ҳамширага умид билан қаради.  
(Bemor mo'ltilab hamshiraga umid bilan qaradi).

-ира: сирқирамоқ, ялтирамоқ: Оғриқнинг зўридан бутун бада-  
ни сирқиради. (Og'riqning zo'tidan butun badani sirqiradi). Мақбара-  
нинг тепасига, ўрнатилган ой офтобда ярқираб турарди.  
(Maqbaraning tepasiga o'rnatilgan oy oftobda yarqirab turardi).

-а: қонамоқ, бўшамоқ: Яраланган кийикнинг бўйни тинмай  
қонарди. (Yaralangan kiyikning bo'uni tinmay qonardi). Ниҳоят келин-  
чак барча уй юмушларидан бўшади. (Nihoyat kelinchak barcha uy  
yumushlaridan bo'shadi).

-(а)й: қораймоқ, кучаймоқ: Қош қорайди. (Qosh qoraydi). Рей-  
тинг топшириқларига бўлган талаб кучайтирилсин! (Reyting  
topshiriqlariga bo'lgan talab kuchaytirlisin!)

-(а)р: кўкармоқ, эскирмоқ: Майсалар билан кўкарган қир-адир-  
лар узокдан жуда гўзал кўринарди. (Maysalar bilan ko'kargan qir-  
adirlar uzoqdan juda go'zal ko'rindaridi). Вақт ўтиши билан қўллана-  
ларнинг айримлари эскирди. (Vaqt o'tishi bilan qo'llanmalarning  
ayrimlari eskirdi).

-сира: сувсирамоқ, ётсирамоқ: Сув танқислиги туфайли по-  
лиздаги қовун ва тарвузлар сувсирай бошлади. (Suv tanqisligi tufayli  
polizdag'i qovun va tarvuzlar suvsiray boshladidi). Амакимни аввал кўрма-  
ган қизалоқ унга ётсираб қараб турарди. (Amakimni avval ko'tmagan  
qizaloq unga yotsirab turardi).

**Кил** ва **бўй** ёрдамчи феъллари билан феълдан бошқа сўзлар-  
дан қўшма феъл ясалади: **обод бўлмоқ** (obod bo'lmoq), **обод қил-  
моқ** (obod qilmoq) каби. Бундай қўшма феълларнинг баъзилари  
аффикслар ёрдамида ясалган феъллар билан маънодош. Қиёсланг:  
**тасдиқ қилмоқ** (tasdiq qilmoq) - **тасдиқламоқ** (tasdiqlamoq), **тас-  
диқ бўлмоқ** (tasdiq bo'lmoq) - **тасдиқланмоқ** (tasdiqlanmoq)...

**Топшириқ:** Намунадаги аризадан фойдаланиб, ишга кириш,  
бошқа ишга ўтиш, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг.

Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
Касаба уюшмаси раиси

И.М.Аҳмедовга  
тарих факультети 2-курс талабаси  
Қобилжон Мўминжоновдан

ариза

Стипендия миқдорининг камлиги ва хусусий хонада ижарада яшаёттанимни эътиборга олиб, менга моддий ёрдам кўрсатишингизни илтимос қиласман.

2000 йил 1 апрель (имзо) Қ.МЎМИНЖНОВ

Mirzo Ulug‘bek nomidagi  
O‘zbekiston Milliy universiteti  
Kasaba uyushmasi raisi  
I.M.Ahmedovga  
tarix fakulteti 2-kurs talabasi  
Qobiljon Mo‘minjonovdan

ариза

Stipendiya miqdorining kamligi va xususiy xonada ijaraada yashayotganimni e’tiborga olib, menga moddiy yordam ko‘rsatishingizni iltimos qilaman.

2000 yil 1 aprel (imzo)

Q.MO‘MINJONOV

## ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

Ўзбек тилида феълнинг қўйидаги категориялари бор: 1) нисбат категорияси, 2) бўлишли-бўлишсизлик категорияси, 3) майл категорияси, 4) замон категорияси, 5) шаҳс-сон категорияси.

# ФЕЛЬНИНГ НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

## (Категория глагола)

Нисбат категорияси ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини кўрсатади. Масалан:

- ёзди - субъект ҳаракатнинг бажарувчиси;  
ёздирди - ҳаракатнинг бевосита бажарувчиси (ёзган шахс);  
субъектдан (ёздирган шахсдан) ўзга шахс;

ёзилди - ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ.

Ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатишига кўра нисбат категориясининг беш тuri фарқланади: **бош нисбат**, **ўзлик нисбат**, **орттирма нисбат**, **биргалик нисбат**, **мажхул нисбат**.

### 1. Бош нисбат

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам феъл англатган ҳаракатни бажарувчиси объектга тенг келади. Бунда ўзбек тилида объект предметни ифодаловчи сўз аниқ нисбатдаги феълдан олдин, рус тилида эса кейин келади.

*Мусобақа голибларини кутиб олдик (объект) -*  
*(Musobaqa g'oliblarini kutib oldik). - Встретили победителей.*

*Дарс тугади. (Dars tugadi) - Кончилось занятие*  
*Китоб ўқидим. (Kitob o'qidim) - Я читал книгу*

### 2. Ўзлик нисбати

Ўзбек тилида феъл ўзагига Рус тилида феълларга -ся, -сь -и(-ин) аффиксларини қўшиш қўшиш билан ҳосил бўлади. билан ҳосил бўлади.

ювмоқ - юв+ин+моқ  
безамоқ - беза+н+моқ  
киймоқ - кий+ин+моқ

мыть - мыть+ся  
наряжать - наряжать+ся  
одевать - одевать+ся

Ўзлик нисбати ҳаракатнинг объектга муносабатини кўрсатади.

### 3. Орттирма нисбат

Бу нисбатдаги феъллар восита билан бажарилган ҳаракатни билдиради.

Ўзбек тилида феъл негизига -т (-ит, -ат), -тир (-дир), -гиз (-киз, - қиз, - гиз) аффиксларини кўшиш билан ҳосил бўлади.

**ўқимоқ** - ўқи+т+моқ - читать - заставить прочесть  
(o'qimoq - o'qitmoq)

**ёдламоқ** - ёдла+т+моқ - заучивать - заставить заучить наизусть  
(yodlatmoq - yodlatmoq)

**ёзмоқ** - ёз+дир+моқ - писать - заставить писать  
(yozmoq - yozdirmoq)

**юрмоқ** - юр+гиз+моқ -ходить - заставитьходить  
(urgamoq - urgizmoq)

**емоқ** - е+дир+моқ - есть - заставить кормить  
(emoq - edirmoq)

Рус тилида эса бу нисбат маъноси *аниқ нисбатдаги феъл ёки лексик йўл* билан ифодаланади:

### 4. Биргалик нисбати

Феълнинг биргалик нисбати икки ва ундан ортиқ субъект томонидан биргалиқда бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Ўзбек тилида феъл асосига -ш (-иш) аффиксини кўшиш билан ҳосил бўлади.

Рус тилида эса -ся кўшилади ва феъл маъноси ўзгаради. Баъзан ўзбек тилидаги бундай нисбатлар рус тилига *вместе, совместно* сўзларининг феъл билан бирга келиши орқали берилади.

**ўқимоқ** - ўқи+ш+моқ  
(o'qimoq - o'qi-sh-moq)  
**учрамоқ** - учра+ш+моқ  
(uchramoq - uchra-sh-moq)

читать - читать - (совместно, вместе)  
встречать - встречаться, совместно

кўрмоқ	- кўр+иш+моқ	видеть - видеться
(ko'rmоq	- ko'r-ish-mоq)	
келмоқ	- кел+иш+моқ	приходить - соглашаться
(kelmoq	- kel-ish-mоq)	

## 5. Мажхул нисбат

Феълнинг мажхул нисбат шаклида ҳаракатнинг субъекти номаълум бўлади.  
Ўзбек тилида мажхул нисбат ўтимли феъл асосига (-и)л аффиксларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

*Жуда кўп китоб сотилди.*  
(Juda ko'p kitob sotildi).

Рус тилида бунга мос шакл йўқ, шунинг учун турли грамматик воситалар билан ифодаланади.

Рус тилида феълнинг аниқ нисбат формасига *-ся (-сь)* ни қўшиш билан ёки турли грамматик восита билан ҳосил бўлади.

*- Продано очень много книг.*

**Топшириқ:** Юқоридаги феъл нисбатлари иштирокида 15 та гап тузинг.

## ФЕЪЛНИНГ БЎЛИШЛИ - БЎЛИШСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

**(Положительная и отрицательная форма глагола)**

Ўзбек тилида феъл бўлиши ва бўлишсиз шаклга эга. Феълнинг бўлиши шакли ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги *тасдиқни* билдиради. Махсус аффиксга эга эмас: ўқидим, ёздим, кўрдим...

(Положительная форма глагола выражает совершённое, совершающееся, совершенное действие.)

Феълнинг бўлишсиз шакли эса ҳаракатнинг бажарилишидан ги *инкорни* билдиради. (Отрицательная форма глагола выражает несовершённое, несовершающееся, несовершенное действие.)

Ўзбек тилида бўлишсиз шакл қуйидагича ифодаланади:

1. Феъл асосига -ма аффикси кўшилади:

**Имтиҳонни топширмадим**

(**Imtihonni topshirmadim**)

**Ўйга берилган вазифани бажармадим**

(**Ўya berilgan vazifani bajarmadim**).

- Я не сдал экзамен.

- Домашнюю работу не выполнил.

2. Эмас тўлиқсиз феъли орқали:

**Ўбу ҳақда ҳеч кимга айтган эмас.** (**U bu haqda hech kimga aytgan emas**).

**Қизалоқ қўғирчоқ олиб беришганида ҳам бунчалик қувонган эмасди.** (**Qizaloq qo'g'irchoq olib berishganda ham bunchalik quvongan emasdi**).

3. Йўқ ёрдамчиси:

**Ҳаяжонланганимдан билғанларимни ҳам айтольганим йўқ.** (**Hayajonlanganimdan bilmagalarimni ham aytolganim yo'q**). - От волнения я не смог ответить.

**Дарсларга тўлиқ қатнашганим йўқ.** (**Darslarga to'liq qatnashganim yo'q**). - Я полностью не посещал занятия.

4. На, на инкор юкламаси:

**У на уқди, на ўқиди, на ёзди.** (**U na uqli, na o'qidi, na yozdi**). - Он и не понял, и не читал, и не писал.

Демак, ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам феъл бўлишили ва бўлишсиз бўлади. Ўзбек тилида бўлишсиз феъл бир неча хил ифодаланса, рус тилида эса це ва ши инкор юкламаси орқали ифодаланади.

Ўзбек тилида -ма, эмас, йўқ феълнинг бўлишсиз шаклини ясовчилар ҳисобланади ва улар ёрдамида ясалувчи шакллар тасдиқ шакли билан бирликда феълнинг бўлишили-бўлишсизлик категориясини ҳосил қиласди. Рус тилида феълнинг бундай шакллари йўқлиги учун бу тилда шундай категория ҳам йўқ.

**Топшириқ:** 1. Куйидаги матнни рус тилига таржима қилинг:

**Магазин.** Бу сўзнинг ўзбек тилига кириб келиши тарихи жуда қизиқ. Магазин (махазан) асли арабча сўз бўлиб, уни аввал француз тилини ўзлаштироди. Ундан эса рус тили қабул қилиб олди. Нихоят, рус тилидан ўзбек тилига кириб келди.

*Арабча маҳазан - «хазина, бойлик сақланувчи жой»; «омбор» маъносини ифодаловчи сўзdir.*

*Маҳазан француз тилига ўзлашганда, шу тилнинг талаффуз нормасига мослашади: сўздаги «х» товуши «г» билан алмасди. Маҳазан эмас, магазан шаклида талаффуз қилинди.*

*Француз тилида юзага келган магазан формаси XVIII асрда рус тилига кириб келди. Рус тили талаффуз нормалари сўзни яна ўзгаришга мажбур қилди. Французча форма магазан рус тилида магазин шаклига кирди.*

*XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида магазин сўзи рус тилида «омбор» маъносида ишлатилган бўлса, ҳозир ҳамма га маълумки, савдо моллари қўйилувчи, савдо-сотиқ ишлари олиб борилувчи жой мазмунидаги юритилади.*

**II. Напишите сначала названия домашних животных а потом птиц.**



**III. Топишмоқларни ёд олинг:**

Отдан баланд, итдан паст.

Ўйинда рақибларни  
Елдиради изидан,  
Терлатса ҳам уларни,  
Тер чиқмайди ўзидан.



Otdan baland, itdan past.

O'yinda raqiblarni  
Yeldiradi izidan,  
Terlatса ham ularni,  
Ter chiqmaydi o'zidan.

# ФЕЪЛЛАРДА МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ

## (Категория наклонений)

Майл категорияси ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини билдиради. Шу муносабатнинг ҳар хил бўлишига кўра ўзбек тилида майлнинг тўрт тури бор: 1) буйруқ *майли*, 2) шарт *майли*, 3) мақсад *майли*, 4) аниқлик *майли*.

### 1. Буйруқ майли

Буйруқ майли тингловчи томонидан бажарилиши зарур бўлган ҳаракат, истак, илтимос каби маъноларни билдиради.

Ўзбек тилида феълнинг II шахс, бирлик шакли маҳсус кўрсаткичга эга эмас.

Рус тилида ҳозирги замон (настоящее время) феъл ўзагига -и, -й, -ь қўшиш билан ҳосил бўлади.

Олмоқ - ол  
ёзмоқ - ёз  
ичмоқ - ич

взять - возьми  
писать - пиши  
пить - пей

Буйруқ майли турли оҳанг ёрдамида оддий буйруқдан, илтимос, ҳатто дўйни ифодалаши ҳам мумкин.

Феълга -гин, -кин, -кин аффикслари қўшилса, албатта, ургусиз, илтимос, маслаҳат маъносини англатади.

ўқимоқ - ўқигин  
чиқмоқ - чиққин  
чекмоқ - чеккин

читать - читай  
выходить - выходи  
курить - кури

Хурмат формаси феълга -(и)нг, (-инг) аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади:

келмоқ (*kelmoq*) - келинг  
ўқимоқ (*o'qimoq*) - ўқинг

Рус тилида ҳурмат форма си феълга -те аффикси ни қўшиш билан ҳосил бўлади:

приходить - приходите  
читать - читайте

Кўплик формаси -нгиз, -ингиз, -лар аффиксларини кўшиш билан ҳосил бўлади:

ўтирир (o'tir) - ўтиринглар  
кулмоқ (kulmoq)- кулингиз

Рус тилидаги кўплик формаси ҳам феълга -те аффиксини кўшиш билан ҳосил бўлади:

сядъ - сядьте (приказ)  
садись - садитесь  
(предложения)

**Топширик:** Қуйидаги матннинг мазмунини рус тилида сўзлаб беринг.

### *Ҳар соҳадан бир шингил*

Заҳарнинг ўткирлигига илонни доғда қолдирадиган жониворни биласизми? У Колумбиянинг Чоконит тропик қирғоқларида яшайдиган курбақа. Бу курбақанинг заҳри дунёдаги энг кучли заҳардан 30 баробар кучли.

### *Har sohadan bir shingil*

Zaharning o'tkirligida ilonni dog'da qoldiradigan jonivorni bilasizmi?  
U Kolumbiyaning Chokonit tropik qirg'oqlarida yashaydigan qurbaqa.  
Bu qurbaqanining zahri dunyodagi eng kuchli zahardan 30 barobar kuchli.

## 2. Шарт майли

Шарт майли формасидаги феъл бошқа бирор ҳаракатнинг баъжарилиши учун шарт бўлган ҳаракатни билдиради.

Ўзбек тилида шарт майли феъл ўзагига -са, сўнг шахс-сон аффиксини кўшиш билан ясалади.

### **бирлик**

I шахс ўқи+са+м  
II шахс ўқи+са+нг  
III шахс ўқи+са

### **кўплик**

ўқи+са+к  
ўқи+са+нгиз  
ўқи+са+лар

Ўзбек тилидаги шарт майли рус тилига *если (если бы), когда сўзлари ва келаси замон феъли (будущее время глагола) билан берилади:*

• Эртага келсанг, бирга дарс тайёрлаймиз. (Ertaga kelsang, birga dars tayyorlaymiz). - Если завтра придешь, будем вместе готовить уроки.

*Агар дарс давомида керакли баллни йигсанг, қайта жавоб бермасдинг. (Agar dars davomida kerakli ballni yig'sang, qayta javob bermasding). - Если бы ты на уроках собрал соответствующие баллы, не пришлось бы отвечать.*

\*\*\*

*Юрса агар томирда қонинг,  
Азиз бўлса бир парча нонинг,  
Керак бўлса номус, вижданинг,  
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,  
Кўлинга қурол ол!*

\*\*\*

*Yursa agar tomirda qoning,  
Aziz bo'lsa bir parcha noning,  
Kerak bo'lsa nomus, vijdoning,  
Bo'lsang yigit, bo'lsang hamki chol,  
Qo'lingga qurol ol!*

H. Olimjon

### 3. Мақсад майли

Мақсад майли шакли феълга -моқчи аффикси ва шахс-сон кўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу шакл субъектнинг ҳаракатни бажариш мақсадини, ниятини билдиради:

шахс	бирлик	кўплик
I	бормоқчиман	бормоқчимиз
II	бормоқчисан	бормоқчисиз
III	бормоқчи	бормоқчилар

### 4. Аниқлик майли

Ўзбек тилида аниқлик майлиниң маҳсус кўрсаткичи йўқ. Аниқлик майлида ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқе-лика муносабати, яъни майл категориясига хос маъно замон ва шахс-сон шакллари орқали реаллашади. Шунинг учун ҳам бу майл ҳаракатнинг уч замондан - *ўтган замон* (прошедшее время глагола), *ҳозирги замон* (настоящее время глагола), *келаси замондан* (будущее время глагола) бирига тегишлилигини билдиради.

*ўқи+ди*    (*o'qidi*)    (*ўтган замон*) - чита+л  
*ўқи+яп+ти*    (*o'qiyapti*)    (*ҳозирги замон*) - чита+ет  
*ўқи+r*    (*o'qir*)    (*келаси замон*) - (может) будет читать

Топшириқ: «Бизнинг оила» мавзууда иншо ёзинг.

## ФЕЪЛЛАРДА ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

### (Категория времени)

Замон категорияси ҳаракатнинг нутқ вақтига (моментига) муносабатини билдиради. Шундай муносабатта кўра феълнинг уч хил замони фарқланади:

- |                        |                           |
|------------------------|---------------------------|
| 1. Ўттан замон феъли   | - Прошедшее время глагола |
| 2. Ҳозирги замон феъли | - Настоящее время глагола |
| 3. Келаси замон феъли  | - Будущее время глагола   |

## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

### (Прошедшее время глагола)

Ўттан замон феъллари ҳаракатнинг нутқ вақтигача, нутқ вақтидан олдин бажарилишини билдиради ва унинг шакллари феълга -ди, -ган, -иб аффиксларидан бирини қўшиб, уни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *келдим*, *келган*, *келибди* каби.

Ўтган замон феълининг -ди қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинадиган шакли ҳаракатни сўзловчи бевосита кўрган, кузатганлигини билдиради:

шахс	бирлик	кўплик
I	келдим	келдик
II	келдинг	келдингиз
III	келди	келдилар

Ўтган замон феълининг -ган аффикси билан ясалувчи шакли нисбатан аввалроқ бўлган ҳаракатни билдиради. Бу ҳаракатни сўзловчи бевосита кузатган ёки кузатмаган бўлиши мумкин:

шахс	бирлик	кўплик
I	кўрганман	кўрганмиз
II	кўргансан	кўргансиз
III	кўрган	кўрганлар

Ўтган замон феълининг -(и)б аффикси билан ясалувчи шакли сўзловчи бевосита кузатмаган, кейинроқ ундан хабардор бўлган ёки ўзгадан эшитиб билган ҳаракатни ифодалайди.

шахс	бирлик	кўплик
I	кўрибман	кўрибмиз
II	кўрибсан	кўрибсиз
III	кўрибди	кўрибдилар

Ўзбек тилида ўтган замон феълининг кўпгина шакллари эди тўлиқсиз феъли билан ясалади.

Бу тўлиқсиз феъл -ган ёки -(и)б аффиксли феълга қўшилганда анчагина аввал бўлиб ўтган ҳаракатни билдирувчи ўтган замон феъл шакли ясалади.

шахс	бирлик	кўплик
I	кўрган эдим	кўрган эдик
II	кўрган эдинг	кўрган эдингиз
III	кўрган эди	кўрган эдилар

шахс	бирлик	кўплик
I	кўриб эдим	кўриб эдик
II	кўриб эдинг	кўриб эдингиз
III	кўриб эди	кўриб эдилар

Тўлиқсиз феъл эди -а(р) аффиксли сифатдош ёки ҳозирги замон феъли асосларига қўшилганда ўтган замон давом феъли шакллари ясалади:

шахс	бирлик	кўплик
I	ишлар эдим	ишлар эдик
II	ишлар эдинг	ишлар эдингиз
III	ишлар эди	ишлар эдилар

шахс	бирлик	кўплик
I	ишилаётган эдим	ишилаётган эдик
II	ишилаётган эдинг	ишилаётган эдингиз
III	ишилаётган эди	ишилаётган эдилар

I	ишилаётшиб эдим	ишилаётшиб эдик
II	ишилаётшиб эдинг	ишилаётшиб эдингиз
III	ишилаётшиб эди	ишилаётшиб эдилар
I	ишиламоқда эдим	ишиламоқда эдик
II	ишиламоқда эдинг	ишиламоқда эдингиз
III	ишиламоқда эди	ишиламоқда эдилар

**Топширик:** 1. Шеърни диққат билан ўқинг ва ёд олинг.

### *Момоқаймоқ*

*Момоқаймоқ моҳ, дедим,  
Пахтадай юмшоқ, дедим.  
Хурпайиб турганига  
Керакдир ўртоқ, дедим.*

*Секин бориб «поҳ» десам,  
Момиқгул чўчиб кетди.  
Мен унинг гамин есам,  
У шошиб кўчиб кетди.*

### *Момоқаутоқ*

*Момоқаутоқ moh, dedim,  
Paxtaday yumshoq, dedim.  
Hurpayib turganiga  
Kerakdir o'rtoq, dedim.*

*Sekin borib «pox» desam,  
Momiqgul cho'chib ketdi.  
Men uning g'amin esam,  
U shoshib ko'chib ketdi.*

2. Матнни ўқиб, таржима қилинг.

**Ўқитувчи:** - Мана карта. Ким бизга Американи кўрсатади? - Ник доскага чиқиб, картадан Американи кўрсатди. - Яхши. Қани болалар, айтинглар-чи, Американи ким кашф этган?

**Ўқувчилар:** - Ник.

\*\*\*

**O'qituvchi:** - Mana karta. Kim bizga Amerikani ko'rsatadi? - Nik doskaga chiqib, kartadan Amerikani ko'rsatdi. - Yaxshi. Qani bolalar, aitinglar-chi, Amerikani kim kashf etgan?

**O'quvchilar:** - Nik.

3. Матнни оғзаки таржима қилинг. Ўтган замон феълини топиб, тушунтиринг.

\*\*\*

**Ўзбек.** Бу сўзнинг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Ўзбекларнинг мустақіл элат бўлиб танилиши XI-XII асрларга боғлиқ. Бироқ бу элат ўша даврда «ўзбек» деб

номланмаган. Бу элатнинг дәхқончилик билан шуғулланувчи қисми «сартлар», чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи қисми эса «турклар» деб аталган.

«Ўзбек» сўзининг миллат атамаси шаклида кенг қўлланиши XVI асрда Шайбонийхон бошчилигидаги қипчоқ ўзбекларининг Ўрта Осиёга оммавий кўчиб келиши билан боғлиқдир. Шунинг учун баъзи тилшунос олимлар «ўзбек» сўзининг юзага келишини XVI асрга боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

\*\*\*

**O'zbek.** Bu so'zning kelib shiqishi va ma'nosi haqida turli xil fikrlar mavjud.

O'zbeklarning mustaqil elat bo'lib tanilishi XI-XII asrlarga bog'liq. Biroq bu elat o'sha davrda «o'zbek» deb nomlanmagan. Bu elatning dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi qismi «sartlar», chorvachilik bilan shug'ullanuvchi ko'chmanchi qismi esa «turklar» deb atalgan.

«O'zbek» so'zining millat atamasi shaklida keng qo'llanishi XVI asrda Shayboniyxon boshchiligidagi qipchoq o'zbeklarining O'rta Osiyoga ommaviy ko'chib kelishi bilan bog'liqdir. Shuning uchun ba'zi tilshunos olimlar «o'zbek» so'zining yuzaga kelishini XVI asrga bog'liq deb hisoblaydilar.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Настоящее время глагола)

Ҳозирги замон феъли ҳаракатнинг нутқ вақтида бўлаётганини, давом этаётганини, тугамаганлигини билдиради. Бу маъно ҳозирги замон феълининг -яп, -моқда, -ётирип аффикслари билан ясалувчи шакллари, шунингдек, ҳозирги-келаси замон феъл шакли билан ифодаланади:

шахс	бирлик	кўплик
I	келяпман	келяпмиз
II	келяпсан	келяпсиз
III	келяпти	келяптилар
I	келмоқдаман	келмоқдамиз

<i>II</i>	келмоқдасан	келмоқдасиз
<i>III</i>	келмоқда	келмоқдалар
<i>I</i>	келаётирман	келаётирмиз
<i>II</i>	келаётирсан	келаётирсиз
<i>III</i>	келаётир	келаётирлар

Феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли ҳозирги замон маъносида қўлланганда, у билдирган ҳаракат одатдаги, доимий ҳаракат бўлади.

Феълнинг бу шакли *-а* ёки *-й* аффиксли равишдошни шахсон билан туслаш орқали ҳосил қилинади:

шахс	бирлик	кўплик
<i>I</i>	бораман	борамиз
<i>II</i>	борасан	борасиз
<i>III</i>	боради	борадилар
<i>I</i>	ишилайман	ишилаймиз
<i>II</i>	ишилайсан	ишилайсиз
<i>III</i>	ишилайди	ишилайдилар

**Топшириқ:** Матнни ўқинг, рус тилига таржима қилинг. Феълларнинг қайси замонда эканини айтинг.

## САЛЛАДА ҲИКМАТ КЎП

Мусулмончиликда салланинг рамзий маъноси кенг.

Салла - форсча-тожикча сўз бўлиб, «тугун» деган маънони билдиради. Уни асосан эркаклар ўрайди. Салла мусулмончилик бўлгиси бўлиб оқ, яшил, кулранг матолардан ва кўпинча докадан бўлади. Мато дўппи ёки телпак устидан ўралади. Лекин Покистон ва Ҳиндистонда мато бошнинг ўзига ўралади. Саллани ўраш Марказий Осиё, қисман Кавказда, Шимолий Африка ва Одд Осиёда кенг тарқалган.

Киши сафарда, уйда, йўлда, жангда ва бошқа жойда бандаликни бажо келтириши мумкин. Бундай пайтда салла тайёр қафанликка ярайди. Салданнинг ўралиш усули ва ранги турлича бўлган. Масалан, ҳожилар ва саидлар яшил матодан салла ўраганлар. Қадимда бола ва ўсмирлар қизил ва сариқ матолардан салла кийганлар...

## SALLADA HIKMAT KO'P

Musulmonchilikda sallaning ramziy ma'nosi kehg.

Salla - forscha-tojikcha so'z bo'lib, «tugun» degan ma'noni bildiradi. Uni asosan erkaklar o'raydi. Salla musulmonchilik belgisi bo'lib oq, yashil, kulrang matolardan va ko'pincha dokadan bo'ladi. Mato do'ppi yoki telpak ustidan o'raladi. Lekin Pokiston va Hindistonda mato boshning o'ziga o'raladi. Sallani o'rash Markaziy Osiyo, qisman Kavkazda, Shimoliy Afrika va Old Osiyoda keng tarqalgan.

Kishi safarda, uyda, yo'lida, jangda va boshqa joyda bandalikni bajo keltirishi mumkin. Bunday paytda salsa tayyor kafanlikka yaraydi. Sallaning o'ralish usuli va rangi turlichcha bo'lgan. Masalan, hojilar va saidlar yashil matodan salsa o'raganlar. Qadimda bola va o'smirlar qizil va sariq matolardan salsa kiyganlar...

### КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Будущее время глагола)

Ўзбек тилида ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бўлиши, яъни келаси замон маъноси -(а)р аффиксли сифатдошни шахсон билан туслаш орқали, шунингдек, ҳозирги-келаси замон феъли орқали ифодаланади.

Ҳозирги-келаси замон феъли ёрдамида ҳаракатнинг бажарилиши аниқ тарзда, -(а)р (-мас) аффиксли феълни шахс-сон билан туслаш орқали эса гумон тарздаги ҳаракат ифодаланади. Худди шу хусусиятига кўра уларнинг биринчиси аниқ келаси замон феъли, иккинчиси келаси замон гумон феъли деб аталади.

#### Аниқ келаси замон феълининг ясалиши

шахс	бирлик	кўплик
I	келаман	келамиз
II	келасан	келасиз
III	келади	келадилар
I	бормайман	бормаймиз
II	бормайсан	бормайсиз
III	бормайди	бормайдилар

## Келаси замон гүмөн феълининг ясалиши

I	келарман	келармиз
II	келарсан	келарсиз
III	келарди	келардилар
I	бормасман	бормасмиз
II	бормассан	бормассиз
III	бормас	бормаслар

Ҳозирги-келаси замон феъли шаклининг ҳозирги ва келаси замон маъноларини ифодалашини кўрдик. Унинг ҳозирги ёки келаси замонни билдириши матнда (контекстда) маълум бўлади. Қиёсланг:

*Мен фабрикада ишлайман* (ҳозирги замон).

- (Men fabrikada ishlayman).

*Мен бу топшириқларни эртага ишлайман.*

- (Men bu topshiriqlarni ertaga ishlayman).

**Топшириқ:** Шаҳардаги бозорлар ҳақида ёзинг.



## ФЕЪЛЛАРДА ШАХС-СОН КАТЕГОРИЯСИ

Шахс-сон категорияси ҳаракатнинг бажарувчиси уч шахсдан бирiga ойдлиги, шу билан бирга шахснинг бир ёки кўп экани маъносини билдиради.

Ҳозирги ўзбек тилида шахс-сон категориясининг куйидаги турлари бор:

шахс	бирлик	кўпллик
I	олди+м (oldim)	олди+к (oldik)
II	олди+нг (olding)	олди+нгиз (oldingiz)
III	олди (oldi)	олди+ (лар) (oldilar)

Демак, ҳаракатнинг бажарувчи шахсга ва бу шахснинг сон миқдорига муносабати шахс-сон категорияси бўлади.

**Топшириқ:** Қўйидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан олинган моддаларни лотин алифбосида ёзинг ва рус тилига таржима қилинг.

24-моддә. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суккасд қилиш энг оғир жиноятдир.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраршга мажбурдирлар.

66-модда. Вояга етган, меҳнатта лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналири ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

123-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қиласди. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

## СИФАТ

(Имя прилагательное)

Сифат - предметнинг белгисини билдиради. (Прилагательное означает признак предмета). Қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўлади.

Оқ кўйлак - белое платье  
(oq ko'yłak)

кatta uy - большой дом  
(katta uy)

ақли қиз - умная девочка  
(aqlli qiz)

ширин ҳовун - сладкая дыня  
(shirin qovun)

юмшоқ нон - свежий хлеб  
(yumshoq non)

илмий иш - научная работа  
(ilmiy ish)

Ўзбек тилида сифат ҳаракатнинг белгисини билдириши ва равиш вазифасида қўлланиши ҳам мумкин:

яхши гапирди (yaxshi gapirdi)

яхши ишилади (yaxshi ishladi)

эркакчасига гапирмоқ

(erkakchasiiga gäpirmoq)

хорошо говорил

хорошо работал

говорить по мужски

Ўзбек тилида туб (аслий) сифатни ифодаловчи алоҳида форма йўқ.

Рус тилида эса сифатлиликни кўрсатувчи маҳсус форма бор:

қизиқарли журнал	(qiziqarli jurnal)	- интересный журнал (м.р.)
қизиқарли китоб	(qiziqarli kitob)	- интересная книга (ж.р.)
қизиқарли асар	(qiziqarli asar)	- интересное произведение (ср.р.)
қизиқарли сұхбатлар		(qiziqarli suhbatlar) - интересные беседы (мн.ч.)

Ўзбек тилида сифат боғланиб келган *от* келишик, эгалик ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни олиб ўзгариши мумкин, лекин сифат ўзгармайди:

Б.к.- *Бу кўчада баланд деворли уй* бор.

В.к. - *Bu ko'chada baland devorli uy* bor.

Қ.к.- *Ўша баланд деворли уйнинг ҳовлиси* катта.

Q.к. - *O'sha baland devorli uyning hovlisi* katta.

Т.к.- *Баланд деворли уйни* кўрдим.

T.k. - *Baland devorli uyni* ko'rdim.

Ж.к.- *Болалар баланд деворли уйга* кириб кетишиди.

J.k. - *Bolalar baland devorli uyga kirib ketishdi.*

Ўр.к.- *Бу ўигит баланд деворли уйда* туради.

O'r.k.- *Bu yigit baland devorli uydagi turadi.*

Ч.к.- *Ҳаётхон баланд деворли уйдан* чиқди.

Ch.k. - *Hayotxon baland devorli uydan chiqdi.*

**Топшириқ:** Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

## Г Ў З А Л

Коронгу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен:  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: «Мен уни тушда кўрамен.

Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал...»

Кўзимни оламен ой чиққан ёқقا,  
Бошлаймен ойдан-да сўрамоққа.  
Ул-да айтадирки: «Қизил ёноққа,  
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.

Оққа кўмилгаңда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал...»

Чўлпон

### GO'ZAL

Qorong'u kechada ko'kka ko'z tikib,  
Eng yorug' yulduzdan seni so'raymen.  
Ul yulduz uyalib, boshini bukib,  
Aytadir: «Men uni tushda ko'ramen.

Tushimda ko'ramen, shunchalar go'zal,  
Bizdan-da go'zaldir, oydan-da go'zal...»

Ko'zimni olamen oy chiqqan yoqqa,  
Boshlaymen oydan-da so'ramoqqa,  
Ul-da aytadirki: «Qizil yonoqqa,  
Uchradim tushimda, ko'milgan oqqa.

Oqqa ko'milganda shunchalar go'zal,  
Mendan-da go'zaldir, kundan-da go'zal...»

Cho'lpon

## СИФАТЛАРНИНГ МАЊНОГА КЎРА ТУРЛАРИ

Предметнинг қандай белгисини билдиришига кўра сифатлар бир неча хил бўлиши мумкин:

*I. Хусусият билдирувчи сифатлар инсон, жонивор, предметларнинг характер-хусусиятларини (качество людей, животных и предметов) билдиради:*

камтарин йигит	(kamtarin yigit)	- скромный парень
мугомбир одам	(mug'ombir odam)	- хитрый человек
содда қиз	(sodda qiz)	- простая девушка
мехрибон она	(mehribon ona)	- любящая мать
чопагон от	(chopag'on ot)	- скакун, резвый конь
яҳши от	(yaxshi ot)	- хорошая лошадь
ювощ от	(yuvosh ot)	- смирная лошадь
яҳши бола	(yahshi bola)	- хороший мальчик
ювощ одам	(yuvosh odam)	- тихий человек

## **2. Ҳолат билдирувчи сифатлар - инсон, ҳайвон ва предметлар-нинг турлича ҳолатини (состояние, положение) ифодалайди:**

бадавлат киши	(badavlat kishi)	- богатый человек
дуркун қиз	(durkun qız)	- крупная девочка
тинч ҳаёт	(tinch hayot)	- тихая жизнь
ноzik табассум	(nozik tabassum)	- нежная улыбка
очиқ ҳаво	(ochiq havo)	- ясная погода
кўр музикачи	(ko‘r muzikachi)	- слепой музыкант
кар одам	(kar odam)	- глухой человек
иссиқ нон	(issiq non)	- горячий хлеб
ингичка ип	(ingichka ip)	- тонкая нитка
огир тош	(og‘ir tosh)	- тяжелый камень

**Топшириқ:** Юқоридаги сўзларни ёд олинг ва улар иштиро-кида 10 та гап тузинг.

## **3. Ранг-тус (цвет) билдирувчи сифатлар:**

қизил лента	(qizil lenta)	- красная лента
пушти кўйлакча	(pushti ko‘ylakcha)	- розовое платье
зангори осмон	(zangori osmon)	- голубое небо
кўк бўёқ	(ko‘k bo‘yoq)	- синяя краска
бўз от	(bo‘z ot)	- серая лошадь
кўк кўз	(ko‘k ko‘z)	- серые (голубые) глаза

## **4. Маза-таъм билдирувчи сифатлар (вкусовые качества):**

ширин тарвуз	(shirin tarvuz)	-	сладкий арбуз
бемаза қовун	(bemaza qovun)	-	невкусная дыня
нордон анор	(nordon anor)	-	кисло-сладкий гранат
чучук олма	(chuchuk olma)	-	кисло-сладкое яблоко
нордон тузлар	(nordon tuzlar)	-	кислые соли
шўр бодринг	(sho‘r bodring)	-	соленый огурец

**Топшириқ:** Куйидаги мақолларни ёд олинг:

*Ошнинг таъми туз билан, одамнинг таъми сўз билан.  
(Oshning ta’mi tuz bilan, odamning ta’mi so‘z bilan).*

*Ширин сўз шакардан ширин. - (Shirin so‘z shakardan shirin).  
Бемаза қовуннинг уруғи кўп. - (Bemaza qovunning urug‘i ko‘p).*

### **5. Ҳид билдирувчи сифатлар:**

гул ҳиди	(gul hidi)	- цветочный запах
ёқимли ҳид	(yoqimli hid)	- приятный запах
хушбўй ҳид	(xushbo‘y hid)	- душистый, ароматный
муаттар боғ	(muattar bog‘)	- ароматный, благоухающий сад
бадбўй ҳид	(badbo‘y hid)	- вонючий запах
сассиқ кўлмак	(sassiq ko‘lmak)	- зловонная лужа
тер ҳиди	(ter hid)	- запах пота

### **6. Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар (прилагательные, означающие внешнюю форму):**

гавдали йигит	(gavdali yigit)	- рослый, крупный парень
новча бола	(novcha bola)	- высокий парень
узун кун	(uzun kun)	- долгий день
узун арқон	(uzun arqon)	- длинная верёвка
узун йўл	(uzum yo‘l)	- длинная дорога
текис экой	(tekis joy)	- плоская местность
япaloқ идиши	(yapaloq idish)	- плоское блюдо
юмалоқ юз	(yumaloq yuz)	- округлое лицо
юм=юмалоқ коптoк	(yum=yumaloq koptok)	- совершенно круглый мяч

**Тоғишириқ:** 1. Юқоридаги сўзларни ёд олинг ва улар иштироқида 10 та гап тузинг.

### **2. Матнларни рус тилига таржима қилинг.**

\*\*\*

**Ўқитувчи:** - Шуни унумтманг-ки, болалар, ҳаёт учун энг зарур бўлган кислород 1773 йилда кашф қилинган.

**Ўқувчи:** - Айтинг-чи устоз, унгача одамлар нима билан нафас олишган?

\*\*\*

**О‘qituvchi:** - Shuni unutmang-ki, bolalar, hayot uchun eng zarur bo‘lgan kislород 1773 yilda kashf qilingan.

**О‘quvchi:** - Aiting-chi ustoz, ungacha odamlar nima bilan nafas olishgan?

\*\*\*

**Болалар, бугун феълларнинг тусланышини ўтамиз. «Мен турибман, сен турибсан, у турибди. Биз турибмиз, сиз турибсиз, улар турибдилар» - деди ўқитувчи янги дарсни бошлагач.**

**Кейин ўқувчидан сўради:**

- **Боқвой, қани айт-чи, тусланышдан нимани тушундинг?**
- **Ҳамма турибди.**

\*\*\*

**Bolalar, bugun fe'llarning tuslanishini o'tamiz. «Men turibman, sen turibsan, u turibdi. Biz turibmiz, siz turibsiz, ular turibdilar» - dedi o'qituvchi yangi darsni boshlagach.**

**Keyin o'quvchidan so'radi: - Boqivoy, qani ayt-chi, tuslanishdan nimani tushunding?**

- **Ҳамма турибди.**

### **7. Макон ва замон муносабатларини ифодаловчи сифатлар** (обозначающие пространственные и временные отношения):

<b>тўғри чизиқ</b>	<b>(to'g'ri chiziq)</b>	-	прямая линия
<b>тўғри жавоб</b>	<b>(to'g'ri javob)</b>	-	правильный ответ
<b>тўғри одам</b>	<b>(to'g'ri odam)</b>	-	честный человек
<b>ўнг қўл</b>	<b>(o'ng qo'lli)</b>	-	правая рука
<b>чап биқин</b>	<b>(chap biqin)</b>	-	левый бок
<b>буюк одам</b>	<b>(buuyuk odam)</b>	-	большой человек
<b>бўш вақт</b>	<b>(bo'sh vaqt)</b>	-	свободное время
<b>чукур ўра</b>	<b>(chuqur o'ra)</b>	-	глубокая яма

**8. Вақтга кўра белги билдирувчи сифатлар-ги (-ки, -и) аффиксларини қўшишдан ҳосил бўлади:**

<b>қишики имтиҳон</b>	<b>(qishki imtihon)</b>	-	зимний экзамен
<b>ёзги таътил</b>	<b>(yozgi ta'til)</b>	-	летние каникулы
<b>сиртқи ўқиши</b>	<b>(sirtqi o'qish)</b>	-	заочное учёба
<b>кечки овқат</b>	<b>(kechki ovqat)</b>	-	ужин (букв. вечерний обед)

**Топшириқ:** 1. Юқоридаги сўзларни ёд олинг ва улар иштирокида 10 та гап тузинг.

**2. Матнларни таржима қилинг.**

### **Тарих дарсида**

**Ўқитувчи:** - Синфлар қачон вуёқудга кела бошлаган?

**Ўқувчи:** - Мактаблар қурила бошлагандан сўнг.

## Tarix darsida

O'qituvchi: - Sinflar qachon vujudga kela boshlagan?  
O'quvchi: - Maktablar qurila boshlagandan so'ng.

## Астрономия дарсида

Ўқитувчи: - Кеча билан кундуз нима учун ўрин алмашади?  
Ўқувчи: - Биз ухлаб, дам олишимиз учун.

## Astronomiya darsida

O'qituvchi: - Kecha bilan kunduz nima uchun o'tin almashadi?  
O'quvchi: - Biz uxlab, dam olishimiz uchun.

## СИФАТНИНГ ТУЗИЛИШИ

Тузилиш жиҳатдан сифатлар: *туб* (непроизводные-качественные) ёки *ясама* (производные-относительные) бўлади.

*Туб* - аслий (качественные) сифатлар морфемаларга бўлинмайди:

оқ (oq)	- белый	кўк (ko'k)	- голубой
қари (qari)	- старый	ёш (yosh)	- молодой
шўҳ (sho'x)	- озорной	аччиқ (achchiq)	- горький

Сўз ясашнинг бирор усули билан ҳосил бўлган сифатлар *ясама сифатлар* дейилади. Улар содда (простые) ёки қўшма (сложные) бўлади.

1) *ясама сифатлар* сўз ясовчи аффикслар (словообразующие аффиксы) ёрдамида ҳосил бўлади:

кучли (kuchli)	- сильный	марказий (markaziy)	- центральный
рангдор	- цветной	техникавий	- технический
(rangdor)		(texnikaviy)	
кузги (kuzgi)	- осенний	эҳтиёткор	- осторожный
		(ehtiyojkor)	

2) бир неча мустақил маъноли сўздан ҳосил бўлади (из самостоятельных слов):

ҳаво ранг	(havo rang)	-	синий, голубой
жигаргўша	(jigargo'sha)	-	родной

ишёқмас (ishyoqmas)  
жигарранг (jigarrang)  
ўзбилармон (o'zbilarmon)  
эртапишар (ertapishar)

ленивый  
коричневый  
самостоятельный  
ранний

## Топшириқ: 1. Рус тилига таржима қилинг.

\*\*\*

- Чүртән балиқни нима учун йиртқич дейишади?
- Акуланинг қариндоши бўлгани учун.
- Cho'rtan baliqni nima uchun yirtqich deyishadi?
- Akulaning qarindoshi bo'lgani uchun.

\*\*\*

- Ўзидан ток ўтказувчи қандай буюмларни биласиз?
- Симёгочларни.
- O'zidan tok o'tkazuvchi qanday buyumlarni bilasiz?
- Simyog'ochlarni.

\*\*\*

- Типратикан нима билан овқатланади?
- Кактус esa керак-да.
- Tipratikan nima bilan ovqatlanadi?
- Kaktus esa kerak-da.

\*\*\*

## 2. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Наши спортсмены выезжают и за границу представляя независимый Узбекистан.
2. Первые кондиционеры, как оказалось, изобрели турки.
3. Природа имеет целый арсенал пищевых и лекарственных растений, которые помогают нормализовать кислотно-щелочное равновесие организма.
4. Нельзя оставлять подростков без присмотра, рядом с несовершеннолетними всегда должен находиться человек, к которому они могли бы обратится за советом.
5. Ошибаются те, кто считает, что следователь должен предъявить оступившемуся подростку обвинение, а судья - вынести приговор.

6. Друзья вас уважают за то, что вы самостоятельны и уважаете не только окружающих людей, но и самого себя.

7. Год от года крепнет мастерство узбекских кинематографистов, завоевывая симпатии зрителей ближнего и дальнего зарубежья.

## СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

### (Образование имён прилагательных)

Сифатлар ўзбек тилида асосан сифат ясовчи кўшимчалар ёрдамида ясалади.

#### -ли:

ақлли қиз	(aqlli qiz)	- умная девочка
мазали овқат	(mazali ovqat)	- вкусная пища
алангали салом	(alangali salom)	- пламенный привет

#### -лик:

ҳафталик режа	(haftalik reja)	- недельный план
кунлик режа	(kunlik reja)	- ежедневный план

#### -вий:

оилавий сұхбат	(oilaviy suhabat)	- семейная беседа
тарбиявий соат	(tarbiyaviy soat)	- воспитательный час
тариҳий ҳужжат	(tarixiy xujjat)	- исторический документ

#### -ни:

рухий озиқ	(ruhiy oziq)	- духовная пища
илмий иш	(ilmiy ish)	- научная работа
тасвирий санъат	(tasviriy san'at)	- изобразительное искусство

#### -ки:

қишки таътил	(qishki ta'til)	- зимние каникулы
эски түн	(eski to'n)	- изношенный халат

#### -ли:

тонгги шабада	(tonggi shabada)-	утренний ветер
---------------	-------------------	----------------

-сиз аффикси отта қўшилған сифат ясайди ва маъносига кўра рус тилидаги без- (бес-), не- приставкаларига тўғри келади:

**-сиз:**

сабрсиз бола (sabrsiz bola)  
 тартибсиз бола (tartibsiz bola)  
 шартсиз рефлекс (shartsiz refleks)  
 қанотсиз ҳашаротлар  
 (qanotsiz hasharotlar)  
 ҳавосиз бўшилиқ (havosiz bo'shliq)  
 тўлиқсиз ўрта мактаб  
 (to'liqsiz o'rta maktab)

- нетерпеливый мальчик
- неаккуратный ребёнок
- безусловный рефлекс
- бескрылые насекомые
- безвоздушное пространство
- неполная средняя школа

**сер-:**

сермазмун маъруза  
 (sermazmun ma'ruza)  
 серсув шафтоли (sersuv shaftoli)  
 сергап қиз (sergap qiz)

- содержательный доклад
- сочный персик
- болтливая девушка

**ба-:**

бадавлат одам (badavlat odam)  
 басавлат киши (basavlat kishi)

- богатый человек
- солидный человек

**но-:**

номаълум орол (noma'lum orol)  
 ноаниқ маълумот  
 (noaniq ma'lumot)  
 ноқобил ўғил (noqobil o'g'il)  
 ноинсоф одам (noinsof odam)

- неизвестный остров
- неточные сведения
- непослушный сын
- нечестный человек

**бе-:**

бегуноҳ фарзанд  
 (begunoh farzand)  
 бевақт ёмғир (bevaqt yom'ir)  
 бебаҳо одам (bebaho odam)  
 беайб бола (beayb bola)

- безгрешный ребёнок
- несвоевременный дождь
- бесценный человек
- невинный ребёнок

**-(и)к:**

илиқ шабада (iliq shabada)  
 илиқ сўзлар (iliq so'zlar)

- тёплый ветерок
- тёплые слова

**Топшириқ:** Юқоридаги сўз бирикмаларини ёд олинг ва улар иштирокида 10 та гап тузинг.

**-кин:** кескин кураш (keskin kurash) - решительная борьба  
**-кир:** ўткир пичоқ (o'tkir pichoq) - острый нож  
**-кор:** халаскор халқ (xalaskor xalq) - народ-освободитель

<u>тезкор</u> бинокор	(tezkor binokor)	- строитель-скоростник
<u>тезкор</u> ёрдам	(tezkor yordam)	- скорая помощь
<u>-кин:</u> сотқын одам	(sotqin odam)	- продажный человек
<u>-кир:</u> чопқыр от	(chopqır ot)	- быстро бегающий конь
<u>-кур:</u> учқур от	(uchqur ot)	- очень быстро бегающий конь
<u>-ғир:</u> олғир ит	(olgır it)	- хваткая собака
<u>-ғұр:</u> бүлмағур гап	(boǵmagır gap)	- негодные, нехорошие слова
<u>-ғин:</u> ҳорғин от	(horgın ot)	- усталая лошадь
<u>-ғир:</u> сезгири одам	(sezgir odam)	- чуткий, проницательный человек
<u>-ғиң:</u> ошигич телеграмма	(oshig'ich telegramma)	- экстренная телеграмма
сузонгич сигир (sužong'ich sigir)		
<u>-симон:</u> сақищимон краска	(saqichsimon kraska)	
олтисимон соч (oltinsimon soch)		- золотистый волос
юлдузсимон шакл	(yıldızsimon shakl)	- звездообразная фигура
<u>-дор:</u> тагдор гап (tagdor gap)		- обоснованные слова
хабардор доиралар	(xabardor doiralar)	- осведомлённые круги
<u>-ма:</u> туғма соқов (tug'ma soqov)		- немой от рождения
ёзма иш (yozma ish)		- письменная работа
<u>-аро:</u> халқаро ахвол	(xalqaro ahvol)	- международное положение
<u>-мас:</u> ўлмас асар (o'lmas asar)		- бессмертное произведение
<u>-чоқ:</u> мақтанчоқ одам	(maqtanchoq odam)	- хвастливый человек
<u>-чан:</u> уятчан одам (uyatchan odam)		- стеснительный человек
сезувчан одам (sezuvchan odam)		- чуткий человек
<u>-чиқ:</u> қызғанчиқ одам	(qızg'ançiq odam)	- жадный человек
<u>-чил:</u> эпчил одам (epchil odam)		- ловкий человек
дардчил одам (dardchil odam)		- болезненный человек

**Топшириқ:** 1. Юқоридаги сўзларни ёд олинг ва улар иштирокида ўнта гап тузинг.

2. Нуқталар ўрнига керакли сифатларни қўйиб матнни кўчиринг.

## Қ И Ш

Қиши ҳам ... фаслдир. Қишида дала ва қирлар ... чойшабга ўралади. Дараҳтлар... кийимида худди хаёл суриб турғандек туюлади. Қишининг ..., ... ҳавоси кишига ўзгача ором беради. Киши қанча нафас олса ҳам тўймайди. Қишида болалар ... ўйинлар ўйнаб қувонадилар.

Қўйиш учун сўзлар: *гўзал, чироили, кўркам; оқ, оппоқ; мусаффо, соғ, ёқимли, оромбахш; қизиқ, қувноқ, шўх.*

## QISH

**Qish ham... fasldir. Qishda dala va qirlar... choyshabga o'raladi. Daraxtlar... kiyimda xuddi xayol surib turgandek tuyuladi. Qishning ..., ... havosi kishiga o'zgacha orom beradi. Kishi qancha nafas olsa ham to'ymaydi. Qishda bolalar... o'yinlar o'ynab quvonadilar.**

**Qo'yish uchun so'zlar: go'zal, chiroili, ko'rkan; oq, oppoq; musaffo, sof, yoqimli, orombaxsh; qiziq, quvnoq, sho'x.**

### 3. Қуидаги матннинг мазмунини сўзлаб беринг.

#### Ҳазрат Умарни йиглатган бола

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг муборак одатларидан бири эрта саҳарда масжидга бориш эди. Ҳазрат Умар масжидга аzon айтмасдан олдин борар ва намоз вақтини Жомеда кутар эди. Бир куни тонт отмай туриб масжидга борар экан, бир боланинг шошилиб масжидга кетаётганини кўрди. Ҳазрат Умар (р.а.) сўрадилар:

- Болажоним, нега шошилиб кетаётиссан? Қаерга югуриб боряпсан?

- Намозга кетяпман. Намоз вақти яқинлашди. Менинг эса таҳоратим йўқ. Аzon ўқилмасдан олдин таҳорат олиб, намоз вақтини кутаман. Шунинг учун югуриб кетяпман,-дедй.

- Болам, сен жуда ёш кўринасан, намоз сенга ҳали фарз эмас.

- Ҳазрат, бу иш учун катта-кичиклик бўладими? Кеча маҳалламиизда ёш бир бола вафот этди. Демак, бу иш учун катта-кичик бўлмайди.

Ҳазрат Умар (р.а.) боланинг бу сўзларидан жуда тўлқинланиб кетди. Шундай мутаассир бўлдики, шундай қувондики, муборак кўзларидан инжу доналариdek ёшлар оқа бошлади.

- Ё, Раббий. Бу бола қандай ажойиб, қандай ақлли. Бу гўзал сўзлар улуғларнинг оғзидан чиқадиган сўзлардир,- деб шундай йикладиларки...

## СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

### (Сравнительная степень)

Ўзбек тилида сифатнинг куйидаги даражада турлари бор:

Оддий  
(простое)

Ортирма  
(превосходная)

Озайтирма  
(уменьшительная)

Бу даражанинг  
махсус кўрсатки-  
чи йўқ.

яҳши - хороший  
(yaxshi)  
семиз - полный  
(semiz)  
оқ - белый  
(oq)

гўзал - красивый  
(go'zal)  
баланд-высокий  
(baland)

Бу даражада қуйидаги  
усуллар билан ифо-  
даланади:

1. Фонетик усул билан:
  - а) сифатнинг биринчи  
унлисигача олиб, ке-  
тидан п, м кўшиш ва  
сифат олдидан қўл-  
лаш орқали ҳ.б.  
*қип-қизил (красный)*  
(qip - qizil)  
*кап-катта (пребольшой)*  
(kap-katta)  
*ям-яшил (зеленый)*  
(yam-yashil)  
*дум-думалоқ (прекруглый)*  
(dum-dumaloq)

б) биринчи ёки иккинчи  
бўғин унлини чўзиб айтиш.

*Бундай усул рус тилида йўқ:*

баланд - баланд  
(baland)  
нордон - нордон  
(nordon)  
чиройли - чиройли  
(chiroyli)

2. Лексик усул, яъни мах-  
сус сўзлар билан ифодала-  
ниши:

Бу даражада ўзбек тилида  
куйидагича ифодалана-  
ди:

1. Лексик усулда: дара-  
нинг кучсизлиги мах-  
сус сўзлар ёрдамида  
хосил бўлади:

*Сал дуруст бола.*  
(Sal durust bola).  
*Бир оз яҳши қиз.*  
(Bir oz yaxshi qiz).  
*Хиёл очиқ эшик.*  
(Xiyol ochiq eshik).

2. -роқ қўшимчаси  
ёрдамида:

*баландроқ иморат*  
(balandroq imorat)  
*ширинроқ қовун*  
(shirinroq qovun)

узоқроқ жой  
(uzoqroq joy)

**Жуда яхши китоб.**  
(Juda yaxshi kitob)

**Ниҳоятда семиз бола.**  
(Nihoyatda semiz bola)

**Беҳад гўзал қиз.**  
(Behad go‘zal qiz)

**3. Аналитик йўл билан,**  
яъни, биринчи компоненти-  
ни чиқиш келишиги форма-  
сида кўллаш орқали ҳосил  
бўлади:

**Узуидан-узун йўл.**  
(Длинная дорога)

**Кўполдан-кўпол одам.**  
(Очень грубый человек)

**Шириндан-ширин невара.**  
(Любимый внук)

**Бундай усул рус тилида йўқ.**

**Топшириқ:** Нуқталар ўрнига қўйида берилган сифатлардан мосини қўйиб кўчиринг.

## **ИНДИРА ГАНДИ**

Ҳиндистоннинг бирлиги йўлида жон фидо қилган Индира Ганди 1917 йил 19'ноябрь куни Аллоҳободда ... давлат арбоби Жавоҳарлатьл Неру хонадонида дунёга келди.

Индира бениҳоя ... ва ... чақалоқ эди. ... ҳинд шоираси Саражина Найду бу ... айёмда Неруга қутлов юборди: «Сизнинг қизингиз Ҳиндистоннинг ... руҳи, қалби бўлажак».

Мотидаъл Неру - Индиранинг бобоси ... ва ... шахс эди. Унинг ... ҳовли-жойида Индиранинг болалиги кечди. ... одамлар Неру осто-насига паноҳ излаб келардилар, таскин топардилар. Бор бисотини гарибу бенаволардан аямайдиган Неру хонадонидагилар оддийгина умр кечиришарди: ... ва ... либослар, обу ёвғон билан қаноат - уларга одат эди.

Бир куни бу ерга ... кийимли ... киши келиб қолди. Бу чол буюк мутафаккир, ... Моҳандас Ганди эди. Халқ уни «Махатма» («Буюк

Рұх») деб атарди. Махатма инсон умридаги әнг ... Қонун - Одамлар мұхаббат ва камолотта интилиш деб биларди. Ана шу ... учрашувдан сүңг Неру хонадони ахли буюк «Махатма» таълимотига бир умр содиқ бўлиб қолди.

Рұхи, қалби ўз халқидай ... ва ... Индира Гандининг кўксига отилган ўқлар ... Ҳиндистон бағрини мангударалаб кетди.

Она Ҳиндистон ўз жигарбандини алқаб, куйларида, қўшиклиарида, ... кўзларида унинг сувратини соғиниб, эъзозлаб юражак.

**Нуқталарап ўрнига қўйиш учун сўзлар:** улуғ, қари, ватанпарвар, мағрур, гаройиб, жафокаш, матонатли, маҳзун, бадавлат, ҳашаматли, миллатпарвар, nochor, йиртиқ, содда, халқона.

## INDIRA GANDI

Hindistonning birligi yo‘lida jon fido qilgan Indira Gandhi 1917 yil 19 noyabr kuni Allohabodda ... davlat arbobi Javoharla’l Neru xonadonida dunyoga keldi.

Indira benihoya ... ва ... chaqaloq edi. ... hind shoirasi Sarajina Naydu bu ... ayyomda Neruga qutlov yubordi: «Sizning qizingiz Hindistonning ... ruhi, qalbi bo‘lajak».

Motida’l Neru - Indiraning bobosi ... ва ... shaxs edi. Uning ... hovli-joyida Indiraning bolaligi kechdi. ... odamlar Neru ostonasiga panoh izlab kelardilar, taskin topardilar. Bor bisotini g‘aribu benavolardan ayamaydigan Neru xonadonidagilar oddiyigina umr kechirishardi: ... ва ... liboslar, obu yovg‘on bilan qanoat - ularga odat edi.

Bir kuni bu erga ... kiyimli ... kishi kelib qoldi. Bu chol buyuk mutafakkir, ... Moxandas Gandhi edi. Xalq uni «Maxatma» («Buyuk Ruh») deb atardi. Maxatma inson umridagi eng ... Qonun - Odamlar muhabbat va kamolotga intilish deb bilardi. Ana shu ... uchrashuvdan so‘ng Neru xonadoni ahli buyuk «Maxatma» ta’limotiga bir umr sodiq bo‘lib qoldi.

Ruhi, qalbi o‘z xalqiday ... ва ... Indira Gandining ko‘ksiga otilgan o‘qlar ... Hindiston bag‘rini mangudaralab ketdi.

Ona Hindiston o‘z jigarbandini alqab, kuylarida, qo‘shiqlarida, ... ko‘zlarida uning suvratini sog‘inib, e’zozlab yurajak.

Nuqtalar o‘rniga qo‘yish uchun so‘zlar: ulug‘, qari, vatanparvar, mag‘rur, g‘aroyib; jaфokash, matonatli, mahzun, badavlat, hashamatli, millatparvar, nochor, yirtiq, sodda, xalqona.

Ўзбек тилида жуфт сиғатлар ҳам мавжуд. Улар асосан, антонимлардан ҳосил бўлади:

*Ораларидан яхши-ёмон гап ўтди. (Oralaridan yaxshi-yomon gap o'tdi).*

*Йигилишга катта-кичик болалар келди. (Yig'ilishga katta-kichik bolalar keldi).*

Сифатларнинг такрорий формаси эса миқдорий кўпликни билдиради:

*Бугун кинога ёш-ёш йигит-қизлар келибди.*

*(Bu kinoga yosh-yosh yigit-qizlar kelibdi).*

*Тўйда чиройли-чиройли қизлар бор эди.*

*(To'yda chiroyli-chiroyli qizlar bor edi).*

Сифатлар синтактик йўл билан ҳам ҳосил бўлади:

оч сариқ	(och sariq)	(прил.+прил.)	- светложёлтый
оқ кўнгил	(oq ko'ngil)	(прил.+ <u>(сущ.)</u> )	- чистосердечный
қўй кўз	(qo'y ko'z)	(сущ.+сущ.)	- кареглазый
шерюрак	(sheryurak)	(сущ.+сущ.)	- храбрый
мехнатсевар	(mehnatsevar)	(от+феъл)	- трудолюбивый

**Топшириқ:** 1. Ўзбекистон мадҳиясини ёд айтинг ва ундаги сифатларга изоҳ беринг.

2. Ўйлаб кўринг. Матнни ўзбек тилига таржима қилинг.

### Задача

*Вид казни в древнеримском суде зависел от последнего слова (вернее, от последней фразы) преступника. Если эта фраза оказывалась правдивой, преступника сбрасывали со скалы в море. Если фраза была лживой, отдавали на растерзание голодным львам.*

*Однако шанс у преступника все же был. Мизерный, но шанс. Если бы вдруг он произносил фразу, после которой его нельзя было ни сбросить в море, ни отдать львам, он получал свободу. Именно такую фразу и произносил один из преступников. Что он сказал?*

## СОН

### (Имя числительное)

Сон ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам предметнинг санофини миқдорини (количество) ҳамда уларнинг тартибини (порядок) билдирувчи сўз туркумидир.

Сон қанча?, неча? (сколько?), нечанчи? (какой?, который по счёту?) сўроқларига жавоб бўлади.

Сон туркумининг асосини ташкил этувчи сонлар:

9 та бирлик сон: 9 та ўнлик сон: катта миқдор сонлар:  
(единицы) (десятки) (сотни, тысячи и т.д.)

1 - бир	(bir)	10 - ўн	(o'n)	1.000.000.000--
2 - икки	(ikki)	20 - йигирма	(yigirma)	миллиард (milliard)
3 - уч	(uch)	30 - ўттиз	(o'ttiz)	1.000.000-миллион (million)
4 - тўрт	(to'rt)	40 - қирқ	(qirq)	
5 - беш	(besh)	50 - эллик	(ellik)	1.000 - минг (ming)
6 - олти	(olti)	60 - олтмиш	(oltmish)	100 - юз (yuz)
7 - етти	(etti)	70 - етмиш	(etmish)	
8 - саккиз	(sakkiz)	80 - саксон	(sakson)	
9 - тўққиз	(to'qqiz)	90 - тўқсон	(to'qson)	

Сонлар ҳарф билан (бир, икки, уч, олтинчи, ўнинчи...), араб рақами (1,2,3,4... 10, 16, 50, 88, ...22-, 119...), рим рақами билан (I, X, VI, XIX, XXII...) ёзилади.

**Топшириқ:** Ўзбек тилига таржима қилинг.  
Ўйлаб кўринг

Позавчера Марии Ивановне было лишь 52 года, а уже в следующем году исполнится 55. Какое сегодня число?

**Сон маъно жиҳатдан иккига бўлинади:**

1) миқдор сон ёки саноқ сон (количество-числительные):  
1, 2, 6, 7, 10, 15...

**У мендан бир курс юқори ўқийди** (U mendan bir kurs uzoqgi o'qiyidi). - Он учится одним курсом выше.

*Maqolani ikki nusxa kўchirdim.*  
(*Maqolani ikki nusxa ko'chirdim*).

- Статью переписала в двух  
экземплярах.

2) **тартиб сон** (порядковые числительные): биринчи (первый), иккинчи (второй), ўнинчи (десятый), йигирманчи (двадцатый)...

*Улар биринчи курс талабалари.* - Они - студенты первого курса (*Ular birinchi kurs talabalari*).

*Maqolанинг иккинчи нусхаси қўлимда.* (*Maqolaning ikkinchi nusxasi qo'limda*) - Второй экземпляр статьи у меня.

Ўзбек тилида тартиб сон саноқ сонларга -ничи (-инчи) аффиксими, рус тилида эса асосан -ий, -ый аффиксларини қўшиш билан ясалади:

**учинчи (uchinchi)** - третий  
**олтинчи (oltinchi)** - шестой

**тўртинчи (to'rtinchi)** - четвёртый  
**юзинчи (yuzinchi)** - сотый

Рус тилида один, два саноқ сонларидан тартиб сон ҳосил қи-  
линганда эса бошқа ўзак олинади: один - первый, два - второй...

Ўзбек тилида миқдор сон қуйидаги кўринишларга эга:

Саноқ сонга -та аффиксими қўшиш билан дона сон (штур-  
ное числительное) ҳосил бўлади ва у предметнинг нечталиги-  
донасини англатади:

**иккита дафтар** - две тетради  
(**ikkita daftar**)

**бешта бола** - пятеро детей  
(**beshta bola**)

Рус тилида дона сон штука сўзи билан ҳам берилади:

**битта (дона)** - одна штука  
(**bitta (dona)**)

**бешта (беш дона)** - пять штук  
(**beshta (besh dona)**)

Бир сўзига -та аффикси қўшилганда р товуши т га ўтади:

**бир+та** - **битта** (один, одна штука)

**-та** аффиксли саноқ сонларда кўғлиқ формаси йўқ.

Баъзан предметларни яккалаб ҳисоблаш учун -та аффикси ўрнига қуидаги ҳисоб сўзлари (нўмератив) ишлатилади:

<i>Икки дона дафта</i> (Ikki dona daftar)	- <i>две тетради</i>
<i>50 нусха «Ўзбек тили» китоби</i> (50 nusxa «O'zbek tili» kitobi)	- <i>50 экз. книги «Узбек тили»</i>
<i>12 бош қорамол</i> (12 bosh qoramol)	- <i>12 голов крупного рогатого скота</i>
<i>2 туп олма</i> (2 tуп olma)	- <i>два куста яблони</i>
<i>беш дона гишт</i> (besh dona g'isht)	- <i>пять штук кирпичей</i>
<i>уч жуфт пайпок</i> (uch juft pauroq)	- <i>три пары чулок</i>

**Топшириқ:** Рус тилига таржима қилинг, сонларни дафта-рингизга араб рақамида ёзинг.

1. Чумчуксимон қушлардан фотмачумчуқ ўн саккиз соатда уч юз етмиш-уч юз саксон марта, чуғурчуқ ўн етти соат мобайнида бир юз тўқсон саккиз марта, қалдирғоч икки юз тўқсон беш марта, қизилиштон йигирма тўрт соат ичида тўрт юз олтмиш тўқиз марта ўз уясига овқат ташиганлиги аниqlangan.

2. Агар ўн минг дона чивин мудофаасиз одамга ҳужум қилса, бир соатга қолмай ундаги барча қонни сўриб тугатади.

3. Бир дона пашша зигирдай панжасида беш миллион микробни ташиб юради.

\*\*\*

1. Chumchuqsimon qushlardan fotmachumchuq o'n sakkiz soatda uch yuz etmish-uch yuz sakson marta, chug'urchuq o'n etti soat mobaynida bir yuz to'qson sakkiz marta, qaldirg'och ikki yuz to'qson besh marta, qizilishton yigirma to'rt soat ichida to'rt yuz oltmishto'qqiz marta o'z uyasiga ovqat tashiganligi aniqlangan.

2. Agar o'n ming dona chivin mudofaasiz odamga hujum qilsa, bir soatga qolmay undagi barcha qonni so'rib tugatadi.

3. Bir dona pashsha zig'irday panjasida besh million mikrobnii tashib yuradi.

**Жамловчи сон** (собирательное числительное) шахс ёки нарсá-предметларнинг тўдаланган (совокупность) миқдорини билдиради.

Ўзбек тилида 2-7 гача бўлган саноқ сонларга -ов аффикси қўшилиб, жамлик маъносини билдиради:

*Иккови ҳам дарс тайёрламабди*  
(*Ikkovi ham dars tayyorlamabdi*). - *Обе не готовили уроки.*

*Бешови кинога кетди*  
(*Beshovi kinoga ketdi*). - *Пятеро ушли в кино.*

*Тўрттовори узоқ сухбатлашишиди.*  
(*To'rttovi uzoq suhbatalashishdi*). - *Четвером долго беседовали.*

Баъзан эса -овлон шакли ҳам ишлатилади:

Бешовлон бирдан хохолаб кулиб юборди. - Пятеро внезапно захохотались.  
(*Beshovlon birdan xoxolab kulib yubordi*).

2 дан 4 гача бўлган саноқ сонларга -ала аффикси қўшилади. Шундай ҳолларда баъзан фонетик ўзгариш бўлади, яъни икки сўзидағи охирги *и* товуши тушиб қолади: *икки* - *иккаламиз* келдик.

Рус тилида саноқ сонларга -ое, -еро қўшилади:

<i>икков, иккала</i> ( <i>ikkov, ikkala</i> )	- двое
<i>учов, учала</i> ( <i>uchov, uchala</i> )	- трое
<i>олтов</i> ( <i>oltov</i> )	- шестеро
<i>еттов</i> ( <i>ettov</i> )	- семёро

Ўзбек тилида жамловчи сонлар эгалик аффиксини олиб гапда от вазифасида келади. Уларни рус тилига таржима қилганда, эгалик маъноси кишилик олмоши билан ифода этилади:

*Учовимизнинг мақсадимиз бир.*  
(*Uchovimizning maqsadimiz bir*). - *У нас троих цель единна,*

*Икковимиз кутубхонага бордик.*  
(*Ikkovimiz kutubxonaga bordik*) - *Мы вдвое ходили в библиотеку.*

*учовимиз сухбатлашдик*  
(*uchovimiz suhbatalashdik*) - *мы втроём...*

**Топшириқ:** Матнданги сонларга изоҳ беринг.

\*\*\*

**Саид синглисига вақтни соат бүйича аниқлашни ўргатарди:**

- Хүп; ҳозир соат неча бүлди? - сүради у синглисидан.
- Саккиздан ўттиз дақиқа ўтди.
- Түгри. Бу яна бошқачароқ қандай айтиласди?
- Ўттиз дақиқа кам түккиз, - жавоб берди синглиси.

\*\*\*

**Saida singlisiga vaqtini soat bo'yicha aniqlashni o'rgatardi:**

- Xo'p, hozir soat necha bo'ldi? - so'radi u singlisidan.
- Sakkizdan o'ttiz daqiqa o'tdi.
- To'g'ri. Bu yana boshqacharoq qanday aytiladi?
- O'ttiz daqiqa kam to'qqiz, - javob berdi singlisi.

**Чама сон** (приблизительные числительные) предметларнинг таҳминий миқдорини билдиради. Унинг ясалиши қўйидагича:

- дона сонга -ча аффикси қўшилади:

**Ўнтача қиз бола (O'ntacha bola)** - Около десяти девушек

**Йигирматача ўғил бола (Yigirmatacha o'g'il bola)** - Около двадцати мальчиков

- микдор сонга -лаб аффикси қўшилганда:

**Ўнлаб одамлар йигилди (O'nlab odamlar yig'ilди).**

- Десятки людей собрались.

- микдор сонга -ларча аффикси қўшилса, кўпллик формасини беради (факат юз, минг, миллион, миллиард сонларидан ясалади):

**Юзларча талаба келди (Yuzlarcha talaba keldi).**

- Сотни студентов пришли.

**Мингларча ишчилар ишлади (Minglarcha ishchilar ishladi).**

- Работали тысячи рабочих.

- сонларни жуфтлаш йўли билан хам чама сон хосил килинади (рус тилида хам бундай ифода бор):

беш-олти (besh-olti)

үн-үн беш (o'n-o'n besh)

юз-юз йигирма (yuz-yuz yigirma)

- пять-шесть

- десять-пятнадцать

- сто-сто двадцать

Рус тилида чама маъноси маҳсус около сўзи ёрдамида, аф-  
фикслар (килограммов пять каби) ва баъзан сон категориясининг  
кўплик шакли ёрдамида (сотни студентов каби) ифодаланади.

*Демак, рус тилида чама сон ясовчи маҳсус морфема йўқ.*

**Топшириқ:** Матнни рус тилига таржима қилинг ва ўзингиз  
билган бирон ширинликнинг тайёрланишини ёзинг.

### АНА ТОРТУ, МАНА ТОРТ

Порт шаҳрилик ошпазлар пиширган антиқа тортнинг узун-  
лиги нақ 2 километру 390 метр. Уни тайёрлаш учун салкам 2,5  
тонна ун, салкам 1,5 тонна сарёғ, 900 килограмм шакар, 2 ярим  
тонна олхўри мураббоси ҳамда бор-йўғи 14 мингта тухум ишла-  
тилган холос.

Баҳодир тортни пиширишда 200 киши тेर тўккан. Тортни 24  
минг бўлакка бўлиб паққос туширишиди.

Бу торт дунёдаги энг катта торт сифатида Гиннеснинг ре-  
кордлар китобидан жой олди.

### ANA TORTU, MANA TORT

Porm shahrilik oshpazlar pishirgan antiqa tortning uzunligi naq 2  
kilometr 390 metr. Uni tayyorlash uchun salkam 2,5 tonna un, salkam  
1,5 tonna saryog‘, 900 kilogramm shakar, ikki yarim tonna olxo‘ti  
murabbosi hamda bor-yo‘g‘i 14 mingta tuxum ishlatalgan, xolos.

Bahodir tortni pishirishda 200 kishi ter to‘kkañ. Tortni yigirma to‘rt  
ming bo‘lakka bo‘lib paqqos tushirishdi.

Bu tort dunyodagi eng katta tort sifatida Ginnesning rekordlar  
kitobidan joy oldi.

Тақсим сон (разделительные числительные) предметларнинг  
тақсим этилганлигини билдиради.

Дона сонга -дан аффикси қўшиш билан ҳосил бўлади.

Рус тилида эса саноқ сон олдидан по предлогини кўлтириш  
билан ясалади:

*Иккитадан ўтирибмиз (ikkitadan o‘tiribmiz) - сидим по двое  
Бештадан бўлиб кетдик (Beshtadan bo‘lib ketdik) - уходили по пять*

Каср сон (дробные числительные) бутуннинг қисмини ифодалади. (Обозначает часть целого).

Каср сонларда аввал маҳраж (зnamенатель) чиқиш келишигидан, кейин сурати (числитель) бош келишикда ўқилади:

(1/3) учдан бир	(uchdan bir)	- одна треть
(7/10) ўндан етти	(o'ndan etti)	- семь десятых

Ховлининг тўртдан бирини (1/4) айвон эгаллаган.  
(Hovlining to'rtdan birini ayvon egallagan).

Яrim (половина), чорак (одна четверть), нимчорак (одна восьмая) сўzlари ҳам каср сон ҳисобланади:

икки яrim	(ikki yarim)	- два с половиной
икки-ю чорак	(ikki-yu chorak)	- два с четвертью
нимчорак	қадоқ чой (nimchorak qadoq choy)	- восьмушка чая

Яrim сўзи миқдор билдирганда баъзан -та аффикси қўшилади:

*Бобом яримта тишини кўрсатиб кулди.* (О.)  
(Bobom yarimta tishini ko'rsatib kuldil).

Яrim сўзи ёрти ва битта сўzlари билан жуфт (парные) сўз ҳосил қиласди:

*Сарвар шўрвани яrim-ёрти ичди.* - (Sarvar sho'rvani yarim-yorti ichdi.)

Яrim-ёрти ишлар бизга ярамайди. - (Yarim-yorti ishlar bizga yaramaydi).

Онда-сонда битта-яримта дўкон очиқ эди.  
(Onda-sonda bitta-yarimta do'kon ochiq edi).

Бир ва яrim сўzlари жуфт келмаса, аниқ миқдорни билдиради:

*Трактор бир яrim кун ишилади.* (A.K.)  
(Traktor bir yarim kun ishladi).

*Плани бир юз ўн икки яrim foiz bajardii.*  
(Planni bir yuz o'n ikki yarim foiz bajardi).

**Ярим** сўзи баъзан кўшма сўз таркибида ҳам келади:

**Ярим шар** - полушиарие  
(Yarim shar)

**ярим доира** - полукруг  
(yarim doira)

**Ярим орол** - полуостров  
(Yarim orol)

**ярим ой** - полумесяц  
(yarim oy)

Каср сонларни билдирувчи **чорак, нимчорак** каби форс тилидан ўзлашган сўзлар ҳам бор. **Ним** сўзи **ярим** маъносини билдиради:

**ним қоронги, ярим қоронги**  
(nim qorong'i, yarim qorong'i)

- полутемный

**ним пушти лента**  
(nim pushti lenta)

- бледно-розовая лента

**нимранг чой**  
(nimrang choy)

- слабый (букв. бледный) чай

Каср сонлар **кам, кўп, салкам** каби сўзлар билан ҳам ишлатилади:

1. Республика пахтанинг учдан икки қисмидан кўпрогини беради. (газетадан). 2. Ҳар куни гоҳ битта, гоҳ чорак кам битта булка оламиз. 3. Салкам бир қоп ун қолди. 4. Чорак кам тўйқиз бўлди.

1. Respublika paxtaning uchdan ikki qismidan ko'prog'ini beradi (gazetadan). 2. Har kuni goh bitta, goh chorak kam bitta bulka olamiz. 3. Salkam bir qop un qoldi. 4. Chorak kam to'qqiz bo'ldi.

Миқдорни бутунлигича ифодаловчи сонлар **бутун сон** дейилади: **бир, икки, уч, тўрт...**

Бутун сон каср сон билан келса, касрли сон ҳисобланади. Бунда каср сондан олдин **бутун** сўзи ишлатилади:

**уч бутун ўндан икки** (uch butun o'ndan ikki)

- три целых две десятых

**ёки уч-у ўндан икки** (3.2) (uch-u o'ndan ikki)

**беш бутун учдан бир**  
(besh butun uchdan bir)

- пять целых одна третья

Рус тилида бундай сонлар «неправильная дробь» дейилади:

две целых три сотых (2,03)

- икки бутун юздан уч  
(ikki butun yuzdan uch)

**Топшириқ:** Матнни ўзбек тилида сўзлаб беринг.

## ОДНА СУДЬБА НА ДВОИХ

Десятый век стал поистине золотым для науки, культуры и искусства Средней Азии. Именно на него пришлись годы жизни таких великих ученых, как Абу Али ибн Сина и Абу Райхан Беруни. Среди гениев этой эпохи также выделялся Абу Абдуллах Джаффар Рудаки, талантливый поэт.

Рудаки пользовался особым расположением эмира Бухары Наср ибн Ахмеда. Но эта дружба не спасала поэта от завистников и гонителей. Особенно ненавидел его сын эмира, Нух ибн Наср. Время показало, каким опасным врагом он был.

Нух ибн Наср пришел к власти, свергнув и заточив в зиндан собственного отца. Новый эмир ждал случая расправиться с поэтом, сохранив при этом видимость справедливости. И вскоре такой случай представился: Рудаки полюбил дворцовую рабыню. За это «преступление» Нух ибн Наср повелел ослепить поэта.

Слуга Рудаки, Мадж, привел его в родное селение Панджруд (оно находится в 50 км от города Пенджикента). Там он прожил всю оставшуюся жизнь. И всегда, во всех его несчастьях для Рудаки было утешением воспоминание о поэтессе Рабие. Он никогда не признавался в любви к ней. Но в то же время он не мог забыть встречу с ней в городе Балхе, беседы с этой очаровательной и талантливой женщиной. Судьба Рабии была как две капли воды похожа на его собственную. Преследуемая на протяжении всей своей жизни за ум и талант, за гордость духа и неукротимый характер, она нашла еще более жестокую смерть. За любовь к рабу поэтессу сожгли на костре.

Узнав о чудовищной расправе над этой великой женщиной. Рудаки плакал не один день. Ведь в глубине души он продолжал любить её.

...Мне довелось побывать в тех местах, где жил Рудаки. С волнением шел я к беломраморному мавзолею поэта, поставленному в Панджруде, где Рудаки умер в 941 году в возрасте 83 лет. Мавзолей утопает в цветах. Рядом в саду растут яблони особого сорта, названного «Рудаки». На воротах сада начертаны бессмертные строки поэта, которым уже больше 1000 лет: «К добру и

миру тянется мудрец, к войне и распрыям тянется глупец». Эти стихи бесмертны, как сама память о Рудаки и Рабие.

Павел СИЛИН,  
из газеты «Зеркало XXI»

## ҲИСОБ СҮЗЛАРИ

(Нумеративлар)

Предметнинг сонига кўра белгисини ифодаловчи саноқ сонлар баъзан предметларнинг ҳисобини кўрсатувчи сўзлар - ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга кўлланади. Ҳисоб сўзлари ўлчовни билдириб, қандай йўл билан саналиш хусусиятига қараб кўлланади.

Ҳисоб сўзлари кўпинча от туркумидаги сўзлардан бўлади:  
*дона, туп, нусха, боғлам, сиқим, тутам.*

Қадимдан предметларни ўлчаш учун турли ҳисоблар ёки бошқа ўлчов воситалари кўплаб ишлатилган. Уларнинг айримлари ҳозирги вақтда ҳам ўлчов воситаси сифатида кўлланади.

**М а с а л а н:**

**Қалок** (Фунт) - Ярим қадоқча *pashmak ҳолва солиб дастурхон қилиб қўйган эдик.* (A.K.) - (Yarim qadoqcha pashmak holva solib dasturxon qilib qo‘ygan edik). Ярим қадоқ гўшишт. - (Yarim qadoq go‘sht).

**Жон** (Душа) - Уста Мўминнинг оиласи беш жон одам, бизда тўрт жон одам бор эди. - (Usta Mo‘minning oilasi besh jon odam, bizda to‘rt jon odam bor edi).

**Таноб** (Танап, равная 1/6 - 1/2 га)- Ерингиз икки юз ўигирма танобдир? - деди Курбон ота ҳайрон бўлиб. - (Yeringiz ikki yuz yigirma tanobdir? - dedi Qurbon ota hayron bo‘lib).

**Газ** (аршин) - (ўлчов бирлиги метр) Мен-ку ўйлда беш газ чит кўрмайман. - (Men-ku yilda besh gaz chit ko‘rmauman).

**Саржин** (сажен)- Ўрмонжон икки юз ўигирма беш саржин ўтинг сотган. (O‘tmonjon ikki yuz yigirma besh sarjin o‘tin sotgan).

**Пайса** (осьмушка)- Кулала бутун қишилоқни қидириб дорилликка беши пайса гўшиш топиб келди. -(Kulala butun qishloqni qidirib dorilikka besh paysa go‘sht topib keldi).

**Тахта** (тахлам, дона, -та - лист, штука)- *Ўрмонажон бир тахта қоғозни олиб, Курбон отанинг олдига ёйди.* - (O'rmjon bir taxta dog'ozni olib, Qurbon otaning oldiga yoydi).

**Энлик** -(Коротенькая запись). *Кўк конвертга солинган икки энликкина хат.* (A.K.) - (Ko'k konvertga solingan ikki enlikkina xat).

**Сўлкавой** (целковый)- *Бир сўлкавой пул бойларга, ярим сўлкавой камбагалларга!* - *дейди домлам.* (Ойбек) - (Bir so'lkavoy pul boylarg'a, yarim so'lkavoy kambag'allarga! - deydi domlam).

**Тош** (мера длины, равная 8 верстам) - *У колхозга қатнамоқ учун ҳар куни икки тош йўл юрди.* - (U kolxozga qatnamoq uchun har kuni ikki tosh yo'l yurdi).

**Пуд** (пуд) - *Тангриқул ҳар гектар еридан қирқ - қирқ беш пудга етказиб пахта олар экан.* - (Tangriqul har gektar yeridan qirq-qirq besh pudga yetkazib paxta olar ekan).

**Маҳал** (ра-(вақт) - *Кампир беш вақт намозидан кейин нуқул ийғлар экан. Беморга уч маҳал дори бериб турдим.* - (Kampir besh vaqt namozidan keyin nuqul yig'lar ekan. Bemorga uch mahal dori berib turdim).

**Юмалоқ** (сверток)- *Кампирга қадоги (огирлиги) фалон пуллик бир юмалоқ памил чой келтириб берган экан.* (A.K.) - (Kampirga qadog'i (og'irligi) falon pullik bir yumaloq pamil choy keltirib bergan ekan).

### **Предметларни яккалаб хисоблаш учун ишлатиладиган сўзлар:**

**Дона** (штук, штука) - *Бир дона ручкам бор, холос.* - (Bir dona ruchkam bor, xolos).

**Нусха** (экземпляр)- *Тагорнинг китоби 59 марта 160.000 нусха нашр этилди.*(Tagorning kitobi 59 marta 160.000 nusxa nashr etildi).

**Бош** (голова) - *Колхоз чорвасига бир юз ўн тўққиз боши қорамол қўшилди.*(A.K.) - (Kolxoz chorvasiga bir yuz o'n to'qqiz bosh qoramol qo'shildi). Икки боши оқ чиллакини (узумнинг нави) эндигина чумчук талай бошлигаган экан. (С.Аҳмад) - (Ikki bosh oq chillakini (uzumning navi) endigina chumchuq talay boshlagan ekan).

**Туп** (куст) - *Томорқага икки туп олча, бир туп шафтоли, бир-икки туп қизил гул экилган.* - (Tomorqaga ikki tup olcha, bir tup shaftoli, bir-ikki tup qizil gul ekilgan).

**Нафар** (душа, душ) - Икки нафар аскар ўши ёққа ўтиб кетди.

- (Ikki nafar askar o'sha yoqqa o'tib ketdi).

**Бутуннинг, гурӯҳнинг ёки тўданинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатиладиган сўзлар:**

**Бурда** (кусок) - Бир бурда нон ушатиб олдим. - (Bir burda non ushatib oldim).

**Парча** (отрезок, клочок) - Бир парча еринг бўлгани яхши экан. - (Bir parcha ering bo'lgani yaxshi ekan).

**Варақ** (саҳифа - лист, страница) - Кўлимдаги китобнинг бир неча саҳифаси (вараги) йиришиб олинган эди. - (Qo'llimdagি kitobning bir necha sahifasi (varag'i) yirtib olingan edi).

**Оғиз** - Бир-икки оғиз гапим бор эди. - (Bir-ikki og'iz gapim bor edi).

**Луқма** (кусок)- Оғзидағи бир луқма ошни ҳам юта олмади. - (Og'zidagi bir luqma oshni ham yuta olmadi).

**Сиқим** (горсть) - Кўшинидан сиқим туз олди. - (Qo'shnidan siqim tuz oldi). (бир сиқим тупроқ - бир қисм тупроқ)

**Тилим** (кусок) - У бир тилим хандалак олди. - (U bir tilim handalak oldi).

**Карж** (ломтик, кусочек) - Шерзод бир карж қовунни қўлига олди. - (Sherzod bir karj qovunni qo'liga oldi).

**Чимдим** (щепотка, чуточку) - Чойнакка бир чимдим чой солинган эди. - (Choynakka bir chimdim choy solingan edi).

**Қултум** (хўплам - глоток) - Бир қултум чойга (сув) зор бўлди-лар. - (Bir qultum choyga (suv) zor bo'lildilar).

**Томчи, қатра** (капля) - Уч кун, тўрт кун саҳрода юрасиз, бир қатра сув йўқ. Фарҳоднинг киприклари орасидан икки томчи ёши сизиб чиқа бошлиди. - (Uch kun, to'rt kun sahroda yurasiz, bir qatra suv yo'q. Farhodning kipriklari orasidan ikki tomchi yosh sizib chiqa boshladidi).

**Чақмоқ** (головка) - У ликопчадан бир чақмоқ қанд олди. - (U likopchadan bir chaqmoq qand oldi).

**Нимта** (часть тушки) - Абдулазиз бир nimta гўштни онасига узатди. - (Abdulaziz bir nimta go'shtni onasiga uzatdi).

**Түғрам** (кусочек) - *Отам иккى түғрам гўштни оташкуракда чўққа тутиб кабоб қилди.*

(Otam ikki to‘g‘ram go‘shtni otashkurakda cho‘qqa tutib kabob qildi).

**Пой** - *Заргар бир пой зирак ясамайди. Бувимнинг бир пой кавуши ши шўқолибди.*

(Zargar bir poy zirak yasamaydi. Buvimning bir poy kavushi yo‘qolibdi).

**Бўлак** (кусок) - *Абдулла бир бўлак пишган гўштни нон устига қўйди-да чиқиб кетди.*

(Abdulla bir bo‘lak pishgan go‘shtni non ustiga qo‘ydi-da chiqib ketdi).

**Шингил** (кисть, немножка) - *Бир шингил узум яхшими, бир шингил ҳазил. (Bir shingil uzum yaxshimi, bir shingil hazil).*

### **Тұдалаб, ғурұхлаб құрсатуучи ҳисоб сұздар:**

**Гала** (куча) - *Олисда бир гала ўрдак учиб борарди.*

(Olisda bir gala o‘rdak uchib borardi).

**Тұп** (несколько, стая) - *Бир тұп қарға пайдо бўлди. Ўйга бир тұп аел иигилибди.*

( Bir to‘p qarg‘a paydo bo‘ldi. Uyga bir to‘p ayol yig‘ilibdi).

**Гурұх** (группа) - *Душманнинг катта бир гурұхи чегарадан ўтибди.*

(Dushmanning katta bir guruhi chegaradan o‘tibdi).

**Тұда** (толпа, табун, стадо) - *Бир тұда отлиқ күринди.*

(Bir to‘da otliq ko‘rindi).

**Даста** (связка, пачка) - *Бир даста гул, бир даста пул, бир даста коса...*

(Bir dasta gul, bir dasta pul, bir dasta kosa...)

**Бог, боғлам** (пучок) - *Хөвлининг ўртасида бир bog экўхорипоя, бир bog пиёз, бир боғлам супурги туради.*

(Hovlining o‘rtasida bir bog‘ jo‘xoripoya, bir bog‘ piyozi, bir bog‘lam supurgi turardi).

**Қучоқ** (кучка) - *Аваz бир қучоқ тут баргини кўтариб кирди.*

Онаси берган бир қучоқ кўрна кунига яради.

(Avaz bir quchoq tut bargini ko‘tarib kirdi. Onasi bergan bir quchoq ko‘tra kuniga yaradi).

**Шода** (низка, связка, колье) - *У онасидан олган бир шода марваридни қўйилган эди.*

(U onasidan olgan bir shoda marvaridni qo‘liga oldi. Ayvonning ustuniga bir shoda qalampir osib qo‘yilgan edi).

**Нафар** - *Ўн беш нафар ийгит-қиз залга кириб келди.*

(O‘n besh nafar yigit-qiz zalga kirib keldi).

**Ховуч** (пригоршня) - *Нилуфар бир ховуч гилос, бир ховуч тутни бувисига илинди.*

(Nilufar bir hovuch gilos, bir hovuch tutni buvisiga ilindi).

## Жүфт предметлар ҳисобини күрсатадиган сўзлар:

Жүфт (пара) - Бозордан бир жуфт калиши олдим. Дараҳтда бир жуфт мусича чугурлашарди.

(Bozordan bir just kalish oldim. Daraxtda bir just musicha chug'urlashardi).

## Оғирликни ўлчаш учун ишлатиладиган сўзлар:

Биринчи группани грамм, килограмм, литр, пуд, центнер, тонна каби фаол қўлланувчи ҳисоб сўзлари ташкил этади.

Иккинчи группани эса нутқда кам ишлатиладиган мисқол, кадок, ботмоц каби сўзлар ташкил этади.

## Ҳисоб сўзи вазифасини бажарувчи қуйидаги сўзлар тахминий миқдор ўлчовини ифодалаш учун ишлатилади:

Пиёла - Икки пиёла чой ичдим. (Ikki piyola choy ichdim).

Кошиқ - Овқатга бир қошиқ туз солдим.

(Ovqatga bir qoshiq tuz soldim).

Коса - Бир коса ундан хамир қилдим.

(Bir kosa undan xamir qildim).

Чойнак - Икки чойнак чой дамладим.

(Ikki choynak choy damladim).

Коп (халта) - Бир қоп шакар, ярим халта дон олдик.

(Bir qop shakar, yarim xalta don oldik).

Қути (чамадон) - Тўрт қути пilla боқдик. Икки чамадон нарса йигилди...

(To‘rt quti pilla boqdik. Ikki chamadon narsa yig‘ildi...)

## Булардан ташқари ўлчов бирлиги сифатида ишлатиладиган сўзлар ҳам бор:

- бир кийим мато,
- икки кийим атлас
- бир жўра шоҳи
- бир арава қовун

- икки қатор ғарам
- бир тандир нон
- икки уй хотин
- бир айвон ёшлар

- bir kiyim mato
- ikki kiyim atlas
- bir jo‘ra shohi
- bir arava qovun

- ikki qator g‘aram
- bir tandir non
- ikki uy xotin
- bir ayvon yoshlar

## Узунлик ўлчови учун ишлатиладиган сўзлар:

- икки таноб ер - ikki tanob yer
- бир қулоч арқон - bir quloch arqon
- уч қадам жой - uch qadam joy
- бир қарич ер - bir qarich yer

## Рус тили ёки бошқа тиллардан ўзлашган айрим ҳисоб сўзлари хам мавжуд:

- Гектар** - Колхознинг юз гектар бўш ери бор эди.  
(*Kolxozning yuz gektar bo'sh yeri bor edi*).
- Кубометр** - Ўтган йили 22,6 миллиард кубометр газ қазиб олдик (*газетадан*). (*O'tgan yili 22,6 milliard kubometr gaz qazib oldik*).
- Киловатт-соат** - Ҳозир бир кунда 33,5 миллион киловатт соат электр-энергияси ишлаб чиқарилмоқда (*газетадан*). (*Hozir bir kunda 33,5 million kilo-vatt-soat elektr-energiyasi ishlab chiqarilmogda*).
- Метр** - 9 метр шойи, 5 метр дuxoba олинди.  
(*9 metr shoyi, 5 metr duxoba olindi*).
- Сотих** - Ҳовлимиз 6 сотих ерни ташкил этади.  
(*Hovlimiz 6сотих yerni tashkil etadi*).
- Пачка** - Икки пачка чой, бир бутилка ёғ олдик. (*Ikki pachka choy, bir butilka yog' oldik*).
- Минут** - Вазифани бажаришга 15 минут вақт берилди. (*Vazifani bajarishga 15 minut vaqt berildi*).
- Градус** - Бугун 40 градус совуқ. (*Bugun 40 gradus sovuq*).
- Центнер** - Пахтанинг ҳосили 50 центнердан ҳам ошиб кетди. (*Paxtaning hosili 50 sentnerdan ham oshib ketdi*).
- Пар** - Бир пар этик олдик. (*Bir par etik oldik*).
- Нусха** - Икки нусха журнал олдик. (*Ikki nusxa jurnal oldik*).

**Топшириқ:** Юқорида берилған нумеративлар иштирокида 15 тағап түзинг.

## ВАҚТ ХИСОБИ

Вақтни билдириш учун ўзбек тилида саноқ сонлар билан соат сўзи ишлатилади.

Агар соат сўзи сондан олдин келса, қисқа, лекин аниқ вақтни ифодалайди: **Соат икки бўлди.**

Агар соат сўзи сондан кейин кўлланса, вақтнинг шунча давом этганлиги ифодаланади: **Икки соат бўлди.**

Баъзан тахминий қисқа вақтни кўрсатиш учун **сон** ва **келишик** аффикси орасида -лар кўшилади.

*Соат тўртларга йигилдик.* - (Soat to‘rtlarga yig‘ildik).



*Бу мактабда уч ойларча ўқидим.* - (Bu mакtabda uch oylarcha o‘qidim).

**Топшириқ:** Рус тилига таржима қилинг.

1. Беш соат юрдим. 2. Иш соат ўн иккигача давом этади. 3. Ҳозир соат иккidan ўн минут (дақиқа) ўтди. 4. Соат ўн беш минут (чорак) кам уч . 5. Олтидан ўн саккиз минут ўтди. 6. Ўн беш минут гапирасан.

1. Besh soat yurdim. 2. Ish soat o‘n ikkigacha davom etadi. 3. Hozir soat ikkidan o‘n minut (daqiqqa) o‘tdi. 4. Soat o‘n besh minut (chorak) kam uch . 5. Oltidan o‘n sakkiz minut o‘tdi. 6. O‘n besh minut gapirasan.

**Топшириқ:** Вақт ўлчовини билдирувчи сўзлар: кечаси, кундуз, дақиқа пешин... (давом эттиринг). (Vaqt o‘lchovini bildiruvchi so‘zlar: kecha, kunduz, daqiqqa, peshin ...



# ОЛМОШЛАР

## (Местоимение)

Ўзбек тилида олмош бошқа сўзлар (от, сифат, сон) ўрнида кўлланувчи сўз туркумидир.

Олмош қайси сўз туркуми ўрнида келса, ўша сўз туркумининг саволига жавоб бўлади.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам олмошлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қўйидагича бўлади:

### Ўзбек тилида

1. Кишилик олмошлари
2. Кўрсатиш олмошлари
3. Ўзлик олмоши
4. Сўроқ олмошлари
5. Бёлгилаш олмошлари
6. Бўлишсизлик олмоши
7. Гумон олмошлари

### Рус тилида

1. Личные местоимения
2. Указательные местоимения
3. Возвратные местоимения
4. Вопросительные местоимения
5. Определительные местоимения
6. Отрицательные местоимения
7. Неопределенные местоимения
8. Притяжательные местоимения

**Топшириқ:** Аниқланг-чи, гап нима ҳақида экан.

Маъданинг нодириман,  
Ойнани шарт кесаман.  
Ўзгарса гар бир ҳарфим,  
Сўз туркуми бўламан.

Ma'danlarning nodiriman,  
Oynani shart kesaman.  
O'zgarsa gar bir harfim,  
So'z turkumi bo'laman.  
(olmos-olmosh)

Кишилик олмошлари (*мен, сен, биз, сиз*) шахсни англатади.  
У ва улар эса III шахс ва кўрсатиш олмоши вазифаларини ҳам бажаради. Масалан:

Шоҳруҳ келди - У келди.  
Китоб бизнинг дўстимиз.  
- Уни севиб ўқинг

- Shohruh keldi - U keldi.  
- Kitob bizning do'stimiz.  
- Uni sevib o'qing.

### Шахс

I  
II  
III

### Бирлик

мен  
сен  
улар

### К ў п л и к

биз  
сиз  
улар

- соф кишилик  
- олмошлари  
- кишилик ва кўрсатиш олмошлари

Кишилик олмоши нутқ жараёнида уч хил шахсни ифодалайди:

мен - сўзловчи шахс

сен - сўзловчи мурожаат қилаётган шахс, тингловчи

у - сўзловчи ёки тингловчи эслаётган шахс ёки предмет

Иккинчидан, ўзбек тилида I шахс мен олмоши кўплик формаси (-лар)ни олмайди, қолган олмошлар -лар кўплик аффиксни олади:

I шахс мен	- я	биз (бизлар)	- мы
II шахс сен (сенлар)	- ты	сиз (сизлар)	- вы
III шахс у	- он, она, оно	улар	- они

Ўзбек тилидаги (II шахс бирлик) *сенлар* кесатиқ (когда говорят с иронией) маъносида ишлатилади:

*Сенлар ҳали кӯп пушаймон бўласан.*

(Senlar hali ko‘p pushaymon bo‘lasan).

Рус тилида эса бундай олмош ўйқ.

Рус тилида *мы, вы, они* олмошлари ҳам кўплик, ҳам бирлик учун ишлатилади.

Баъзан, ўзбек тилидаги *биз* - кўплик формаси камтарлиқ маъносида ҳам ишлатилади:

*Биз илмий ишимиизда айрим масалаларни чуқурроқ ўргандик.*  
(Biz ilmiy ishimizda aytim masalalarni chiqqitqoq o‘rgandik).

Эгалик аффикслари кишилик олмошларига қўшилмайди. III- шахсдаги у кўрсатиш олмоши бўлиб келса (*Униси 16 ёшида*), эгалик аффиксини олади.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кишилик олмошлари (падеж) келишикда турланади:

Ўзбек тилида олмошларга тўғридан-тўғри келишик аффикслари қўшиллади:

Б.к. - **Мен** келдим

**B.k. - Men** keldim

К.к. - **Менинг** китобим

**Q.k. - Mening** kitobim

Т.к. - Мени табрикладилар  
T.k. - Meni tabrikladilar

Ж.к. - Менга китоб беришди  
J.k - Menga kitob berishdi

Ўр-п.к.- Менда ажойиб китоб бор  
О‘г-р.к.- Menda ajoyib kitob bor

Ч.к. - Мендан китоб сўрашди  
Ch.k.- Menden kitob so'rashdi

Қаратқич ва тушум келишиклиари (менинг, мени)да биттадан -и ёзилади, III-шахс олмошига жўналиш (унга), ўрин (унда) ва (ундан) келишикларининг аффикси олдидан -и кўшиб ёзилади, (аслида эса уд унга айланниб кетган).

Рус тилида III шахс (ему) олмоши олдида предлог келса, и- кўшиб ёзилади;  
ему - к нему

Баъзан кишилик олмошларига сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслари кўшилганда куйидаги маъноларни билдиради:

*Мажлисга сенгина келмадинг* - (чегаралаб кўрсатиш)  
(Majlisga sengina kelmading)

*Сиздек бўлмоқчиман* - (маъно кучайтириш)  
(Sizdek bo'lmoqchiman).

Кўрсатиш олмоши шахс, предмет ёки уларнинг белгисини кўрсатиш, таъкидлаш учун ишлатилади.

бу, шу	(bu, shu)	- этот ( эта, это)
у, ўша	(u, o'sha)	- тот (та, то)
мана	(mana)	- вот
ана	(ana)	- вон
мана бу	(mana bu)	- вот этот
ана у	(ana u)	- вон тот
шундай	(shunday)	- такой (такая, такое)
шунақа	(shunaqa)	- таков (такова, таково)
ушбу	(ushbu)	- сей
шунча, шу қадар	(shuncha, shu qadar)	- столько

Рус тилида олмош ўзи тобе бўлган сўз билан род, сон, келишикда мослашади (согласуется).

Ўзбек тилида эса мослашмайди.

Этот мальчик	- бу бола	- <b>bu bola</b>
Эта женщина	- бу аёл	- <b>bu ayol</b>
Это пальто	- бу пальто	- <b>bu palto</b>
Эти ясли	- бу ясли	- <b>bu yasli</b>

Ўзбек тилида бу, у, шу, ўша каби кўрсатиш олмошлари келишикда турланганда, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиши келишикларида -и- орттирилади:

Бои келишик	- бу,	у,	шу,	ўша
Қаратқич келишиги	- бунинг,	унинг,	шунинг,	ўшанинг
Тушум келишиги	- буни,	уни,	шуни,	ўшани
Жўналиш келишиги	- бунга,	унга,	шунга,	ўшанга
Ўрин-пайт келишиги	- бунда,	унда,	шунда,	ўшанда
Чиқиши келишиги	- бундан,	ундан,	шундан,	ўшандан

Кўрсатиш олмошлари сўзловчи билан кўрсатилаётган нарса орасидаги масофанинг узоқ-яқинлигига, воқеа содир бўлган вақта қараб ишлатилади, маънолари ҳам шу асосда аниқланади.

**Топшириқ: I** Рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Онахон бу кўзларни аникроқ, яқинроқ кўрмоқда эди. 2. Сиз у кишидан кўп нарсани ўрганиб олгансиз. 3. Фуломжон ўша куни устаникidan тонг ёришмай (до заката) чиқиб кетди. 4. Ўқитувчимиз ана шу кўчада яшайди. 5. Шугина, шугина илтимос сендан. 6. Ўша-ўша, дугонамни кўрмайман.

1. Onaxon bu ko‘zlarni aniqroq, yaqinroq ko‘rmoqda edi. 2. Siz u kishidan ko‘p narsani o‘rganib olgansiz. 3. G‘ulomjon o‘sha kuni ustaniqidan tong yorishmay chiqib ketdi. 4. O‘qituvchimiz ana shu ko‘chada yashaydi. 5. Shugina, shugina iltimos sendan. 6. O‘sha-o‘sha, dugonamni ko‘rmayman.

**II** Кўрсатиш олмоши иштирокида 6 та гап тузинг.

### Ўзлик олмоши

Ўзлик олмоши ўз сўзи билан ифодаланади. Рус тилига *свой, сам* деб берилади.

Ўз олмоши эгалик аффиксларини олади:

## бирлик

## күплик

I шахс ўзим келдим  
(Я сам пришел)

ўзимиз келдик  
(Мы сами пришли)

II шахс ўзинг келдинг  
(Ты сам пришел)

ўзингиз келдингиз  
(Вы сами пришли)

III шахс ўзи келди  
(Он сам пришел)

ўз(лар)и келди(лар)  
(Они сами пришли)

Ўз олмоши эгалик аффиксини олган ҳолда келишикда турланади:

келишикклар      бирлик

күплик

Бош к. -ўзим      (сам)

ўзимиз      (сами) - И.п.

Қаратқич к. -ўзимнинг      (самого)

ўзимизнинг (самих) - Р.п.

Жўналиш к. -ўзимга      (самого)

ўзимизга (самим) - Д.п.

Тушум к. -ўзимни      (самому)

ўзимизни (самих) - В.п.

Үрин-пайт к. -ўзимда      (самим)

ўзимизда (самими) - Т.п.

Чиқиш к. -ўзимдан      (о самом)

ўзимиздан (о самих)- П.п.

Ўзлик олмоши гапда аниқловчи (определение), кесим (сказуемое), тўлдирувчи (дополнение) бўлиши мумкин.

1. Кампир уни кўриб, аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юзидан, бу юзидан ўпди. (Kampir uni ko'rib, avval o'zini yo'qotib qo'ydi, keyin bo'ynidan quchib, u yuzidan o'pdi).

2. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,  
Ҳар фаслнинг ўз fazilati.

Уйғун

Hар faslning o'z xislati bор,  
Hар faslning o'z fazilati.

Uyg'un

## Сўроқ олмоши

Сўроқ олмошлари предмет, унинг белгиси ва миқдори, иш-ҳаракатнинг ўрни, пайти каби ҳусусиятлари ҳақида сўроқни билдиради.

ким?, кимлар?

(kim?, kimlar?)

- кто?

нимә?, нималар?

(nima?, nimalar?)

- что?

қандай?, қанақа?

(qanday?, qapaqa?)

- какой?

қайси?

(qaysi?)

- который?

қачон?	(qachon?)	- когда?
неча?, қанча?	(necha?, qancha?)	- сколько?
нечта?	(nechta?)	- сколько (штук)
нечанчи?	(nechanchi?)	- который (по счёту)

*Нечанчи курсда ўқийсиз?* - Nechanchi kursda o‘qiyisiz?  
*Гуруҳингиз қанча кўчат ўтқазди?* - Guruhingiz qancha ko‘chat o‘tqazdi?

(Вопросительно-относительные местоимения сами по себе не указывают на предмет, признак, количество. Такое указание предполагается в ответе).

Сўроқ олмошлари (ким?, нима?, қайси?, нечта?) келишик ва эгалик аффиксларида турланади:

Бош келишик - Ким келди? (Bosh kelishik - Kim keldi?  
 Қаратқич к. - Кимнинг китоби? (Qaratqich kelishigi - Kimning kitobi?  
 Тушум к. - Кимни кўрдим? (Tushum kelishigi - Kimni ko‘rdim?)  
 Жўналиш к. - Кимга юбординг? (Jo‘nalish kelishigi - Kimga yubording?)  
 Ўрин-пайт к.- Кимда бор? (O‘rin-payt kelishigi - Kimda bor?)  
 Чиқиш к. - Кимдан олдинг? (Chiqish kelishigi - Kimdan olding?)

Бундан ташқари сўроқ олмошлари кўплик формаси қўшим-часини ҳам олади:

*Кимлар келди? Нималар бўлди? Қайсиларининг гапи тўғри?* (Kimlar keldi? Nimalar bo‘ldi? Qaysilarining gapi to‘g‘pi?)

### Белгилаш олмошлари

ҳамма, барча	(hamma, barcha)	- все
бутун	(butun)	- весь, вся, всё
ҳар, ҳар бир	(har, har bir)	- каждый (каждая, каждое)
ҳар қайси	(har qaysi)	- всякий (всякая, всякое)
ҳар қандай	(har qanday)	- всякий, какой бы то ни было
ҳар нарса, ҳар нима	(har narsa, har nima)	- все, всякая вещь
баъзиси, баъзилари	(ba’zisi, ba’zilar)	- некоторые из них
ҳар биримиз	(har birimiz)	- каждый из нас
ҳар бирини	(har birini)	- каждого из них
ҳар қайсингиз	(har qaysingiz)	- каждый из вас
ҳар қайсисидан	(har qaysisisidan)	- от каждого из них

барчаларидан	(barchalaridan)	- от них
ҳаммамиз	(hammamiz)	- мы все
ҳаммангизнинг	(hammangizning)	- всех вас
ҳаммангизга	(hammangizga)	- всем вам

Бу олмошлар рус тилида родда (мужской, женский, средний) ўзгаради.

**Бўлишсизлик олмошлари** сўроқ олмошлари олдига ҳеч сўзи кўшилишидан ҳосил бўлади.

ҳеч ким	(hech kim)	- никто
ҳеч нима	(hech nima)	- ничто
ҳеч қайси, ҳеч қандай	(hech qaysi, hech qanday)	- никакой
ҳеч қанча	(hech qancha)	- несколько
ҳеч кимни	(hech kimniki)	- ничей

Бўлишсизлик олмошлари келишикда турланади:

<b>Б.к. Ҳеч ким келмади</b> (B.k. Hech kim kelmadidi)	- Никого не было
<b>Қ.к. Ҳеч кимнинг боргиси келмади</b> (Q.k. Hech kimning borgisi kelmadidi)	- Никто не хотел пойти
<b>Т.к. Ҳеч кимни кўрмадим</b> (T.k. Hech kimni ko‘rmadim)	- Никого не видел
<b>Ж.к. Ҳеч кимга айтмади</b> (J.k. Hech kimga aytmadidi)	- Никому не говорил
<b>Ўр-п.к. Ҳеч кимда йўқ эди</b> (O‘r.-p.k. Hech kimda yo‘q edi)	- Ни у кого нет
<b>Ч.к. Ҳеч кимдан дарак йўқ</b> (Ch.k. Hech kimdan darak yo‘q)	- Ни от кого нет весточки

### Гумон олмоши

аллаким	(allakim)	-кто-то,
алланима	(allanima)	-что-то
аллақанча	(allaqancha)	-сколько-то
аллақандай	(allaqanday)	-какой-то
аллақайси	(allaqaysi)	-какой-то
аллақаер	(allaqaer)	-куда-то
аллақачон	(allaqancha)	-когда-то

аллавақт	(allavaqt)	-поздний час
кимдир	(kimdir)	-кто-то
нимадир	(nimadir)	-что-то
қаёқдантир	(qayoqdanadir)	-откуда-то
бир мунча	(bir muncha)	-несколько
бир қанча	(bir qancha)	-несколько

Гумон олмошлари предмет, белги ёки ҳодиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб, уларга умумий (абстракт) ва тахминий ишора қиласы. (Местоимения неопределенные обозначают неопределенный признак предмета или лица).

Сүроқ олмошларига алла- олд қүшимчаси қүшилиб гумон олмоши ҳосил бўлади:

*Удеразадан аллакимни кўрди.* (U derazadan allakimni ko‘rdi). - Он через окно увидел кого-то.

*Аллакимларнинг овози эшишиларди.* (Allakimlarning ovozi eshitilardi). - Слышались чьи-то голоса.

*Шаҳзод алланарсаларни ўйларди.* (Shahzod allanarsalarini o‘ylardi). - Шахзад думал о каких-то вещах.

*Азиза аллақандай ҳаёлларга ботиб ўтирас эди.* (Aziza allaqanday hayollarga botib o‘tiras edi).

- Азиза сидела погрузившись в какие-то мечты.

*Нилуфар аллавақтгача акасига хат ёзиб ўтиради.* (Nilufar allavaqtgacha akasiga xat yoziib o‘tirdi).

- Нилуфар до поздней ночи сидела писала письмо брату.

*Бола кимнидир чақирди.* (Bola kimnidir chaqirdi).

- Мальчик позвал кого-то.

*Қандайдир болалар келишиди.* (Qandaydir bolalar kelishdi)

- Какие-то дети пришли.

### Притяжательные местоимения (Эгалик олмошлари)

мужской род	женский род	средний род
<u>чей? - кимники?</u> <u>Кимнинг?</u>	<u>чья? - кимники?</u> <u>Кимнинг</u>	<u>чёе - кимники?</u>
<i>Мой доклад-</i> (Менинг) маърузам	<i>Моя работа-</i> (менинг) ишим	<i>Мое сочинение -</i> (менинг) иншоим
<i>Твой рассказ -</i> (Сенинг) ҳикоянг	<i>Твоя книга -</i> (сенинг) китобинг	<i>Твоё изложение -</i> (сенинг) баёнинг

**Наш город -**  
(Бизнинг)  
шахримиз

**Наша выставка -**  
(бизнинг)  
кўргазмамиз

**Наше село -**  
(бизнинг)  
қишлоғимиз

**Ваш роман -**  
(Сизинг)  
романингиз  
ингиз

**Ваша поэма -**  
(Сизнинг)  
поэманингиз

**Ваше стихотворение**  
(Сизнинг)  
шेърлар

- «Притяжательные местоимения» рус тилига хос. Улар ўзбек тилига қаратқич келишигидаги кишилик олмошлари билан ва от сўзга эгалик аффиксларини қўшиш билан берилади.

**Топшириқ:** 1. Бугунги кунни таърифланг.  
2. Ўйлаб кўринг.

### **З а д а ч а**

За столом сидели: отец, мать, сын, дочь, дядя, тетя, брат, сестра, двоюродная сестра, двоюродный брат, племянник и племянница - всего четыре человека.

Как такое может быть?

## **Р А В И Ш**

### **(Наречие)**

Равиш ҳаракат ва холатнинг белгисини ёки белгининг белгисини билдиради.

Равиш морфологик жиҳатдан ўзгармас, мустақил сўзлардир. Рус тилида ҳам равиш турланмайди ва тусланмайди.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам равиш маъноларига кўра куйидаги турларга эга:

**ўзбек тилида:**

**рус тилида:**

**1. Пайт равиши** ҳаракат ва -  
холатнинг бажарилиш пайтини  
билдириб, качон?, качондан бери?,  
качонгача? сўроқларига жавоб  
бўлади.

*Мен ишга эрта кетдим*  
(Men ishga erta ketdim).

Наречие времени обозначает  
время совершения действия и  
отвечает на вопросы когда, с  
каких пор?, до каких пор?

- Я ушел на работу рано.

**2. Ўрин равиши** ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини ҳамда ҳаракат йўналган томонни билдириб қаерга?, қаерда?, қаердан? сўроқларига жавоб бўлади.

**Аллақаердан қизларнинг кулгиси эшиштиларди.**

(Allaqayerdan qizlarning kulgisi eshitilardi).

**3. Ҳолат равиши** иш-ҳаракатнинг қай тарзда юз бериши, қандай усул билан бажарилишини билдириб, кандай?, кандай қилиб? сўроқларига жавоб бўлади.

**Улар пиёда гаплашиб кетди.**  
(Ular piyoda gaplashib ketdi).

**4. Микдор равиши** ҳаракат ва ҳолатнинг микдори белгисини ёки белгининг ортиқлигини билдириб канча?, кандай? сўроқларига жавоб бўлади.

**Темур ўзбек тили фанидан бироз кам балл тўплади.**

(Temur o'zbek tili fanidan biroz kam ball to'pladi).

**5. Сабаб ва мақсад равиши** ҳаракатнинг бажарилиш сабабини, мақсадини билдириб, нега?, нечун? сўроқларига жавоб бўлади.

**Ўзбек тилига атайн тайёрниб келмаган.**

(O'zbek tiliga atayin tayyorlanib kelmagan).

- Наречие места обозначает место совершения действия и отвечает на вопросы куда?, где?, откуда?

Откуда-то слышался смех девочек.

Наречие образа действия обозначает, каким образом, способом или при каком положении совершается действие и отвечает на вопросы как?, каким способом?

- Они пошли пешком.

Наречие меры указывает на меру действия или признака и отвечает на вопросы сколько?, в какой степени?

Тимур по узбекскому языку собрал не много баллов.

- Наречия причины и цели указывают на причины и цели действия или признака и отвечает - на вопросы почему?, отчего?, по какой причине?, с какой целью?, для чего?

- Нарочно не подготовился к узбекскому языку.

Ўзбек тилида равишилар морфологик ва синтактик йўл билан ясалади:

а) морфологик (аффиксация) йўли:

**-ча:** қаҳрамонларча, янгича;  
**-лаб:** ёмонлаб, яхшилаб;  
**-она:** мардона, дўстона;

**-ан:** Асосан у гапирди.

б) синтактик йўл билан, яъни, икки сўзнинг бирикувидан:

*Улар ўша ёққа қараб кетди.*  
(Ular o'sha yoqqa qarab ketdi).

*Энди ҳеч қачон алдамайди.*  
(Endi hech qachon aldamaydi).

Рус тилида равишиларнинг ясалишида приставка (сўз олди қўшимчалари) катта роль ўйнайди:

а) по-; по-узбекски, помесячно, по-моему, по-настоящему;  
б) турли келишикдаги сўзга  
- в-, на-, за-, до-, с-, под-,  
к-, из-, от- каби приставкалардан бирини қўшиш билан:

влево	- чапга
направо	- ўнгга
заново	- қайтадан
досыта	- тўйғунча
сверху	- юқоридан
издалека	- узокдан
отчасти	- қисман, бирмунча
кряду	- муттасил, бетўхтов

в) -о, -е, -ски суффикслари билан:

*высоко* - юқори, баланд  
*искренне* - самимий  
*дружески* - дўстона

Рус тилида *дважды* (икки марта), *трижды* (уч марта), *вдвойне* (икки карра) каби равишилар ҳам бор, ўзбек тилида эса бундай равишилар йўқ.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам равишининг сифат каби юйсий даражаси мавжуддир:

оддий даражা

тез ўқиди - быстро читал  
(tez o'qidi)

секин чопди -(sekin chopdi)-  
бежал медленно

озайтирма даража

тезроқ ўқиди - быстрее читал  
(tezroq o'qidi)

секинроқ чопди (sekinroq chopdi)-бежал медленнее

Баъзи равишилар эса эркалаш-кичрайтириш формасида ҳам келади:

*секингина* (sekingina) - тихонъко  
*тез-тез* (tez-tez) - быстремъко

Күйидагилардан кўриниб турибдикি, сифат отга, равиш эса асосан феълга боғланиб келади:

р а в и ш	с и ф а т
<i>яхши гапирди</i> (yaxshi gapirdi)	- <i>яхши бола</i> (yaxshi bola)
<i>самимий гапирмоқ</i> (samimiy gapirmoq)	- <i>самимий одам</i> - (samimiy odam)
<i>дўстона учрашув</i> (do'stona uchrashuv)	- <i>дўстона салом</i> - (do'stona salom)
<i>ўзбекча гапириши керак</i> (o'zbekcha gapirishi kerak)	- <i>ўзбек тилини билиши керак</i> - (o'zbek tilini bilishi kerak)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам равишилар асосан, феъл, сифат ва бошқа бир равишига боғланиб, гапда *иккинчи даражали бўлак* (второстепенные члены) вазифасида келади:

Масалан, гапда хол бўлиб келади:

*Эртага ҳаво қандай бўларкин?* - Какая же будет погода завтра?  
(Ertaga havo qanday b'larkin?)

*Бу жуда яхши китоб.* - Это очень хорошая книга.  
(Bu juda yaxshi kitob).

**Топшириқ:** Ўзбекистон ҳақида матн ёзинг.

## К ў М А К Ч И Л А Р

(Послелоги)

Гапда восита, мақсад, сабаб, вақт каби муносабатларни ифодалашга хизмат қиласиган сўзлар кўмакчилар дейилади.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларга рус тилидаги предлоглар тўғри келади.

Ўзбек тилида кўмакчи ўзи боғланган сўздан кейин келади:

*Университет томон кетди.*  
(Universitet tomon ketdi).

*Неварам учун китоб олдим.*  
(Nevaram uchun kitob oldim).

Ўзбек тилида учун, билан, қадар, ўзра, сайин, сари каби соғ кўмакчиларга аффикс қўшилмайди.

1. *Акам билан укам жуда иноқ яшашади.*

(Akam bilan ukam juda inoq yashashadi).

2. *Дадам сингари катта олим бўлмоқчиман.*

(Dadam singari katta olin bo‘lmoqchiman).

3. *Falaba сари олга.* - (G‘alaba sari olg‘a).

Рус тилида предлоглар ўзгартмайди. Улар бош келишикдаги от ёки бошқа туркум сўзи билан боғланниб келади.

От ва феъл кўмакчилар: *аввал, шлгари, кейин, кўра, қараб.*  
От кўмакчилар жўналиш *(-га),* ўрин *(-да),* чиқиш *(-дан)* аффикслари билан ишлатилади:

1. *Гапига қараганда у ҳаётдан мамнун.* - (Gapiga qaraganda u hayotdan mamnun).

2. *Имтиҳонга қадар реферат топширдим.* - (Imtihonga qadar referat topshirdim).

3. *Дарсдан ташқари вақтим кутубхонада ўтади.* - (Darsdan tashqari vaqtim kutubxonada o‘tadi).

Кўмакчилар куйидаги турларга эга:

#### *Асл кўмакчилар*

Ўқитувчи *билац* келдим  
(O‘qituvchi bilan keldim).

У отаси *каби* меҳнатсевар  
(U otasi kabi mehnatsevar)

Ҳамма нарса *фалаба* учун  
(Hamma narsa g‘alaba uchun)

- Рус тилидаги предлоглар эса ўзи боғланган сўздан олдин ёзилади:

- *Пошел к университету.*

- *Купил книгу для внука.*

Тош *сингари* қаттиқ  
(Tosh singari qattiq)

Крепкий, как камень

**Топшириқ:** Матнни дафтарингизга лотин ёзувида кўчиринг, рус тилига таржима қилинг.

\*\*\*

Ота ўғлига пул бериб:

- Ўзимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил, - деди.

Ўғил ўйлаб-ўйлаб қовун сотиб олди. Уйга келгач:

- Дада, қовунни ўзимиз еймиз, пўчоғини сигирга, уруғини товуққа берамиз, - деди.

Ота ўғлининг билимдонлигидан, тадбиркорлигидан жуда мамнун бўлди.

### *От кўмакчилар*

Тоғ *сари* юрдик  
(Tog' sari yurdik)

- Ходили к горам

Мажлисдан *со'нг* кетдик  
(Majlisdan so'ng ketdik)

- Ушли после собрания

Дарсдан *аввал* учратдик  
(Darsdan avval uchratdik)

- Встрети и до урока

Байрамдан *илгари* келишган  
(Bayramdan ilgari kelishgan)

- Приходили до праздника

Мен бу ишни *кеин* кўраман  
(Men bu ishni keyin ko'raman)

- Я посмотрю эту работу позже

Режадан *ташқари* иш бўлди  
(Rejadan tashqari ish bo'ldi)

- Была работа вне плана

Кечга *томон* ёмғир ёғди  
(Kechga tomon yomg'ir yog'di)

- К вечеру пошёл дождь

### *Феъл кўмакчилар*

Мендан *кўра* яхши  
(Mendan ko'ra yaxshi)

- Знаете лучше меня

- Сенга караганда у ёш  
 (Senga qaraganda u yosh) - Он моложе, чем ты
- Бўйга караб сафландилар  
 (Bo‘yga qarab saflandilar) - Построились по росту
- Янги йилдан бошлаб йўл  
 хақи ошди.  
 (Yangi yildan boshlab yo‘l haqi oshdi) - Начиная с нового года повысились  
 цены за проезд
- Оёқдан тортаб бошигача  
 кийинди  
 (Oyoqdan tortib boshigacha kiyindi) - Оделся с ног до головы
- Ҳар кимнинг ўзига яраша - У каждого есть своё дело (своя за-  
 иши бор.  
 (Har kimning o‘ziga yarasha ishi bor). бота)

**Топшириқ:** Кўмакчилар иштирокида 20 та гап тузинг.

## ЮКЛАМАЛАР

(Частицы)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида Частицы - служебные слова, ҳам юкламалар гапга ёки унинг ай-которые вносят дополнитель-  
 рий бўлакларига қўшимча маъно ные смысловые, эмоциональ-  
 бериш учун хизмат қиласи. но оценочные оттенки в зна-  
 чения слов, словосочетаний и предложений.

Юкламалар маъно жиҳатдан қўидагичадир:

1. **Кучайтирув ва таъкид юкламалари** (Усилиательные и утвер-  
 дительные частицы)- хатто, хаттоки, ахир, -ку, -у(ю), -да, -о (-ё)  
 Рус тилига эса *даже, уж, же* юкламалари орқали таржима қили-  
 нади.

*У шеърни хатто ёд биларди.* (U she’rni hatto yod bilardi).  
*Агар дўстликни ҳам билмаса асло* (Agar do’stlikni ham bilmasa aslo)  
*Кимга қерак ахир, инсон деган ном.* (Kimga kerak axir, inson degan nom).

2. **Чегаралов юкламалари** (Ограничительные частицы): факат, ...гина, факатгина.

Рус тилида: *только, лишь, лишь только.*

*Уни кечагина кўрдим, тузуккина, оппоққина қиз экан.*  
*(Uni kechagina ko‘rdim, tuzukkina, oppoqqina qiz ekap).*

**3. Сўроқ ва таажжуб юкламалари** (Вопросительные и побудительные частицы): -ми, наҳотки, -чи, -а, -я.

Рус тилида: *ли*, *разве*, *неужели*, *а*, *ведь*.

*Бугун борасан-а? У келмаса-я?* *Наҳотки, айтмади.*  
(Bugun borasan-a? U kelmasa-ya? Nahotki, aytmadi).

**4. Аниқлов юкламаси** (Уточнительные частицы): худди

Рус тилида: *как раз* юкламаси ишлатилади.

*Ана, худди ўзи.* (Ana, xuddi o'zi).

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам юкламалар тегишли сўзлардан ё олдин, ё кейин келиши мумкин.

**Топшириқ:** Юкламалар иштирокида 5 та гап тузинг.

## Б О Ф Л О В Ч И Л А Р

### (Союзы)

Боғловчилар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам гап ва гап бўлакларини бир-бирига боғлаш учун ишлатилади.

Ўзбек тилида боғловчилар қўйидагича бўлинади:

#### 1. Тенг боғловчилар:

- ва, ҳамда
- аммо, лекин, бироқ,
- ҳолбуки
- ё, ёки, ёхуд;
- гоҳ-гоҳ, дам-дам; баъзан
- баъзан

#### Сочинительные союзы:

- и, да, а, ни, также, тоже
- а, но, однако, же, всё же, зато
- или,...или, либо,...либо,
- то, ...то

#### 2. Эргаштирувчи боғловчи:

- чунки, шунинг учун,
- агар, гарчи, башарти,
- мабодо
- гўё, гўёки

#### Подчинительные союзы:

- так как, потому что, ибо,
- оттого что, ввиду того что
- если, если бы, раз

как, как бы, будто

Рус тилида қўшма гап таркибидаги эргаш қисмни бош қисмга боғловчи *когда, как только, лишь тогда, с тех пор как, пока, едва, только что* каби боғловчилар ҳам бор.

Ўзбек тилида эса уларнинг маънолари -гаç, -гаңда, -даñ берি, -га, -гуңча аффикслари ёки вактида сўзи билан берилади.

**Топшириқ:** Боғловчилар иштирокида 10 та гап тузинг.

# ТАҚЛИДИЙ СҮЗЛАР

## (Подражения)

Тақлидий сүзлар ўзбек тилида рус тилига нисбатан кўпроқдир  
Товуш билдирувчи: *тақ-тақ, дук-дук, шақ-шак, марс-турс...*

Харакат-холатни билдирувчи: *лип-лип, йилт-йилт, лоп-лоп, лапанг-лапанг...*

Рус тилига эса улар мустақил сўзлар орқали берилади.

**Эшик шиқ этиб ёпилди**  
(Eshik shiq etib yopildi)

- Дверь закрылась

**Мушук ҳовлидан лип этиб ўтди**  
(Mushuk hovlidan lip etib o'tdi)

- Кошка побежала

**Топшириқ:** Улар нима қиласи? Жавобларини дафтарингизга ёзинг.



## УНДОВ СЎЗЛАР

(Междометия)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ундовлар сезги, ҳис-ҳаяжон, хитоб кабиларни ифодалайди. Уларнинг маънолари интонацияга боғлиқ. *Хурсандлик, маминлик, яхши кайфиятни ифодаловчи ундовлар: ура, о, эх, э-э-э, вой...* (ура, о, ай-ай, ай-да...)

*Қайгу, хафалик, ёмон кайфиятни ифодаловчи ундовлар: у, уф, вой-вой...* (ах, ой, ух, ох, фу...)

*Таажжубни ифодаловчи ундовлар: бе, оббо, ана холос,xo...* (вот тебе на, ого...)

*Буйруқ-хитоб ундовлари: ҳой, ҳай...* (эй, тсс...)

**Топшириқ:** Кўйида берилган матнлардан бирини ўқинг, тақлидий сўзлар иштирок этган гапларни топиб, тушунтириңг.

## ФОЙДАЛАНИШ УЧУН МАТНЛАР Х О Р А З М И Й

Хоразмий номи илк математика фанининг ривожланиши билан боғлиқдир. У Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино кабиларнинг ўтмишдоши. Бу олимлар ўз асарларини араб тилида ёзганлар. Чунки ўрта асрларда мамлакатимизга ислом дини билан бирга араб тили ҳам кириб келди. Бу тил умум «мусулмон оламида» фан тили бўлиб қолди.

Абу Абдулла Мұҳаммад Ибн Мусо 780 йилда Хива шаҳрида туғилган. У ёшлигидан математикага жуда берилган ва ўзининг бу қобилияти билан халқ ўртасида хурматга сазовор бўлган эди. У Шарқда мавжуд бўлган илмий асарларни қўнгилди. Математика, астрономия, геометрия, география, медицина ва тарихни қўнгилди. Бу тилларда ёзилган асарларни мутолаа қилиб, ўз билимини оширади.

Хоразмий томонидан битилган «Қисқарган Синдиҳинд» китобида астрономия, математикага оид фикрлар билдирилган.

Хоразмий алгебра фанининг пісосчисидир.

У биринчи бўлиб «Алжабр ва муқобала» деган асарини ёзди. Асар лотин ва бошқа тилларга таржима қилиниб, бутун дунёга танилди. Бу китобнинг бир қисми ҳозирги Алжабр (алгебра)нин лиланіб кетди.

Мұхаммад Мусо Хоразмий бутун дунё олимлари таң олган буюқ сиім олардың атынан шығып келген. Оның атынан «Ал гаритмус».

Хоразмий Бөгөндегі келгандан сүнг, астрономик ва геодезик кузатишиларга раҳбарлық қылады. Бу ерда «Янги астрономик табицалар» (Зиж)ни ёзади. Асар 1126 йилда лотин тилиге таржима қилинген.

Мұхаммад Мусо Хоразмий география соҳасыда «Ер сурати китоби»ни ёзади.

Хоразмий ерни 7 иқлимга бўлади, ер харитасини чизади. Олимнинг 4 тагина харитаси бизгача етиб келган. (Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари, Азов денгизи ва Нил дарёси харитаси).

Хоразмий сатҳларни (юза) ўлчаш ҳақида астролоб (астролабия), қуёш соати тўғрисида ва бошқа соҳаларда ҳам кўп асарлар ёзган. Лекин, олимнинг кўп асарларининг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Унинг асарларидан фақат Европа тилларига қилинган таржималаригина сақланиб қолган.

Хоразмий 847 йили вафот этган.

## X O R A Z M I Y

Xorazmiy nomi ilk matematika fanining rivojlanishi bilan bog'liqdir. U Farg'oniy, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino kabilarning o'tmishdoshi. Bu olimlar o'z asarlarini arab tilida yozganlar. Chunki o'rta asrlarda mamlakatimizga islom dini bilan birga arab tili ham kirib keldi. Bu til umum «musulmon olamida» fan tili bo'lib qoldi.

Abu Abdulla Muhammad ibn Muso 780 yilda Xiva shahrida tug'ilgan. U yoshligidan matematikaga juda berilgan va o'zining bu qobiliyati bilan xalq o'rtasida hurmatga sazovor bo'lgan edi. U Sharqda mavjud bo'lgan ilmiy asarlarni qunt bilan mutolaa qiladi. Matematika, astronomiya, geometriya, geografiya, medisina va tarixni qunt bilan o'rgandi. U arab, fors, hind va grek (yunon) tillarini ham o'rganadi, bu tillarda yozilgan asarlarni mutolaa qilib, o'z bilimini oshiradi.

Xorazmiy tomonidan bitilgan «Qisqargan Sindihind» kitobida astronomiya, matematikaga oid fikrlar bildirilgan.

Xorazmiy algebra fanining asoschisidir.

U birinchi bo'lib «Aljabr va muqobala» degan asarini yozadi. Asar lotin va boshqa tillarga tarjima qilinib, butun dunyoga tanildi. Bu kitobning bir qismi hozirgi Aljabr (algebra)ga aylanib ketdi.

Muhammed Muso Xorazmiy butun dunyo olimlari tan olgan buyuk siyomo edi. G'arbda al-Xorazmiyning lotinlashgan nomi «Al garitmus».

Xorazmiy Bog'dodgaga kelgandan so'ng, astronomik va geodezik

kuzatishlarga rahbarlik qiladi. Bu erda «Yangi astronomik tablisalar» (Zij)ni yozadi. Asar 1126 yilda lotin tiliga tarjima qilingan.

Muhammad Muso Xorazmiy geografiya sohasida «Yer surati kitobi»ni yozadi.

Xorazmiy erni 7 iqlimga bo'ladi, er xaritasini chizadi. Olimning 4 tagina xaritasi bizgacha etib kelgan. (Yaqin O'rta Sharq xalqlari, Azov dengizi va Nil daryosi xaritasi).

Xorazmiy sathlarni (yuza) o'chash haqida astrolob (astrolabiya), quyosh soati to'g'risida va boshqa sohalarda ham ko'p asarlar yozgan. Lekin, olimning ko'p asarlarining arab tilida yozilgan asl nusxasi bizgacha etib kelmagan. Uning asarlaridan faqat evropa tillariga qilingan tarjimalarigina saqlanib qolgan.

Xorazmiy 847 yili vafot etgan.

## АҲМАД АЛ-ФАРГОНИЙ

(Тахминан 797-865 йиллар)

Ўрта асрларда яшаган Марказий осиёлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ ал-Фаргоний салмоқли ўрин эгаллади.

Ал-Фаргонийнинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаралатлар ва умумий илми нужум китоби» XII асрда Оврўпода лотин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Оврўпо тилларига ҳам таржима қилинганидан сўнг унинг лотинлаштирилган номи «Ал-фраганус» шаклида Farbda бир неча аср давомида кенг тарқалади. Унинг бу китоби шу асрлар давомида Оврўпо университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини ўтади.

1669 йили машхур голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фаргоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этгандан сўнг, ал-Фаргоний ва унинг асарининг Оврўподаги шуҳрати янада ортди. Оврўпо Уйғониш даврининг буюк намояндадаридан бири бўлган машҳур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маъruzalarни ал-Фаргоний китобларидан ўқиган. Ал-Фаргоний номини Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам эслаган.

Ал-Фаргонийнинг саккизта асари бизгача етиб келган бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор, лекин бирортаси ҳам ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган: «Астрономия асослари ҳақида китоб»нинг кўлёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. «Астурлоб ясаш ҳақида китоб» - кўлёзмалари

**Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида,**

«Аструлоб билан амал қилиш ҳақида китоб» - биргина қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистон), «Ал-Фарғоний жадваллари» - қўлёзмаси Патнада (Ҳиндистон), «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола» - қўлёзмаси Қоҳирада, «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида» - қўлёзмалари Готада ва Қоҳирада, «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб» - қўлёзмалари Халаб ва Қоҳирада сақланади.

## AHMAD AL-FARG'ONIY

O'rta asrlarda yashagan Markaziy osiyolik olimlar orasida buyuk astronom, matematik va geograf al-Farg'oniy salmoqli o'r'in egallaydi.

Al-Farg'oniyning asosiy astronomik asari «Samoviy harakatlar va umumiy ilmi nujum kitobi» XII asrda Ovro'poda lotin tilida ikki marta va XII asrda boshqa Ovro'po tillariga tarjima qilinganidan so'ng, uning lotinlashtirilgan nomi «Alfraganus» shaklida G'arbda bir necha asr davomida keng tarqaladi. Uning bu kitobi shu asrlar davomida Ovro'po universitetlarida astronomiyadan asosiy darslik vazifasini o'tadi.

1669 yili mashhur Golland matematigi va arabshunosi Yakob Golius al-Farg'oniy asarining arabcha matnini yangi lotincha tarjimasi bilan nashr etgandan so'ng, al-Farg'oniy va uning asarining Ovro'podagi shuxrati yanada ortdi. Ovró'po Uyg'onish davrining buyuk namoyandalaridan biri bo'lgan mashhur olim Regiomontan XV asrda Avstriya va Italiya universitetlarida astronomiyadan ma'ruzalarni al-Farg'oniy kitoblaridan o'qigan. Al-Farg'oniy nomini Dante (XV asr) va Shiller (XVIII asr) ham eslagan.

Al-Farg'oniyning sakkizta asari bizgacha etib kelgan bo'lib, ularning hammasi astronomiyaga aloqador, lekin birortasi ham hozirgi zamon tillariga tarjima qilinmagan: «Astronomiya asoslari haqida kitob»ning qo'lyozmalari dunyo kutubxonalarining deyarli barchasida bor. «Asturlob yasash haqida kitob» - qo'lyozmalari Berlin, London, Mashhad, Parij va Tehron kutubxonalarida, «Astrulob bilan amal qilish haqida kitob» - bиргина qo'lyozmasi Rampurda (Hindiston), «Al-Farg'oniy jadvallari» - qo'lyozmasi Patnada (Hindiston), «Oyning Yer ostida va ustida bo'lish vaqtlarini aniqlash haqida risola» - qo'lyozmasi Qohirada; «Etti iqlimni hisoblash haqida» - qo'lyozmalari Gotada va Qohirada, «Quyosh soatini yasash haqida kitob» - qo'lyozmalari Xalab va Qohirada saqlanadi.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

Ал-Бухорий 810 йил 20 июля Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бошқа кўпгина олимлардан фарқли ўлароқ ал-Бухорий туғилган сана аниқ кўрсатилишига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмли одамларидан бўлиб, ўғлиниң туғилган кунини ўз қўли билан ёзib кетган қофоз ишончли қўлларда қолганди. Ёшлигидаёқ отаси ўлиб, онасининг тарбиясида қолади. У ўн ёшидан бошлаб ўз ютидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган.

И мом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусоифирчиликда ўтади.

И мом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-автори, одамохунлиги, муруватлилиги, ҳикматлилиги ва бекиёс саховатлилиги билан бошқалардан ажралиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам ҳалқ орасида ғоят шуҳрат қозонган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

И мом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг сони 20 дан ортиқ. Уларнинг ичидаги энг машҳури «Ал жомеъ ас-саҳиҳ». Унинг яратилтанига 1200 йил бўлди, ўшандан бери у ислом таълимотида Куръондан кейинги иккинчи ўринда турари ва муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Бу асарнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилдан иборат гўзал бир нусҳаси ҳозир Йстанбулда сакланмоқда. Бу китобда нима яхши, нима ёмон, нимадан ўзни тиймоқ лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ўғитлар акс эттирилган.

И мом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдларига ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Лекин бир куни Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий олимдан ҳузурига келиб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-таъворих» китобларини ўқиб беришини талаб қиласди. Лекин ал-Бухорий бормайди. Шунда амир шаҳарни тарк этишини буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқанднинг Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруглариникида яшайди. Кейинчалик эса оғир касалга чалиниб, 870 йил 1 сентябрда 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дағн қилинади.

## IMOM AL-BUXORIY

Al-Buxoriy 810 yil 20 iyulda Buxoro shahrida tavallud topgan. Boshqa ko'pgina olimlardan farqli o'laroq al-Buxoriy tug'ilgan sana aniq ko'rsatilishiga sabab shuki, uning otasi Ismoil o'z davrining ilmli odamlaridan bo'lib, o'g'lining tug'ilgan kunini o'z qo'li bilan yozib ketgan qog'oz, ishonchli qo'llarda qolgandi. Yoshligidayoq otasi o'lib, onasining tarbiyasida qoladi. U o'n yoshidan boshlab o'z yurtidagi turli rivoyatchilardan eshitgan hadislarni, shuningdek, Abdulloh ibn al-Muborak va Vakiy kabi olimlarning hadis to'plamlarini mutolaa qilib, yodlagan.

Imom al-Buxoriy hayotining ko'p qismi xorijiy ellarda, musofirchilikda o'tadi.

Imom al-Buxoriy nafaqat yirik olim, balki o'zining go'zal hulq-atvori, odamoxunligi, muruvvatiligi, hikmatiligi va beqiyos saxovatliligi bilan boshqalardan ajralib turgan. U zehni o'tkirligi va yodlash qobiliyatining kuchliligi bilan ham xalq orasida g'oyat shuhrat qozongan. Manbalarda al-Buxoriyning 600 mingga yaqin hadisni yod bilgani qayd qilingan.

Imom al-Buxoriy avlodlarga boy va qimmatli ilmiy meros qoldirgan bo'lib, ularning soni 20 dan ortiq. Ularning ichida eng mashhuri «Al jome as-sahih». Uning yaratilganiga 1200 yil bo'ldi, o'shandan beri u islam ta'llimotida Qur'onдан keyingi ikkinchi o'rinda turadi va muhim manba sifatida yuqori baholanib kelinmoqda. Bu asarning 1325 yilda ko'chirilgan sakkiz jilddan iborat go'zal bir nusxasi hozir Istanbulda saqlanmoqda. Bu kitobda nima yaxshi, nima yomon, nimadan o'zni tiymoq lozimligi haqida hozirgi jamiyatimiz ahli, ayniqsa, yosh avlod uchun katta tarbiyaviy ahamiyatga ega yo'l-yo'riqlar, pand-nasihat va o'gitlar aks ettirilgan.

Imom al-Buxoriy xorijdan qaytgach, o'z vatani Buxoroda ko'plab shogirdlariga hadis ilmidan saboq berish bilan mashg'ul bo'ladi. Lekin bir kuni Buxoro amiri Xolid ibn Ahmad az-Zuhaliy olimidan huzuriga kelib «Al-jome as-sahih», «At-tavorix» kitoblarini o'qib berishini talab qiladi. Lekin al-Buxoriy bo'maydi. Shunda amir shaharni tark etishini buyuradi. Shundan keyin al-Buxoriy Samarqandning Xartang qishlog'ida o'z shogirdlari va qarindosh-urug'larinikida yashaydi. Keyinchalik esa og'ir kasalga chalinib, 870 yil 1 sentyabrda 60 yoshida yafot etadi va shu erda dafn qilinadi.

## АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

Ат-Термизий 824 йилда Термизда, унча бадавлат бўлмаган оиласида таваллуд топди.

Дастлабки маълумотни у Термизда олади, чунки ўша вақтда Термиз ҳам Марказий Осиёning Урганч, Бухоро, Самарқанд син-

гари илм-фан ва маданийти ривожланган шаҳарлардан бирини бўлган. Ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган. Бу борадаги билимларини муттасил ошириш учун узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. У йўлда учраттган ровийларидан (сказочник) эшитган ҳадисларни дарҳол ёзисб олиб, уларни тартибли равиша алоҳида алоҳида қайд қилиб борган.

Мусоғирчиликдан қайтган ат-Термизий ўз юртида йирик муҳадис олим сифатида шуҳрат қозонди ва ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган: «Жаъмловчи», «Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги оғишишлар», «Тарих», «Тақво ҳақида китоб», «Ислмар ва лақаблар ҳақида китоб» ва бошқалар. Ҳуллас, буюк ватандошимиз Абу Iso Муҳаммад ат-Термизий бизгабой ва катта илмий мерос қолдирган.

Ат-Термизий милодий 892 йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буг'қишлоғида вафот этади.

## ABU ISO MUHAMMAD AT-TERMIZIY

At-Termiziy 824 yilda Termizda, uncha badavlat bo'lmagan oйлада tavallud topdi.

Dastlabki ma'lumotni u Termizda oladi, chunki o'sha vaqtida Termiz ham Markaziy-Osiyoning Urganch, Buxoro, Samargand singari ilm-fan va madaniyati rivojlangan shaharlardan biri bo'lgan. At-Termiziy diniy va dunyoviy fanlarni, ayniqsa, hadis ilmini alohida qiziqish bilan egallagan. Bu boradagi bilimlarini muttasil oshirish uchun uzoq yillar Iroqda, Isfahon, Xuroson, Makka va Madinada yashagан. U yo'lda uchratgan roviyalaridan eshitgan hadislarni darhol yozib olib, ularni tartibili ravishda alohida alohida qayd qilib borgan.

Musofirchilikdan qaytgan at-Termiziy o'z yurtida yirik muhaddis olim sifatida shuҳrat qozondi va ijodiy ish, shogirdlar tayyorlash bilan masbg'ul bo'ldi.

At-Termiziy qalamiga mansub asarlarning aksariyati bizgacha etib kelgan: «Ja'mlovchi», «Payg'ambarning alohida fazilatlari», «Hadislardagi og'ishishlar», «Tarix», «Taqvo haqidá kitob», «Ismlar va laqablar haqidá kitob» va boshqalar. Xullas, buyuk vatandoshimiz Abu Iso Muhammад ат-Термизий бизга boy va katta ilmiy meros qoldirgan.

At-Termiziy milodiy 892 yilda Termizdan uzoq bo'lmagan Bug'qishlog'ida vafot etadi va shu erda daft qilihadi.

## АБУ БАКР НАРШАХИЙ

Абу Бакр Наршахий 899 йили Бухоронинг Наршах қишлоғида таваллуд топган.

Абу Бакр Наршахий - Марказий Осиё тарихнавислигининг ilk қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифидир. Бу асарнинг бир неча бор таҳрир қилинган форс тилидаги таржимаси бизгача етиб келган. Унда Бухоро воҳасининг обод бўлиши, овчилик, балиқчilik ва деҳқончиликнинг касб этилиши, Нувижкат, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитан, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кўтарилишигача бўлган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Яна Марказий Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Ислом динининг тарқатилиши, оташпарастлик ва у билан боғлиқ маданий ҳаётнинг инқирози, Муқанна - «Оқ кийимликлар» ҳаракати, Сомонийлар давридаги давлат идораси, маданий қурилишлар борасида турли-туман қизиқарли маълумотлар келтирилган.

«Бухоро тарихи» китоби фақат Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун қимматlidir.

Абу Бакр Наршахий 959 йили вафот этган.

## ABU BAKR NARSHAXIY

Abu Bakr Narshaxiy 899 yili Buxoroning Narshax qishlog‘ida tavallud topgan.

Abu Bakr Narshaxiy - Markaziy Osiyo tarixnavisligining ilk qadimiylardurdonalaridan biri bo‘lmish «Tarixi Buxoro» deb shuhrat topgan nodir asarning muallifidir. Bu asarning bir necha bor tahrir qilingan fors tilidagi tarjimasi bizgacha etib kelgan. Unda Buxoro vohasining obod bo‘lishi, ovchilik, baliqchilik va dehqonchilikning kasb etilishi, Numijkat, Poykand, Afshona, Varaxsha, Romitan, Vardona kabi qadimiylar qishloqlarning barpo bo‘lishidan tortib, to Buxoro shahrining qad ko‘tarilishigacha bo‘lgan muhim tarixiy voqealar to‘g‘risida hikoya qilinadi. Yana Markaziy Osiyoda arab xalifaligi hukmronligining o‘rnatalishi, Islom dinining tarqatilishi, otashparastlik va u bilan bog‘liq madaniy hayotning inqirozi, Muqanna - «Oq kiyimliklar» harakati, Somoniylar davridagi davlat idorasini, madaniy qurilishlarni borasida turli-tuman qiziqarli ma’lumotlar keltirilgan.

«Buxoro tarixi» kitobi faqat Buxoro tarixiniga emas, balki butun Markaziy Osiyo tarixini o‘rganish uchun qimmatlidir.

Abu Bakr Narshaxiy 959 yili vafot etgan.

# ЎЗБЕГИМ

# O'ZBEGIM

Эркин ВОХИДОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

Тарихингдир минг асрлар.  
Ичра пинҳон, ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.  
Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Урхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон, ўзбегим.  
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,  
Ал-Фороб авлодидан,  
Асли насли балки ўзлуғ,  
Балки Тархон, ўзбегим...  
Туздию Мирзо Улуг'бек  
Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк-  
Кўйди нарвон ўзбегим  
Мир Алишер наърасига  
Акс-садо берди жаҳон,  
Шеърият мулкида бўлди  
Шоҳу сulton, ўзбегим...  
Мирза Бобур-сен, фифонинг  
Солди оlam узра ўт,  
Шоҳ Mashrab қони сенда  
Урди түғён, ўзбегим...  
Менга Пушкин бир жаҳону  
Менга Байрон бир жаҳон,  
Лек Навоийдек бобом бор,  
Кўксим осмон, ўзбегим.  
Қайға бормай, бошда дўппим,  
Шухратим, қадрим буюқ,  
Оlam узра номи кетган  
Ўзбекистон, ўзбегим.

Tarixingdir ming asrlar  
Ichra piňhon, o'zbegin,  
Senga tengdosh Pomiru  
Oqsoch Tiyonshon, o'zbegin.  
So'ylasin Afrosiyobu  
So'ylasin Urxun xati,  
Ko'hna tarix shodasida  
Bitta marjon, o'zbegin.  
Al-Beruniy, Al-Xorazmiy,  
Ai-Forob avlodididan,  
Asli nasli balki o'zlug',  
Balki Tarxon, o'zbegin...  
Tuzdiyu Mirzo Ulug'bek  
Ko'ragoniy jadvalin,  
Sirli osmon toqiga ilk -  
Qo'ydi narvon o'zbegin  
Mir Alisher na'rasiga  
Aks-sado berdi jahon,  
Sheriyat multkida bo'ldi  
Shohu sulton, o'zbegin...  
Mirza Bobur - sen, fig'onning  
Soldi olam uzra o't,  
Shoh Mashrab qoni senda  
Urdi tug'yon, o'zbegin...  
Menga Pushkin bir jahonu  
Menga Bayron bir jahon,  
Lek Navoiydek bobom bor,  
Ko'ksim osmon, o'zbegin.  
Qayga bormay, boshda do'ppim,  
Shuhratim, qadrim buyuk,  
Olam uzra nomi ketgan  
O'zbekiston, o'zbegin.

## ҚИЗИҚАРЛИ МАТЕМАТИКА

Улуг' рус ёзувчиси Лев Толстой турли қизиқарлы топишмоялар тузишни севарди. Мана улардан бири:

Икки аёл бозорга олхўри сотиш учун йўл олди. Иккаласининг сумкасида 30 тадан мева бор. Улардан бири бир жуфт олхўрини 1 тийинга, иккинчиси эса 3 та олхўрини худди шу баҳод сота бошлабди.

Биринчи аёл иккинчисига, келинг, ҳамма мевани катта саватга ағдариб бирга сотамиз. 5 донаси 2 тийиндан бўлсин, дебди.

Улар шундай қилибдилар. Савдонинг натижасига кўра биринчиси 15 тийин, иккинчиси 10 тийин олиши керак эди. Лекин жами 24 тийин чиқди.

Йўқ, улар 1 тийинни йўқотишмади. Ахир 60 та олхўри 12 та беш тийинликдан қўйорат-ку!

Бир тийин қаёққа йўқолди?

## QIZIQARLI MATEMATIKA

Ulug' rus yozuvchisi Lev Tolstoy turli qiziqarli topishmoqlar tuzishni sevardi. Mana ulardan biri:

Ikki ayol bozorga olxo'ri sotish uchun yo'l oldi. Ikkalasining sumkasida 30 tadan meva bor. Ulardan biri bir just olxo'rini 1 tiyinga, ikkinchisi esa 3 ta olxo'rini xuddi shu bahoda sota boshlabdi.

Birinchi ayol ikkinchisiga, keling, hamma mevani katta savatga ag'darib birga sotamiz. 5 donasi 2 tiyindan bo'lsin, debdi.

Ular shunday qilibdilar. Savdoning natijasiga ko'ra birinchisi 15 tiyin, ikkinchisi 10 tiyin olishi kerak edi. Lekin jami 24 tiyin chiqdi.

Yo'q, ular 1 tiyinni yo'qotishmadi. Axir 60 ta olxo'ri 12 ta besh tiyialikdan iborat-ku!

Bir tiyin qayoqqa yo'qoldi.

## САРОЙ МУЛК ХОНИМ

Сарой Мулк Хоним мўғил хони Қозонхоннинг қизи бўлгани учун соҳибқирон Амир Темур мўғил хонининг куёви, яъни «Амир Темур Кўрагон» номини олган эди.

Сарой Мулк хонимни «Бибихоним» ёки «Катта хоним» дейишарди.

Сарой Мулк хоним-Бибихоним юксак идрокли, фаросатли, адбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам бе-

назир эди. У инсонпарвар, ватани мұқаддас билгүвчи, мамла-  
катнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳәётидан ха-  
бардор бўлган. Салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қат-  
нашиб турарди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила-  
қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммолар-  
ни ҳал қилишда оқилона маслаҳатлари билан қатнашиб турган.

Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфахон-  
нинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни боқиши учун маблағ етмай-  
қолади. Шунда Амир Темур Самарқандга чопар юборади. Биби-  
хоним чопар олиб келган қисқагина ҳатни олиб ўқийди. Ўнда:  
«Кўшиннинг заҳираси (запас) тугади, хазинадан зар юборинг»-  
деб ёзилганди. Шароитни тушунган аёл мактубнинг орқа томо-  
нига «Улуф амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам туга-  
диму?»-деб ёзди.

Амир Темур мактубдаги кинояли сўзларни ўқигач, сўйиб ейил-  
ган кўй, қорамол, от, тия суякларини йигдириб, турли ҳажмларда  
қирқтиради. Каттароқларига катта қиймат, кичигига кичик қиймт  
белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ва мўваққат  
пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Шу пулга кўшни  
қишлоқлардан озиқ-овқат сотиб олинади.

Тез кунда Исфахон шаҳри таслим бўлади, суяк пуллар эса  
зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эл-  
лик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида Са-  
рой Мулк хоним-Бибихоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юз-  
ларига парда ташлаб ўтирганлар.

Амир Темур Сарой Мулк хонимга бўлган муҳаббати ва хур-  
мати учун Самарқандда машхур бўлган Бибихоним масжидини  
(1399-1404) курдирган.

Соҳибқирон Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо  
ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон  
Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улугбек Мирзоларни Бибихоним  
тарбиясига берган.

## SAROY MULK XONIM

Saroy Mulk Xonim mo'g'il xoni Qozonxonining qizi bo'lgani uchun  
sohibqiron Amir Temur mo'g'il xonining kuyovi, ya'nı «Amir Temur  
Ko'ragon» nomini olgan edi.

Saroy Mulk Xonimni «Bibixonim» yoki «Katta xonim» deyishardi.

Saroy Mulk Xonim-Bibixonim yüksak idrokli, farosatli, tadbirkor va  
aql-zakovat sohibasi, husn-latofat bobida ham benazir edi. U insонparvar,

vatanni muqaddas bilguvchi, mamlakatning siyosiy-ijsimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotidan xabardor bo'lgan, Saltanat ishlarida dono maslahatlari bilan qatnashib turardi. Ayniqsa, ilm-ma'rifatga alohida e'tibor ila qarar, tolibi ilmlarga homiylik qilardi.

Saltanatni boshqarishda vujudga kelgan ayrim muammolarni hal qilishda oqilona maslahatlari bilan qatnashib turgan.

Amir Temur Eronga qarshi yurish boshlaganda, Isfaxonning qamali ko'pga cho'zilib, qo'shinni boqish uchun mablag' etmay qoladi. Shunda Amir Temur Samarqandga chopar yuboradi. Bibixonim chopar olib kelgan qisqagina xatmi olib o'qiydi. Unda: «Qo'shining zahirasi (zapas) tugadi, xazinadan zar yuboring» - deb yozilgandi. Sharoitni tushungan ayol maktubning orqa tomoniga «Ulug' amir, zaringiz tugagan bo'lsa, siyosatingiz ham tugadimu?» - deb yozadi.

Amir Temur maktubdag'i kinoyali so'zlarni o'qigach, so'yib eyilgan qo'y, qoramol, ot, tuya suyaklarini yig'dirib, turli hajmlarda qirqtiradi. Kattaroqlariga katta qiymat, kichigiga kichik qiymat belgilab, unga po'lat muhrni qizdirib tamg'a bostiradi va muvaqqat pul o'rnida muomalaga kiritishga farmon beradi. Shu pulga qo'shni qishloqlardan oziq-ovqat sotib olinadi.

Tez kunda Isfaxon shahri taslim bo'ladi, suyak pullar esa zar bilan almashtiriladi.

Amir Temur saroyida joriy qilingan tartibga ko'ra, chet ellik elchilarni qabul qilish marosimlarida hukmdor yonida Saroy Mulk Xonim-Bibixonim boshliq boshqa xotinlari ham yuzlariga parda tashlab o'tirganlar.

Amir Temur Saroy Mulk Xonimga bo'lgan muhabbati va hurmati uchun Samarqandda mashhur bo'lgan Bibixonim masjidini (1399-1404) qurdirgan.

Sohibqiron Saroy Mulk Xonimdan farzand ko'rmagan. Ammo o'g'li Shohruh Mirzoni, suyukli nabiralari Muhammad Sulton Mirzo, Xalil Sulton Mirzo, Ulug'bek Mirzolarni Bibixonim tarbiyasiga bergan.

## АБУ АЛИ ИБН СИНО

(980-1037)

Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино 980 йилда Буҳоро яқинидаги Афшона (Вобкент тумани) қишлоғида туғилган.

Ибн Сино истеъоддли, хотираси ўтқир бўлган. 10 ёшидаёқ Куръони Каримни ёд олган. Ўша вақтда диний илмлар кенг тарғиб қилиниб, дунёвий илмлар билан шуғулланиш гуноҳ ҳисобланар эди. Шундай вазиятда ҳам илм ўрганишдан толмайди: 10-13 ёшларидан бошлаб математика, мантиқ, фалсафа илмларини мукаммал эгаллай бошлаган.

18 ёшга кирганды эса тиббиёт соҳасыда етүк мутахассис табиб-хаким бўлиб танилди. У сомонийларнинг амири Нуҳ ибн Мансурни даволайди. Эвазига сарой кутубхонасидаги ноёб китобларни ўқиши учун рухсат олади. Натижада у машҳур энциклопедист олим, ҳукуқшунос, шоир, файласуф ва дунёга таниqli ҳоким бўлиб етишади. У турли мавзуларга оид бўлган 280 дан ортиқ асар яратди. Шулардан 40 таси медицинага оид. «Тиб қонунлари» китоби ҳозиргача медицина ходимлари учун катта маънабадир.

Шарқда уни «Шайх-ул-раис», Фарбда эса Авиценна дейишади.

Ибн Сино 1037 йил 18 июнда Исфаҳон шаҳрида 57 ёшида вафот этган.

Халқимиз ҳали-хануз ибн Сино қолдирган тиббиётга оид даволардан фойдаланмоқда.

## ABU ALI IBN SINO

Sharqning buyuk allomasi Abu Ali ibn Sino 980 yilda Buxoro yaqinidagi Afshona (Vobkent tumani) qishlog‘ida tug‘ilgan.

Ibn Sino iste’dodli, xotirasi o’tkir bo‘lgan. 10 yoshidayoq Qur’oni Kārimni yod olgan. O’sha vaqtida diniy ilmlar keng targ‘ib qilinib, dunyoviy ilmlar bilan shug‘ullanish gunoh hisoblanar edi. Shunday vaziyatda ham ilm o‘rganishdan tolmaydi. 10-13 yoshlaridan boshlab matematika, mantiq, falsafa ilmlarini mukammal egallay boshlagan.

18 yoshga kirganda esa tibbiyat sohasida etük mutaxassis tabib-hakim bo‘lib tanildi. U somoniylarning amiri Nux ibn Mansurni davolaydi. Evaziga saroy kutubxonasidagi noyob kitoblarni o‘qish uchun ruxsat oladi. Natijada u mashhur ensiklopedist olim, huquqshunos, shoир, faylasuf va dunyoga taniqli hakim bo‘lib etishadi. U turli mavzularga oид bo‘lgan 280 dan ortiq asar yaratdi. Shulardan 40 tasi medisininga oид. «Tib қонунлари» китоби ҳозиргача medisina xodimlari uchun katta maъnabadir.

Sharqda uni «Shayx-ul-rais», G‘arbda esa Avisena deyishadi.

Ibn Sino 1037 yil 18 iyunda Isfaxon shahrida 57 yoshida vafot etgan.

Xalqimiz ҳали-хануз ibn Sino qoldirgan tibbiyatga oид даволардан foydalananmoqda.

## САРОЙ АЁЛЛАРИ

Аёллар орасидан шафқатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етүк донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоиралар ва зуқко санъатшунослар етишиб чиқсан. Чунончи, мас-сагетлар ҳукмдори Тўмарис, қадимий Пальмиранинг ҳукмрони Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етүк сиёсатдан ҳукмдорлари бўлғанлар. Гар-

чи бундай хукмдор, олима, шоира ва донишманд аёллар Farbda бармоқ билан саналса-да, Sharq мамлакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин.

Sharq мамлакатлари мисолида биргина Temur ва темурийлар суоласига мансуб хотин-қизларни кўрайлик-чи.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг (1336-1405) рафиқаси - *Сарой Мулк хоним* - Bibixonim (1341-1408),

Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг (1377-1447) рафиқаси *Гавҳар Шодбегим* (1379-1457),

Темурнинг набираси - Ҳалил Султон Мирзо (1384-1412)нинг суюкли хотини - *Шод Мулк Хотун* (1387-1411),

Темурнинг набираси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро (1438-1506) нинг суюкли хотини - *Ҳадича бегим* (1451-1511),

Умар Шайх Мирзонинг (1456-1504) тўнгич қизи (Бобурнинг опаси) *Хонзода бегим* (1477-1544),

Бобур(1483-1530)нинг қизи - *Гулбадан бегим* (1523-1603),

Сулаймон Мирзонинг хотини - *Ҳарам бегим* (1514-1589),

Жаҳонгир Шоҳ(1569-1627)нинг суюкли хотини - *Нуржсаҳон бегим*,

Шоҳ Жаҳоннинг (1592-1666) севикли хотини - *Мумтоз Махал* (Аржуманд бону-1594-1631),

Шоҳ Жаҳоннинг қизи - *Жаҳон Оро бегим* (1614-1681),

Аврангзеб Оламгир(1618-1707)нинг қизи - *Зебуннисо бегим* (1639-1702) дир.

## SAROY AYOLLARI

Ayollar orasidan shavkatli hukmdorlar, oqila maslahatgo‘ylar, etuk donishmandlar, zabardast olimalar, suxandon shoiralar va zukko san’atshunoslar etishib chiqqan. Chunonchi, massagetlar hukmdori To‘maris, qadimiy Palmiraning hukmroni Zinoviya, ispan qirolichasi Izabella, arman malikasi Tamaralar o‘z davrining etuk siyosatdon hukmdorlari bo‘lganlar. Garchi bunday hukmdor, olima, shoira va donishmand ayollar G‘arbda barmoq bilan sanalsa-da, Sharq мамлакатларида ularni ko‘plab uchratish mumkin. Sharq мамлакатлари misolida birgina Temur va temuriylar sulolasiga mansub xotin-qizlarni ko‘raylik-chi.

Buyuk sohibqiron Amir Temurning (1336-1405) rafiqasi - Saroy Mulk Xonim-Bibixonim (1341-1408),

Temurning o‘g‘li Shohruh Mirzoning (1377-1447) rafiqasi-Gavhar Shod begim (1379-1457),

Temurning nabirasi - Xalil Sulton Mirzoning (1384-1412) suyukli xotini - Shod Mulk Xotun (1387-1411),

Temurning nabirasi Sulton Husayn Mirzo Boyqaroning (1438-1506) suyukli xotini - Xadicha begin (1451-1511),

Umar Shayx Mirzoning (1456-1404) to'ng'ich qizi (Boburning opasi) Xonzoda begin (1477-1544),

Boburning (1483-1530) qizi - Gulbadan begin (1523-1603),

Sulaymon Mirzoning xotini - Haram begin (1514-1589),

Jahongir Shohning (1569-1627) suyukli xotini - Nurjahon begin (Mehrino - 1577-1645),

Shoh Jahonning (1592-1666) sevikli xotini - Mumtoz Mahal (Arjumand Bonu - 1594-1631),

Shoh Jahonning qizi - Jahon Oro begin (1614-1681),

Avrangzeb Olamgirning (1618-1707) qizi - Zebinisobegin (1639-1702)dir.

## У Л У Ф Б Е К

Мұхаммад Тарагай Улуғбек 1394 йилнинг 22 марта туғида туғида-ди. У ёшлиқ вақтларида ёқ бобоси Амир Темур билан жуда күп юришларда қатнашади, күп мамлакат ва шаҳарларни кўради, Темур вафотидан кейин ҳокимият Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ қўлига ўтади. Шоҳруҳ Хуросонда ўзи ҳукмронлик қилиб, Мавроунахрни ўғли Улуғбекка топширади. Бу вақтда Улуғбек 15 ёшда эди.

Улуғбек 1417-1420 йиллар мобайнида ажойиб мадраса қурди-ради. Бу мадраса тарихда Улуғбек номи билан юритилади. У кейин-чалиқ Самарқандда расадхона (обсерватория) ҳам қўрдиради.

Ўрта аср фанининг ривожида улуғ астроном Улуғбекнинг хиз-мати катта. Улуғбек яратган илмий ишларнинг энг йириги унинг юлдуз ва сайдералар ҳаракатига бағишиланган «Астрономик жадва-л»и ҳисобланади.

Улуғбекнинг юлдузлар ҳақидаги асари 1665 йили Оксфордда, 1853 йили Парижда, 1917 йили Америкада, 1943 йили Лондонда таржима қилинади ва босилиб чиқади.

Буюк олим Улуғбекка Ҳўжа Аҳрор бошлиқ реакцион гурух-лар қарши чиқа бошлайдилар. Уларнинг ташвиқоти билан ўғли Абдуллатиф 1449 йили отасини қатл қилишга фармон беради. Қора гуруҳлар томонидан буюк олим Улуғбек ўлдирилса-да, унинг номи, ўлмас ишлари бутун дунёда агадий яшайди.

## ULUG'BEK

Muhammad Tarag'ay Ulug'bek 1394 yilning 22 martida tug'iladi. U yoshlik vaqtlaridayoq bobosi Amir Temur bilan juda ko'p yurishlarda qatnashadi, ko'p mamlakat va shaharlarni ko'radi. Temur vafotidan keyin hokimiyat Ulug'bekning otasi Shohruh qo'liga o'tadi. Shohruh Xurosonda o'zi hukmronlik qilib, Mavoraunnahrni o'g'li Ulug'bekka topshiradi. Bu vaqtda Ulyg'bek 15 yoshda edi.

Ulug'bek 1417-1420 yillar məbayanida ajoyib madrasa qurdiradi. Bu madrasa tarixda Ulug'bek nomi bilan yuritiladi. U keyinchalik Samarqandda rasadxona ham qurdiradi.

O'rta asr fanining rivojida ulug' astronom Ulug'bekning xizmati katta. Ulug'bek yaratgan ilmiy ishlarning eng yirigi uning yuiduz va sayyoralar harakatiga bag'ishlangan «Astronomik jadval»i hisoblanadi.

Ulug'bekning yulduzlar haqidagi asari 1665 yili Oksfordda, 1853 yili Parjda, 1917 yili Amerikada, 1943 yili Londonda tarjima qilinadi va bosilish chiqadi.

Buyuk olim Ulug'bekka Xo'ja Ahror boshliq reaksiyon guruqlar qarshi chiqa boshlaydilar. Ularning tashviqoti bilan o'g'li Abdullatif 1449 yili otasini qatl qilishga farmon beradi. Qora guruqlar tomonidan buyuk olim Ulug'bek o'ldirilsa-da, uning nomi, o'lmas ishlari butun dunyoda abadiy yashaydi.

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси билимли, зийрак киши эди. Шунинг учун ўғлининг яхши билим олишига алоҳида эътибор берди. Зеҳни ўткир Алишер 4-5 ёшидаёқ ўқиши, ёзишини ўрганди. Адабиёт ва санъатга ҳавас кўйди, ҳуснинатни эгаллади.

Кичкина Алишер машҳур форс, тожик шоирларининг асарларини завқ билан ўқиб, улардан гоят таъсиранди. Кўп ўтмай, ўз шеърлари билан ҳам танила бошлади.

Алишернинг мактабдоши Ҳусайн Бойқаро тахтga чиққач, уни ўзига вазир қилиб олади. Бу даврда солиқларнинг оғирлиги ҳамда феодал зулми қучайганлиги сабабли золимларга қарши халқ қўзғонлари бўлиб турар эди. Бундай вақтларда Алишер Навоий мазлумлар манфаатини ҳимоя қилди. Ўз асарларида эса одамларни яхши фазилатли, адолатли бўлишга унади, жабр-жафо ва зулмни қоралади. Бу олижаноб ишлари билан Навоий халқ ўртасида катта ҳурмат ва обрў қозонди. Алишер яшаган замонда туркий

тилда асар ёзиш айб саналар эди. Улуф Навоийнинг тарихий хизмати шундаки, у ўлмас асарлари билан қадимий ўзбек тилининг чексиз имкониятини, унинг бошқа тиллар қатори бой ва қудратли тил эканлигини намойиш қилди.

Навоий форс тилида ҳам яхши шеърлар яратган.

Шоирнинг энг йирик асарлари «Хазойинул-маоний» деб аталган шеърий тўплами ва бешта достондан иборат «Ҳамса» («Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи саид», «Садди Искандарий»)дир.

Улуф Навоийнинг бой ижодий мероси ҳақиқий халқ мулкига айланди Унинг асарлари бир қанча тилларга таржима қилинди, кўп нусхада нашр этилди.

## ALISHER NAVOIY

Alisher Navoiy 1441-yil 9 fevralda Hirot shahrida tug‘ildi. Uning otasi bilimli, ziyrak kishi edi. Shuning uchun o‘g‘lining yaxshi bilim olishiga alohida e‘tibor berdi. Zehni o‘tkir Alisher 4-5 yoshidayoq o‘qish, yozishni o‘rgandi. Adabiyot va san‘atga havas qo‘ydi, husnixatni egalladi.

Kichkina Alisher mashhur fors, tojik shoirlarining asarlarini zavq bilan o‘qib, ulardan g‘oyat ta’sirlandi. Ko‘p o‘tmay o‘z she’rlari bilan ham tanila boshladi.

Alisherning maktabdoshi Husayn Boyqaro taxtga chiqqach, uni o‘ziga vazir qilib oladi. Bu davrda soliqlarning og‘irligi hamda feodal zulmi kuchayganligi sababli zolimlarga qarshi xalq qo‘zg‘olonlari bo‘lib turar edi. Bunday vaqtarda Alisher Navoiy mazlumlar manfaatini himoya qildi. O‘z asarlarida esa odamlarni yaxshi fazilatli, adolatli bo‘lishga undadi, jabr-jafo va zulmni qoraladi. Bu olijanob ishlari bilan Navoiy xalq o‘rtasida katta hurmat va obro‘ qozondi. Alisher yashagan zamonda turkiy tilda asar yozish ayb sanalar edi Ulug‘ Navoiyning tarixiy xizmati shundaki, u o‘lmas asarlari bilan qadimiyoq o‘zbek tilining cheksiz imkoniyatini, uning boshqa tillar qatori boy va qudratli til ekanligini namoyish qildi.

Navoiy fors tilida ham yaxshi she’rlar yaratgan.

Shoirning eng yirik asarlari «Xazoyinul-maoniy» deb ataldan she’riy to‘plami va beshta dostondan iborat «Ҳамса» («Hayratui-abrор», «Farhod va Shirin», «Layli va Majnun», «Sab’ai sayyor», «Saddi Iskandariy»)dir.

Ulug‘ Navoiyning boy ijodiy merosi haqiqiy xalq mulkiga aylandi. Uning asarlari bir qancha tillarga tarjima qilindi, ko‘p nusxada nashr etildi.

## ХАЛҚ

### Чүлпон

Халқ денгиздир, халқ тұлқындар, халқ күчдір,  
Халқ исёндір, халқ оловдір, халқ ўчдыр...  
Халқ күзғолса күч йўқдурким, тұхтатсун,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.  
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ истади: то ж ва таҳтлар йиқилди.  
Халқ истаги озод бўлсун бу ўлка,  
Кетсун унинг бошиндаги кўланка.  
Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,  
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.  
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...  
Бутун кучин халқ ичидан олайлик,  
Қулоқ очиб халқ ичига борайлик.

## X A L Q

### Cho'lpon

Xalq dengizdir, xalq to'lqindir, xalq kuchdir,  
Xalq isyondir, xalq olovdir, xalq o'chdir...  
Xalq qo'zg'olsa kuch yo'qdurkim, to'xtatsun,  
Quvvat yo'qkim, xalq istagin yo'q etsun.  
Xalq isyonini saltanatni yo'q qildi,  
Xalq istadi: toj va taxtlar yiqildi.  
Xalq istagi ozod bo'lsun bu o'lka,  
Ketsun uning boshindagi ko'lanka.  
Bir qo'zg'olur, bir ko'pirar, bir qaynar.  
Bir intilur, bir hovliqar, bir o'ynar.  
Yo'qlikni-da, ochlikni-da yo'q etar,  
O'z yurtini har narsaga to'q etar...  
Butun kuchin xalq ichidan olaylik,  
Quchoq ochib xalq ichiga boraylik.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирий 1894 йилда Тошкент шәхрида дәхқон оиласыда туғилди. У аввал мадрасада, кейин «Рус-тузем мактаби»да ўқиди. Абдулла Қодирий ўз ижодини 1909 йиллардан бошлади.

А. Қодирий кўп йиллар «Муштум» журнали редакциясида ишлади. Бу унинг сатирик асарлар ёзишига катта таъсир кўрсатди.

1925 йилда Абдулла Қодирийнинг биринчи йирик асари «Ўтган кунлар» романи босилиб чиқди. Бу роман ўзбек адабиётидаги биринчи йирик прозаик асар эди. Асарда ўзбек халқининг XIX асар биринчи ярмидаги ҳаёти тасвирланади. Абдулла Қодирийнинг иккинчи йирик асари 1928 йилда ёзилган «Мехробдан чаён»дир. Автор романда Туркистондаги феодализм даврининг энг сўнгги қаттиқўл хони Худоёрхон даврини тасвирлайди.

Шунингдек, ажойиб сўз устаси Абдулла Қодирийнинг зўр маҳорат билан ёзилган бу асарларида диндорлар ва руҳонийларнинг ишлари фош қилинади.

Абдулла Қодирий ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб 1935 йилда колхоз ҳаёти мавзусида «Обид кетмон» асарини яратади.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий 1939 йилда вафот этган.

## ABDULLA QODIRIY

Abdulla Qodiri 1894 yilda Toshkent shahrida dehqon oиласида tug'ilgan. U avval madrasada, keyin «Rus tuzem maktabi»da o'qidi. Qodiriyo'z ijodini 1909 yillardan boshladi.

Abdulla Qodiri ko'p yillar «Mushtum» jurnali redaksiyasida ishladi. Bu uning satirik asarlar yozishiga katta ta'sir ko'rsatdi.

1925 yilda Abdulla Qodiriyning birinchi yirik asari «O'tgan kunlar» romani bosilib chiqdi. Bu roman o'zbek adabiyotidagi birinchi yirik prozaik asar edi. Asarda o'zbek xalqining XIX asr birinchi yarmidagi hayoti tasvirlanadi. Abdulla Qodiriyning ikkinchi yirik asari 1928 yilda yozilgan «Mehrobdan chayon»dir. Avtor romanda Turkistondagi feodalizm davrining eng so'nggi, qattiqko'l xoni - Xudoyorxon davrini tasvirlaydi.

Shuningdek, ajoyib so'z ustasi Abdulla Qodiriyning zo'r mahorat bilan yozilgan bu asarlarida dindorlar va ruhoniylarning ishlari fosh qilinadi.

Abdulla Qodiri o'zbek yozuvchilari orasida birinchi bo'lib, 1935 yilda kolxoz hayoti mavzusida «Obid ketmon» asarini yaratdi.

Sevimli yozuvchimiz Abdulla Qodiri 1939 yilda vafot etgan.

## ОНА, ДАДАМ НЕГА ЙИГЛАЯПТИЛAR?

Етти-саккиз ёшлик чоғларим, шаҳар ҳовлида яшар эдик. Даҳам мудом ўтириб «Ўтган кунлар»ни ёзардилар. Бир кун ойим, одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирладилар-да, эрта туриб ўз хонасида ёзив ўтирган дадамни чойга чақиргани

А.Қодирий кўп йиллар «Муштум» журнали редакциясида ишлади. Бу унинг сатирик асарлар ёзишига катта таъсир кўрсатди.

1925 йилда Абдулла Қодирийнинг биринчи йирик асари «Ўтган кунлар» романи босилиб чиқди. Бу роман ўзбек адабиётидаги биринчи йирик прозаик асар эди. Асарда ўзбек халқининг XIX асар биринчи ярмидаги ҳаёти тасвирланади. Абдулла Қодирийнинг иккинчи йирик асари 1928 йилда ёзилган «Мехробдан чаён»дир. Автор романда Туркистондаги феодализм даврининг энг сўнгги қаттиққўл хони Худоёрхон даврини тасвирлайди.

Шунингдек, ажойиб сўз устаси Абдулла Қодирийнинг зўр маҳорат билан ёзилган бу асарларида диндорлар ва руҳонийларнинг ишлари фош қилинади.

Абдулла Қодирий ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб 1935 йилда колхоз ҳаёти мавзусида «Обид кетмон» асарини яратади.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий 1939 йилда вафот этган.

## ABDULLA QODIRIY

Abdulla Qodiri 1894 yilda Toshkent shahrida dehqon oиласида tug'ilgan. U avval madrasada, keyin «Rus tuzem maktabi»da o'qidi. Qodiriyo'z ijodini 1909 yillardan boshladi.

Abdulla Qodiri ko'p yillar «Mushtum» jurnali redaksiyasida ishladi. Bu uning satirik asarlar yozishiga katta ta'sir ko'rsatdi.

1925 yilda Abdulla Qodiriyning birinchi yirik asari «O'tgan kunlar» romanini bosilib chiqdi. Bu roman o'zbek adabiyotidagi birinchi yirik prozaik asar edi. Asarda o'zbek xalqining XIX asr birinchi yarmidagi hayoti tasvirlanadi. Abdulla Qodiriyning ikkinchi yirik asari 1928 yilda yozilgan «Mehrobdan chayon»dir. Avtor romanda Turkistondagi feodalizm davrining eng so'nggi, qattiqko'l xoni - Xudoyorxon davrinini tasvirlaydi.

Shuningdek, ajoyib so'z ustasi Abdulla Qodiriyning zo'r mahorat bilan yozilgan bu asarlarida dindorlar va ruhoniylarning ishlari fosh qilinadi.

Abdulla Qodiri o'zbek yozuvchilarini orasida birinchi bo'lib, 1935 yilda kolxoz hayoti mavzusida «Obid ketmon» asarini yaratdi.

Sevimli yozuvchimiz Abdulla Qodiri 1939 yilda vafot etgan.

## ОНА, ДАДАМ НЕГА ЙИФЛАЯПТИЛАР?

Етти-саккиз ёшлик чоғларим, шаҳар ҳовлида яшар эдик. Даҳам мудом ўтириб «Ўтган кунлар»ни ёзардилар. Бир кун ойим, одатимиизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирладилар-да, эрта туриб ўз хонасида ёзиб ўтирган дадамни чойга чақиргани

кириб кетдилар. Биз дастурхон теварагида у кишининг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойим негадир индамай чиқдилар ва ўтириб бизга чой қуийб бера бошладилар.

- Абдуллани чақирдингми, Раҳбар?-дадам чиқавермагач, ойимдан сўрадилар бибим.

- Йўқ.

- Нега?

- Ўғлингиз йиглаб ўтирибдилар,- дедилар ойим.

Бибим бечора сакраб ўринларидан туриб дадамнинг хонасига йўл олдилар. Кап-катта кишининг йиглашидан ҳайратга келиб мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у киши юм-юм йиглар, курсига тирсакланиб олиб, тўхтовсиз ёзар эдилар. бибим дадамнинг бу ҳолига бироз қараб турдиларда, бир нарсанни тушундилар шекилли, индамай мени бошлаб орқага қайтдилар ва ўтириб чойни ича бошладилар. Мен бибимдан сўрадим:

- Дадам нега йиглаяптилар?

- Даданг жинни бўлиб қолибди...-жавоб қилдилар бибим ва бошқа сўз айтмадилар.

Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севикли қаҳрамони Кумушнинг фожиали ўлими пайтини тасвирлаётган эканлар...

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ

## ONA, DADAM NEGA YIG'LAYAPТИЛAR?

Etti-sakkiz yoshlik chog'larim, shahar hovlida yashar edik. Dadam mudom o'tirib «O'tgan kunlar»ni yozardilar. Bir kun oyim, odatimizcha, ertalabki choyni bibimning uyiga hozirladilar-da, erta turib o'z xonasida yozib o'tirgan dadamni choyga chaqirgani chiqib ketdilar. Biz dasturxon tevaragida u kishining chiqishini kutamiz... Bir vaqt oyim negadir indamay chiqdilar va o'tirib bizga choy quyib bera boshladilar.

- Abdullani chaqirdingmi, Rahbar?- dadam chiqavermagach, oyimdan so'radiilar biibim.

- Yo'q.

- Nega?

- O'g'lingiz yig'lab o'tirbdilar,- dedilar oyim.

Bibim bechora sakrab o'rinalaridan turib dadamning xonasiga yo'l oldilar. Kap-katta kishining yig'lashidan hayratga kelib men ham bibim ortidan ergashdim. Kirsak, darhaqiqat, u kishi yum-yum yig'lar, kursiga tirsaklanib olib, to'xtovsiz yozar edilar. Bibim dadamning bu holiga biroz qarab turdilar-da, bir narsani tushundilar shekilli, indamay meni boshlab orqaga qaytdilar va o'tirib choyni icha boshladilar. Men bibimdan so'radiim:

- Dadam nega yig'layaptilar?
- Dadang jinni bo'lib qolibdi....- javob qildilar bibim va boshqa so'z aytmadilar.

Keyinchalik anglasam, o'shanda dadam o'z sevikli qahramoni Kumushning fojiali o'limi paytini tasvirlayotgan ekanlar...

*Habibulla QODIRIY*

## АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

## ALISHERNING ONASI

*Абдулла ОРИПОВ*

Билмам, қандай аёл бўлган  
Алишернинг онаси.  
Балки унинг ақлига ҳам  
Лол қолган замонаси.  
Балки унинг кўзларида  
Бўлган оғир бир хаёл.  
Балки ғамгин бир зотdir у,  
Балки шўхчан бир аёл.  
Балки буюк фарзандига  
Териб келган чечаклар.  
Балки тунлар унга бедор  
Айтиб берган эртаклар.  
Майлига, у ким бўлмасин,  
Ёлғиз бир сўз маъноси:  
Алишернинг онаси у,  
Навоийнинг онаси

Bilmam, qanday ayol bo'lgan  
Alisherning onasi.  
Balki uning aqliga ham  
Lol qolgan zamonasi.  
Balki uning ko'zlarida  
Bo'lgan og'ir bir xayol  
Balki g'amgin bir zotdir u,  
Balki sho'xchan bir ayol  
Balki buyuk farzandiga  
Terib kelgan chechaklar.  
Balki tunlar unga bedor  
Aytib bergan ertaklar.  
Mayliga, u kim bo'lmasin,  
Yolg'iz bir so'z ma'nosi:  
Alisherning onasi u,  
Navoiyning onasi..

## И САҲОФИЗ

Исаҳофиз Тошкент шаҳридаги Девонбеги маҳалласида истиқомат қилган. Навоий, Фузулий ғазалларини куйлаган Исо, халқ орасида «Танбурчи·Исаҳофиз» деб ҳом олган эди. Унинг икки ўғли бўлган. Абдулла ва Саъдулла. Ҳар иккиси ҳам ота ҳунари - ҳофизликка қизиқишган. Ота ўз фарзандларига устоз бўлиб, ҳофизлик касбини қунт билан эгаллашига катта ёрдам берган, эски мактабларда, мадрасаларда ҳам ўқитган.

Исаҳофизнинг катта ўғли Абдулла Тошкентда хушваз ҳофиз бўлиб танила бошлади. Унинг сеҳрли товушига мафтун бўлган ҳоким:

- Абдулла, сен зўр ҳофиз бўлганинг учун ҳафтада икки марта

мехмонхонамга келиб ҳониш қилишинг шарт!- деб буйруқ беради...

Абдулла меҳмондўст, одамшаванда, ширинсухан эди. У тошкентлик Камий, Мискин, Xислат каби шоирларнинг шеърлари ни куйга солиб аytар эди.

Тошкент ҳофизи бўлиб танилган Абдулла уйда ҳам, кўчада ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчага бирдек хушмуомалада бўлган.

Бир куни Абдулла Тошкент атрофидаги қишлоқقا меҳмонга таклиф этилади. Базм тонготар давом этади. Улар катта боғда; ҳовуз бўйидаги супада ўтиришибди. Атрофда гултожихўроздан тортиб, Қирқоғайнигача барқ уриб очилган. Мусаффо тонг ҳавоси кўзларга нур, торга овоз, дилга илҳом бағишиларди...

Абдулла чалаётган танбур куйи тобора авжига чиққан, қўшиқ эса борган сари тингловчиларни сеҳрлайверган. Тонг паллада бир булбул ҳофиз қўлидаги танбур учига қўниб, сўнг дараҳт шоҳига учиб ўтган. Ёқимли қўшиқ ва куйга маст бўлган ҳофизнинг ашуласига жўр бўлгач, учиб кетган...

Бу воқеадан хабардор бўлган дўстлари ўша-ўша уни «Абдулла Булбул» дейишарди.

Зуҳра ТОЛИПОВА

## I S A H O F I Z

Isahofiz Toshkent shahridagi Devonbegi mahallasida istiqomat qilgan. Navoiy, Fuzuliy g‘azallarini kuylagan Iso, xalq orasida «Tanburchi Isahofiz» deb nom olgan edi. Uning ikki o‘g‘li bo‘lgan: Abdulla va Sa’dulla. Har ikkisi ham ota hunari - hofizlikka qiziqishtigan. Ota o‘z farzandlariga ustoz bo‘lib, hofizlik kasbini qunt bilan egallahiga katta yordam bergen, eski maktablarda, madrasalarda ham o‘qitgan.

Isahofizning katta o‘g‘li Abdulla Toshkentda xushovoz hofiz bo‘lib tanila boshladi. Uning sehrli tovushiga maftun bo‘lgan hokim:

- Abdulla, sen zo‘r hofiz bo‘lganining uchun haftada ikki marta mehmonxonamga kelib honish qilishing shart! - deb buyruq beradi...

Abdulla mehmondo‘sit, odamshavanda, shirinsuxan edi. U toshkentlik Kamiy, Miskin, Xislat kabi shoirlarning she’rlarini kuyga solib aytar edi.

Toshkent hofizi bo‘lib tanilgan Abdulla uyda ham, ko‘chada ham etti yoshdan etmish yoshgacha bo‘lgan barchaga birdek xushmuomalada bo‘lgan.

Bir kuni Abdulla Toshkent atrofidagi qishloqqa mehmonga taklif etiladi. Bazm tongotar davom etadi. Ular katta bog‘da, hovuz bo‘yidagi supada

o'tirishibdi. Atrofda gultojixo 'rozdan tortib, qirqog 'aynigacha barq urib ochilgan. Musaffo tong havosi ko'zlarga nur, torga ovoz, dilga ilhom bag 'ishlardi...

Abdulla chalayotgan tanbur kuyi tobora avjiga chiqqan, qo'shiq esa borgan sari tinglovchilarni sehrlayvergan. Tong pallada bir bulbul hofiz qo'lidagi tanbur uchiga qo'nib, so'ng daraxt shohiga uchib o'tgan. Yoqimli qo'shiq va kuya mast bo'lgan hofizning ashulasiga jo'r bo'lgach, uchib ketgan...

Bu voqeadan xabardor bo'lgan do'stlari o'sha-o'sha uni «Abdulla Bulbul» deyishardi.

Zuhra TOLIPOVA

## КАПКИРНИНГ ОВОЗИ

*Афандининг қорни очқаб турган эди, бирор ундан сўрабди:*

- Афанди, дунёда ниманинг овози яхши? Дуторникими, танбурникими, гижакникими?
- Ҳей биродар,- деб жавоб бериди Афанди,- ҳеч қайси бирининг овози капкирникига тўғри келмайди.

## KAPKIRNING OVOZI

*Afandining qorni ochqab turgan edi, birov undan so'rabdi:*

- Afandi, dunyoda nimaning ovozi yaxshi? Dutornikimi, tanburnikimi, g'ijjaknikimi?
- Hey birodar,- deb javob beribdi Afandi,- hech qaysi birining ovozi kapkirnikiga to'g'ri kelmaydi.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Ҳамза 1889 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси табиб бўлган. Ҳамзанинг ёшлик йиллари Кўқон шаҳрида ўтган. У аввал эски мактабда, кейинчалик мадрасада ўқиди.

1905 йилдан бошлаб шеърлар ёза бошлаган: «Илм иста» (1914), «Оқ гул» (1915-1917) шеърлари, «Тошбақа билан чаён» (1914) масали бор. Бундан ташқари у жуда кўп бошқа мавзуларда ҳам шеърлар ёзган.

Ҳамзанинг бир қанча драматик асарлари бор. «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила ҳизматчи», «Майсарапанинг иши», «Паранжи сирлари» каби.

1929 йил 18 март ойида Ҳамза Шоҳимардонда ўлган.

## HAMZA HAKIMZODA NIYOZIY

Hamza 1889 yilda Qo‘qon shahrida tug‘ilgan. Uning otasi tabib bo‘lgan. Hamzaning yoshlik yillari Qo‘qon shahrida o‘tgan. U avval eski maktabda, keyinchalik madrasada o‘qidi.

1905 yildan boshlab she’rlar yoza boshladi. «Ilm ista» (1914), «Oq gul», «Qizil gul», «Pushij gul», «Yashil gul», «Safsar gul» (1915-1917) she’rlari, «Toshbaqa bilan chayon» (1914) masali bor.

Hamzaning bir qancha dramatik ásarlari bor. «Zaharli hayat», «Boy ilä xizmatchi», «Maysaraning ishi», «Paranji sirlari» kabi.

1929 yil 18 mart oyida Hamza Shohimardonda o‘lgan.

## ҲАМИД ОЛИМЖОН

Ҳамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳрида меҳнаткаш оиласида туғилган.

9 яшар Ҳамид Олимжон Жиззахда очилган Наримонов номидаги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиди.

1929 йилда шоирнинг «Кўклам» номли ilk тўплами нашр этилди. 1932 йилда ёзилган «Бахтлар водийси» шеъри Фаргона водийси бўйлаб қилган саёҳати, кузатиш ва учрашувлардан олган таассуротлари асосида ёзилган.

Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семурғ» (1939) достонларида икки дунё тасвирланади. Бу яхшилик ва ёмонлик дунёси.

«Зайнаб ва Омон» (1938) поэмаси оддий ўзбек қизининг ҳаёти унинг меҳнат қилиб, баҳтли бўлиши ҳақидадир.

Ҳ.Олимжон 1943 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди.

Ҳамид Олимжон 1944 йилнинг 3 июлида фожиали вафот этади.

## HAMID OLIMJON

Hamid Olimjon 1909 yilning 12 dekabrida Jizzax shaxrida mehnatkash oиласida tug‘ilgan.

9 yashar Hamid Olimjon Jizzahda ochilgan Narimonov nomidagi to‘liqsiz o‘rta maktabda o‘qidi.

1929 yilda shoirning «Ko‘klam» nomli ilk to‘plami nashr etildi. 1932 yilda yozilgan «Baxtlar vodiysi» she’ri Fargona vodiysi bo‘ylab qilgan sayohati, kuzatish va uchrashuvlardan olgan taassurotlari yozilgan.

Hamid Olimjonning «Oygul bilan Baxtiyor» (1937), «Semurg» (1939) dostonlarida ikki dunyo tasvirlanadi. Bu yaxshilik va yomonlik dunyosi.

«Zaynab va Omon» (1936) poemasi oddiy o'zbek qizining hayoti - uning mehnat qilib, baxtli bo'lishi haqidadir.

H. Olimjon 1943 yili O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasining muxbir a'zosi qilib saylandi.

H. Olimjon 1944 yilning 3 iyulida fojiali vafot etdi.

## ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС...

Дам олиш куни эди. Кечроқ турдим. Айвонда бувим кўринмадилар. У ёқ-бу ёққа қарадим. Топдим. Боғда эканлар. Қизиқ, бувижоним саҳарлаб боғда шафтоли дарахти ёнида турибдилар. Нима қиляптилар экан, дея кузата бошладим... Тушунмадим. Яқинроқ бордим. Қарасам, қўлларидағи игнанинг учидаги шафтоли гулидан териб косачага соляптилар. Ҳайрон бўлдим.

- Бувижон, нима қиляпсиз?

Бувим шу қадар берилиб кетган эканлар, аввал менга қарамадилар ҳам, сўнгра:

- Вой, болажоним-эй, қачон кела қолдинг? Сезмапман-ку.

Ха, шафтоли гулидан теряпман, - дедилар.

- Мен ҳам теришайми? - деб шафтоли дарахти тагига ўта бошладим. - Нима қиласиз?

- Йўқ, йўқ, қизим. Қўлда терсанг, заҳа бўлади. Айланай сендан. Ўзим, ўзим авайлаб, билиб-билиб тераман. Кейин буни чучвара қиламиз. Шу десанг, қон босимим яна кўтарилиб кетибди. Буни жуда фойдаси кўп-да, болам, - дедилар шафтоли гулларига ишора қилиб. - Ҳар йили баҳорда бир-икки шунақа чучвара қилиб еб тураман. Анча фойдаси тегади, болажоним...

Бувижоним билан боғдан қайтар эканмиз, шафтоли гулидан тайёрланадиган таомни тушунтириб бердилар... Ха, қари билганни пари билмас, деб шуни айтсалар керак. Келгуси баҳорда худо хоҳласа, бувижонимга шундай таомни ўзим тайёrlаб бераман.

## QARI BILGANNI PARI BILMAS...

Dam olish kuni edi. Kechroq turdim. Ayvonda buvim ko'rinnmadilar. U yoq-bu yoqqha qaradim. Topdim. Bog'da ekanlar. Qiziq, buvijonim saharlab bog'da shaftoli daraxti yonida turibdilar. Nima qilyaptilar ekan, deya kuzata boshladim... Tushunmadim. Yaqinroq bordim. Qarasam,

go'llaridagi ignaning uchida shaftoli gulidan terib kosachaga solyaptilar.  
Hayron bo'ldim.

- Buvijon, nima qilyapsiz?

Buvim shu qadar berilib ketgan ekanlar, avval menga qaramadilar ham, so'ngra:

- Voy, bolajonim-ey, qachon kela qolding? Sezmapman-ku. Ha, shaftoli gulidan terayapman,- dedilar.

- Men ham terishaymi? - deb shaftoli daraxti tagiga o'ta boshladim.

- Nima qilasiz?

- Yo'q, yo'q, qizim. Qo'lda tersang, zaha bo'ladi. Aylanay sendan. O'zim, o'zim avaylab, bilib-bilib teraman. Keyin buni chuchvara qilamiz. Shu desang, qon bosimim yana ko'tarilib ketibdi. Buni foydasi juda ko'nda, bolam,- dedilar shaftoli gullariga ishora qilib. - Har yili bahorda birikki shunaqa chuchvara qilib eb turaman. Ancha foydasi tegadi, bolajonim!..

Buvijonim bilan bog'dan qaytar ekanmiz, shaftoli gulidan tayyorlanadigan taomni tushuntirib berdilar... Ha, qari bilganni pari bilmas, deb shuni aytsalar kerak. Kelgusi bahorda xudo xohlasa, buvijonimga shunday taomni o'zim tayyorlab beraman.

**GULNORA.**

## МУНДАРИЖА

Суз боши.....	3
Ўзбек тили тарихидан. Алфавит.....	4
Суз туркumlари.....	17
От.....	18
Отларнинг ясалиши.....	21
Отларнинг грамматик категорияси.....	24
Сон категорияси .....	24
Эгалик категорияси.....	27
Келишлик категорияси.....	30
Феъл.....	49
Феълларнинг ясалиши.....	50
Феълнинг грамматик категорияси.....	52
Феълнинг нисбат категорияси.....	53
Феълнинг булишли-булишсизлик категорияси.....	55
Феълларда майл категорияси.....	58
Феълларда замон категорияси.....	61
Ўтган замон феъли.....	61
Хозирги замон феъли.....	64
Келаси замон феъли.....	66
Шахс-сон категорияси.....	67
Сифат.....	68
Сифатларнинг маънога кўра турлари. ....	70
Сифатнинг тузилиши.....	74
Сифатнинг ясалиши.....	76
Сифат даражалари.....	80
Сон.....	84
Хисоб сўзлари.....	93
Вақт хисоби.....	99
Олмошлар.....	100
Кишилик олмошлари.....	100
Курсатиш олмошлари.....	102
Ўзлик олмоши.....	103
Суроқ олмошлари.....	104
Белгилаш олмошлари.....	105
Гумон олмошлари.....	106
Равиш.....	108
Кўмакчилар.....	111
Юкламалар.....	114
Боғловчилар.....	115
Тақлидий сўзлар.....	116
Ундов сўзлар.....	117
Фойдаланиш учун матнлар:.....	117

Аҳмедова Г., Каримжонова В.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**

(Олний уқув юртлари, колледж ва  
лицеїларнинг рус гуруҳларин учун)

Проф. Миртоҗиев М. таҳрири остида

Мұхарририят мудири	Содиқов С.
Техник мұхаррір	Ким У.
Мусаххих	Усмонова М.
Компьютерда сағифаловчи	Тиллахұжаев А.

Босишига рухсат этилди 29.12.2000 й.  
Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди. Шартлы босма  
табоқ 7,56. Нашр.босма табоги 6,01.  
10000 нусха (1-5000). 109 - буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Ижод дунёси” нашриёт уйи.  
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитаси китоб-журнал фабрикасида босилди.  
700129, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов  
кӯчаси, 1-уй.